Омонулло Бўриев

«БОБУРНОМА»ДАГИ ТОПОНИМЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Темурийлар тарихи давлат музейи

Омонулло Бўриев

«БОБУРНОМА»ДАГИ ТОПОНИМЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Тошкент
"Наврўз"
2015

ВР 257/2

КВК 82.3 (5 Узб.) 8
М 40
UO'K: 178.4.2.

Китобхонларга тақдим этилаётган "Бобурнома"даги топонимлар изоҳли луғати" номли ушбу монографияда, асосан, Марказий Осиё ҳудудига оид топонимлар учун изоҳлар ёзилган ва зарур ҳолларда темурийлар даврининг бошқа тарихий манбаларидан ҳам маълумотлар илова қилинган. Луғат кенг китобхонлар оммаси, хусусан, Марказий Осиё тарихий географияси, этник тарихи, тарихий топонимияси билан қизиқувчилар, тадқиқотчилар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган.

Расмлар ва иловадаги "Бобурнома"да қайд этилган топонимлар рўйхати А.Шарипов томонидан тайёрланган.

Масъул муҳаррир:
М.Исҳоқов, т.ф.д., проф.

Тақризчилар:
С.ҚОРАЕВ, география фанлари доктори,
М.ИСМОИЛОВ, тарих фанлари номзоди, доцент

Ушбу изоҳли луғат ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи ва Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий кенгашларининг қарорларига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN – 978-9943-381-94-0

© Темурийлар тарихи давлат музейи, 2015 й.
© "Наврўз", 2015 й.

Сўзбоши

Жой номлари жамият тарихи билан уйғун ҳолда ривожланади ва асрлар кўламида қатламларни ташкил этади. Шу сабабдан, жаҳон бўйлаб тарқалган юз минглаб жой номлари – топонимлар инсониятнинг ўзига хос маданий ёдгорлиги саналади ва уларни илмий жиҳатдан ўрганиш орқали мозий ҳақидаги билимларимиз бойиб боради. Топонимларни ўрганишда турли манбаларга, биринчи навбатда ёзма меросга мурожаат қилишга тўғри келади.

Марказий Осиёнинг XIV–XV асрлардаги топонимияси ҳақида маълумотлар ўша даврда ёзилган Амир Темур ва Темурийлар салтанати воқеликлари акс этган тарихий мазмундаги асарларда акс этган ва бу ўринда "Бобурнома" муҳим манба саналади.

"Бобурнома" мемуар услубда ёзилганлиги сабабли, ундаги топонимларнинг аксарияти Марказий Осиё ҳудудига (Афғонистон ҳам шунинг ичида) тўғри келади. Ундан кейинги ўринда Ҳиндистон ҳудудига оид жой номлари туради. Умумий ҳисобда "Бобурнома" да жами 1250 дан ортиқ жой номи қайд этилган бўлиб, шундан 800 дан кўпроғи Марказий Осиё ҳудудига, қолган топонимлар турли жойларга тегишли. Давр кўламида олиб қарайдиган бўлсак, мазкур манбада 1493–1503 ва 1511–1513 йиллар воқеалари баёнида Мовароуннаҳрга оид, 1503 йилдан бошлаб Афғонистон ва 1518 йилдан сўнг ёзилган тарихий кечинмаларда Ҳиндистонга оид топонимлар қайд этилган. Умумий ҳисобда, "Бобурнома"даги топонимларнинг даврий чегараси XV асрнинг охирги ўн йиллигидан то XVI асрнинг иккинчи ўн йиллигигача бўлган оралиққа тўғри келади. Мазмун жиҳатдан улар табиий объектлар ва маъмурий-ҳудудий ҳолат ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ номлардан иборат.

"Бобурнома"да баъзан жой номларига изоҳлар ҳам берилган ва улар икки хил: 1) оддий изоҳлар – жой номининг географик ўрни, турлича ёзилиш шакллари ва мазмуни ҳақида маълумотларни ўз ичига олади. Улар бирор жойнинг маъмурий ҳолати, табиати, хўжалиги ёки ўша жой билан боғлиқ тарихий кечинмалар хусусида сўз юритганда келтирилган. *Кони обгир* (Конигил) – ўланг, Самарқанд вилояти. «Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти Кони обгир экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар; "Қорасувким, Обираҳмат ҳам дерлар"; "Фанокат – ҳоло Шоҳрухияға машҳурдир"; "Сайҳун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир"; Ғазни вилояти – "Баъзан туман ҳам дерлар, баъзи Ғазнин ҳам битибдурлар, Зобул ҳам дерлар, Зобулистон бу вилояттин ибораттур"; "Нингнаҳор, баъзи тарихларда Нагарҳор битибдурлар" ва ҳ.к. Бунга ўхшаш изоҳлар маълум бир жойнинг табиати ва тарихини ўрганишда муҳим материал бўла олади;

2) жой номлари этимологиясига тегишли маълумотлар ҳам учрайди. Кўпинча жойнинг табиий ҳолати билан боғлаб изоҳланган: "Кўҳи Сафид –бу тоғдин қор ҳаргиз ўксумас. Бу жиҳатдин ғолибо Кўҳи Сафид дерлар"; "Улуғ кўтал (Ҳиндукуш тизмаси) била Парвон орасида яна етти кўтал (довон) бор учун Ҳафтбача дерлар"; "Бозорак кўталини Сароб эли Порандий отлиқ кентига инар учун Порандий кўтали дерлар"; Тўл – довон, Ҳиндукуш. "Бу уч кўталдин

яхшироғи Тўлдур. Вале йўли бир нима узунроқдир. Ғолибо бу жиҳатдин Тўл дерлар"; "Ул вилоятларда кўталларни банд дерлар. Ғўр сари бу кўтал (Ғурбанд)била борурлар, ғолибо ул жиҳатдин Ғурбанд дерлар";

Этимологияси аниқ тарихий воқелик билан боғлиқ топонимлар ҳам бор: "Султон Маҳмуднинг қабри Ғазнининг маҳаллотидадурким, Султон қабри анда учун Равза дерлар"; Хожа Сеёрон – булоқ, Кобул вилояти. "Бу чашманинг атрофида уч навъ дарахтлардур... Дерларким, бу уч жинс дарахт уч азизнинг кароматидур. Сеёронға важҳи тасмия (этимология) муни дерлар"; Шоҳи Кобул – Кобул шаҳридаги тоғ. "Ул тоғнинг қулласида шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар"; Қалъаи Зафар – Бадахшондаги кўрғон. "Қалъаи Зафар ким, бурун Шофтеварағ машҳур экандур, (Муборакшоҳ) кўрғон қилиб беркитти. Қалъаи Зафар отини ул қўйди".

Китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинаётган ушбу луғатда "Бобурнома"да, асосан, Марказий Осиё ҳудуди бўйича қайд этилган топонимларга изоҳлар ёзилди. Луғатнинг ўзига хос томони, унда, зарур ҳолларда, айрим топонимлар учун темурийлар даврининг бошқа тарихий манбаларидан ҳам маълумотлар илова қилинган. Топонимнинг "Бобурнома"да ёки Темурийлар даври тарихий манбаларида қайд этилган фарқли шакллари қавсда кўрсатилган.

Таржима-лавҳаларда изоҳлар оддий қавс - (...) ва "Бобурнома" матнидан олинган парчаларга киритилган қўшимчалар ўрта қавс - [...] га олинган. Мазкур луғатда берилган "Бобурнома" бетлари асарнинг 2002 йилги қайта нашри бўйича кўрсатилган (*Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи : Саидбек Ҳасанов. Тошкент "Шарқ", 2002). Топонимлар рўйхати "Бобурнома"нинг Эйжи Мано (Япония) нашри асосида тайёрланган.

Луғат тузиш қоидасидан келиб чиқиб, китобда жой номлари алфавит тартибида жойлаштирилди ва ўқувчиларга қўшимча маълумот бўлиши эътиборидан, охирда "Бобурнома"да қайд этилган топонимлар рўйхати ҳамда айрим топонимлар учун ўша жойнинг ҳозирги интернет сайтлари воситасида олинган расмлари ҳам илова қилинди. "Илова" да жой номлари фақат кирилчада ёзилганлари алфавит тартибида берилган ва "Бобурнома"нинг бошқа нусхаларидаги фарқлар курсив шрифтда ёзилган. Ундаги қисқартмалар қуйидагича: **H** – Annate S. Beveredge, The Babar-nama. Being the Auutobiorphi of the Emperator Babar, the founder of the Moghul Dynasty in India, written in Chaghatay Turkish; now reproduced in Facsimile from a Manusckript belonging to the late Sir Salar Jang of Haydarabad, and edited with a Preface and Indexesm London, 1905; **K** – N. Ilminski, Baber-nameh diagataice ad fidem codicis Metropolitane, Cazane, 1857; **E** – National Library of Scotland (Edinburgh) MS; **L**– British Library (London) MS.; **P** – Vaqiat-i Baburi, British Library (London) MS:

Китоб ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази ва Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси қошидаги Марказий Осиё тарихий географияси маркази ҳамкорлигида тайёрланди.

ТОПОНИМЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Амударё – Темурийлар даври ёзма манбаларида Амударё кўпроқ "Жайҳун" ва нисбатан камроқ "Оби Омуя", Хоразм ҳудудида Гурганж шаҳри яқинидаги қисми "Оби Гурлан" (Гурлан дарёси) ва "Жўйи Гурлан" (Гурлан ариғи), юқори оқимида – "Панжоб" номлари билан келади. Унинг "Оби Вахш" (ҳозирги Вахш дарёси), "Сурхоб", "Ғунд", "Ҳисор" ва "Чағонруд" (ҳозирги Сурхон дарёси) ирмоқлари ҳам эслатиб ўтилган.

"Бобурнома"да мазкур дарё номи "Аму дарёси", "Аму суйи" шаклларда учрайди. Заҳириддин Бобур 909 (1503) йили Мовароуннаҳрдан Кобул томонга кетаётганида Амударёнинг Айваж гузаридан ўтган: "Аму суйини Уёч (ҳозирги аталиши Айваж) гузаридин ўтганда"(Б.102).

Андижон – шаҳар, Фарғона вилоятининг маъмурий маркази (пойтахти), қўрғони ва арки бўлган; айни пайтда Андижон вилоятининг ҳам маркази. Буюк Ипак йўлидаги муҳим шаҳар; савдо карвонлари Кошғар, Ўзганд, Ўшдан ўтиб Андижонда тўхтаган; у ердан Ахсига ўтиб, сўнгра Тошкент томон юрган. Андижон – Заҳириддин Бобурнинг туғилиб ўсган ватанидир ва бу ҳақда у "Бобурнома" асарида 912/1506-1507 йил воқеалари баёнида қайд этган: "Мен Султон Саидхонға бори навкарларимни топшуруб, кўмак қўшуб, **зоду буд** (туғилган жой) Андижон вилоятини бағишлаб, хон қилиб йибордим "(Б.151). Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг географик ўрни, асосан, пойтахт Андижонга нисбатан кўрсатилган ва баъзида масофа ҳам берилган. "Марғинон – Андижоннинг ғарбидадур, Андижондан етти йиғоч йўлдур"(Б.35) . Андижон ҳақида муҳим географик ва тарихий маълумотлар мавжуд (Б.95).

Шаҳарнинг қўрғони ҳақида: "Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш қўрғонидин сўнгра мундин улуғроқ қўрғон йўқтур. Уч дарвозаси бор. Арки жануб тарафида воқиъ бўлубтур. Тўққуз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердин ҳам чиқмас. Қалъанинг гирдо-гирди хандақнинг тош ёни сангрезалик шоҳроҳ тушубтур. Қалъанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур" (Б.34).

Андижондаги мўл-кўлчилик ва унинг табиий шароити ҳақида: " Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас... Ови қуши доғи кўп бўлур, қирғовули беҳад семиз бўлур. Андоқ ривоят қилдиларким, бир қирғовулни ошгинаси била тўрт киши еб тугата олмайдур... Ҳавосининг уфунати бор. Кузлар эл безгак кўп бўлур" (Б.34-35).

Аҳоли, унинг маданий савияси ва латофати ҳақида: "Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур. Элининг орасида ҳусн хили бордур. Юсуф Хожаким мусиқида машҳурдур, Андижонийдур" (Б.34-35).

Тарихи. Султон Абусаид мирзо бу вилоятни энг кичик ўғли Умаршайх мирзога (855/1451 – 900/1494) берганди. Вилоят маркази – Андижон шаҳри, ёзги қароргоҳи – Сирдарё бўйида жойлашган Ахси қўрғони саналган.

"Бобурнома"да XV аср ўрталарида Мўғулистон хони Эсон-Буғохон (1426–1461) Андижонга чопқин қилгани ва аҳолини талаб кетгани айтилган. XV аср охирги ўн йиллигидаги воқеалар анча батафсил ёзилган. Умаршайх мирзо 1494 йили Ахси қўрғонининг тепасидан йиқилиб ҳалок бўлади. Андижон тахтига унинг ўғли 12 ёшли Заҳириддин Бобурни ўтқазадилар. У вилоятда маъмурий ўзгаришлар қилиб, Ҳасан Яъқубни Андижон ҳокими этиб тайинлайди. Бироқ у тез орада мухолиф кучга айлангач, шаҳар ҳокимлигига Қосимбек қавчинни қўяди.

Заҳириддин Бобур темурийлар салтанатига эгалик қилиш мақсадида, 1497 йил, ноябрда Самарқандни эгаллади. Бироқ Узун Ҳасан ва Султонаҳмад Танбал ўзларига Жаҳонгир мирзони қўшиб олиб бош кўтаргани сабабли, Бобур 1498 йил март ойида Самарқандни қолдириб келиб, укаси Жаҳонгир мирзо билан жанглар қилди ва 1499 йил июнь ойида Андижонни қўлга киритди.

Бобур Самарқандда Шайбонихондан мағлуб бўлганда ҳам Андижонга қайтган ва у ерда укаси Жаҳонгир мирзо ва Султон Аҳмад Танбалга қарши урушиб, Андижонни эгаллаган, сўнгра вазият оғирлашиб, Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлган. "Муҳаммад Шайбонихон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўткариб, Кобул азимати қилдим"(Б. 35), - деб ёзади Бобур бу ҳақда. Мовароуннаҳрда маъмурий-ҳудудий бошқарув Шайбониларга ўтади.

Андижон суйи (Андижон руди) – кичик дарё, Темурийлар даврида Ўш шаҳридан ўтиб Андижонгача оқиб келган. Ҳозирги номи Оқбура, Қирғизистон ҳудудида. Бобур дарё сувидан ободончиликда кенг фойдаланишини таъкидлаган: "Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб Андижонға борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур,тамом боғлари рудка мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур" (Б.35).

Андхуд – Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар ва вилоят, ҳозирги номи Андхой, маъмурий жиҳатдан Фарёб вилоятида. Темурийлар даврида анча обод қилинган. Амир Темур Андхуд ва унга тобе бир нечта қаря(қишлоқ)ларни Сайид Баракага мулк сифатида ажратгани ҳам маълум. "Бобурнома"да ёзилишича, Андхуд вилояти Султон Ҳусайн мирзо давлати таркибига кирган ва уни ўғли Бадиуззамон мирзога (1496– 1503) мулк қилиб берган. Уни маълум вақт Султон Ҳусайн мирзо тайинлаган амирлар бошқаргани ҳам маълум. "Бобурнома"да яна темурийлар (аниқроғи Султон Ҳусайн мирзо) хонадони Андхуд сайидларига қиз бериб қариндошлашгани мисоллари ҳам қайд этилган (Б.131). Андхуд кейинчалик Шайбонилар давлати таркибига киритилди.

Арабистон– Арабистон ярим ороли. Темурийлар даври манбаларида одатда "Араб [ярим] ороли" шаклида ёзилган ва Темурийлар давлатидан ҳажга борувчилар ҳақида сўз борганда эслатилади. Заҳириддин Бобур салтанатида Мовароуннаҳрдан ҳажга борувчилар икки йўналиш – Эронзамин ва Ҳиндистон, ундан Ҳинд океани орқали сафар қилганлар. Ҳаж сафарини баъзан Макка

шаҳри жойлашган Арабистон ярим оролидаги Қизил денгиз соҳили бўйлаб ястанган тарихий-табиий ўлка – Ҳижоз вилояти номи билан Ҳижоз сафари ёки Макка сафари ёки Каъба сафари дейишган.

Армиён – "Бобурнома" да Андижон вилоятининг Работак ўрчин (туман) ига қарашли кент (қишлоқ) дейилган. Бу жойларнинг табиий шароити қишлов учун қулай бўлган. Бобур 905 (1499-1500) йили ўз чериги билан Армиён ва ўша атрофларда қишлаган. "Работак ўрчинини Икки сув ораси ҳам дерлар, Армиён ва Нўшоб навоҳисида қишламоқ хаёли била Андижондин кўчуб, мазкур бўлган кентларнинг навоҳисиға келиб қишлоқ солдук"(Б.72-73). Бу ерда "Икки сув ораси" деганда Иламиш (ёки Ирамиш) дарёси (Қорадарё) билан Норин дарёси оралиғи назарда тутилган.

Астробод – ўрта асрларда Каспий денгизининг жануби-шарқий томонида, Деҳистон билан Мозандарон оралиғидаги шаҳар ва вилоят; ҳозир Эроннинг шимолидаги шаҳар, Гургон деб аталади. XV асрда маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлатига қарашли бўлган ва муҳим стратегик аҳамиятга эга обод вилоят саналган.

"Бобурнома"да Астроободнинг XV аср иккинчи ярмидаги тарихига оид муҳим маълумотлар бор. Астробод дастлаб Султон Абусаид мирзо давлати таркибига кирган ва у мазкур вилоятни ўғли Султон Маҳмуд мирзога берган. Султон Абусаиднинг ўлимидан (1468) сўнг, Султон Маҳмуд мирзо ўз мулкини қолдириб, Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлади (48 бет). Шу йиларда темурий Султон Ҳусайн мирзо (Ҳусайн Бойқаро) Астробод вилоятида ҳокимият учун жанг-жадаллар олиб боргани ҳам маълум. Султон Ҳусайн мирзо Хуросонда ҳокимиятга келгач, Астроободни ўғли Бадиуззамонга тегишли этди.

"Неча йилким, Астробод ҳукумати Бадиуззамон мирзода эди. Олтун ва кумуш олот ва адавоти бисёр... қумошпўш йигити ва тупучоқ оти бешумор бўлуб эди" (57 бет). Бироқ отаси бу вилоятни ундан олиб қўйди ва бу катта норозиликни келтириб чиқарди. "Султон Ҳусайн мирзо Балхға етганда Мовароуннаҳр вилояти маслаҳати учун Балхни Бадиуззамон мирзоға бериб, анинг вилоятиниким, Астробод бўлғай, Музаффар Ҳусайн мирзоға берди... [Ота ва ўғил ўртасида] мунча йил ёғиликлар ва фитналарнинг сабаби ул эди", – деб ёзади Бобур бу ҳақда (Б.54).

"Бобурнома"да 903 (1497-1498) йил воқеалари баёнида Астроободни маълум муддат Султон Ҳусайн мирзонинг бошқа бир ўғли – Муҳаммад Ҳусайн мирзо эгаллагани ҳам қайд этилган. Кейинчалик Астробод Сафавийлар давлати таркибига кирган.

Атар – Кобул вилоятидан жанубда Нингнаҳор туманига қарашли қишлоқ. "Бобурнома" да 913 (1507-1508) ва 926 (1519) йил воқеалари баёнида эслатилган. Бобур жанубий ҳудудларга юришлари чоғида мазкур қишлоқ орқали ўтган.

Афғонистон – Темурийлар даври манбаларида, жумладан, "Бобурнома"да Кобул вилоятига жанубдан туташган кичик вилоят, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисми шундай аталган. "Бобурнома"да мазкур вилоятнинг аҳолиси "афғонлар" дейилган. У ердаги тоғлар Афғонистон тоғлари

ва Меҳтари Сулаймон тоғлари (ҳозирги Сулаймон тоғлари) номлари билан эслатилади: "Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур; паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур. Тоғлари элларига муносиб тушубтур" (Б.115).

Ахси (Ахсикат) – Фарғона вилояти таркибидаги кичик вилоят ва мустаҳкам қўрғонли шаҳар, арк қисми ҳам бўлган. Бобур даврида "Ахси" деб аталган. Ахси (Ахсикат) XV асрда Мовароуннаҳрнинг йирик ва сиёсий муҳим шаҳар-қўрғонларидан бири эди. Темурий ҳукмдор Султон Абусаид мирзо энг кичик ўғли Умаршайх мирзога (855/1451 – 900/1494) аввал Кобулни, сўнгра Андижон вилоятини белгилади. Вилоят маркази – Андижон шаҳри , ёзги қароргоҳ – Сирдарё бўйида жойлашган Ахси қўрғони бўлган. Ахсига оқиб келадиган сой "Бобурнома"да "Ахси суйи" деб аталган: "Ахси суйи Косондин келур"(Б.36) "Бобурнома"да алоҳида тавсифланган: "Сайҳун суйининг шимолий тарафидағи қасабалар: бир Ахсидур. Китобларда Ахсикат битирлар... Фарғона [вилояти] да Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтур.Андижондин ғарб сори тўққуз йиғоч йўлдур. Умаршайх мирзо муни пойтахт қилиб эди. Сайҳун дарёси қўрғонининг остидин оқар. Қўрғони баланд жар устида воқиъ бўлубтур. Хандақининг ўрнига амиқ жарлардур. Умаршайх мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқарироқдин яна жарлар солди. Фарғона [вилояти] да мунча берк қўрғон йўқтур. Маҳаллоти қўрғондин бир шаръий [фарсах] йироқроқ тушубтур... Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундурким, "Миртемурий" дерлар (ҳозирги номи "Амирий"), андоқ қовун маълум эмаским, оламда бўлғай...

Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин ва Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди. Ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайҳун дарёсининг Ахси тарафи даштдур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангал (тўқай,чангалзор) дур. Буғу-марал, қирғовул ва товушқони кўп топилур, асру семиз бўлур"(Б.36).

XV аср охирги чорагида Фарғона вилоятида кечган кўпгина тарихий воқеалар Ахсига бевосита дахлдор бўлган. Умаршайх мирзо 1494 йили 8 июнда Ахси қўрғонининг тепасидан йиқилиб ҳалок бўлади ва уни ўша ерга дафн этадилар. Бу воқеани эшитиб, Самарқанддан Бобурнинг амакиси Султон Аҳмад мирзо Самарқанд томондан Андижонга, катта тоғаси Султон Маҳмудхон Тошкентдан чиқиб Ахсига, Кошғар ҳокими Абубакр дуғлат Ўзгандга ҳужум қиладилар. Умаршайх мирзонинг аскарлари мардоналик намойиш этадилар ва Андижон тахтига унинг ўғли Заҳириддин Бобурни ўтқазишга муваффақ бўладилар. Бобур Ахсини бошқаришни Узун Ҳасанга белгилайди.

Заҳириддин Бобур темурийлар салтанатига эгалик қилиш мақсадида, 1497 йил, ноябрда Самарқандни эгаллади. Бироқ Фарғона вилоятида Узун Ҳасан ва Танбал ўзларига Жаҳонгир мирзони қўшиб олиб бош кўтарган сабабли, Бобур 1498 йил март ойида Самарқандни тарк этишга мажбур бўлади. Укаси Жаҳонгир мирзо билан талашиб, сал кам икки йилдан сўнг, 1499 йил июнь ойида Андижонни қайта қўлга киритади. Бироқ уруш-талашлар давом

этади ва 905 (1499-1500) йили сулҳ тузилиб, Бобур Хўжанд суви (Сирдарё) нинг Ахси томондаги вилоятларини укасига қолдиради. "Зарурат бўлди, бу йўсунлуқ сулҳ бўлдуким, Хўжанд сувининг Ахси тарафи вилоятлар Жаҳонгир мирзоға тааллуқ бўлғай, Андижон тарафи вилоятлар манга тааллуқ бўлғай" (Б.74).

Ашпара (Аспара; Ошпара) – Еттисувдаги мудофаа аҳамиятига эга шаҳар -қўрғон. Амир Темурнинг фармони билан Мўғулистоннинг ғарбий чегарасида қурилган. Амир Темур 1404 йили Ашпарани невараси Мирзо Улуғбекка суюрғол қилган. Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг Мўғулистон хони Эсан Буғахон Мовароуннаҳрга бостириб киради ва Фарғона водийсида Кандибодомгача жойларни талайди. Темурийлар давлати ҳукмдори Султон Абусаид мирзо бунга қарши чора кўриб, Ашпарада Эсан Буғахон лашкарини тор-мор қилади.

"Султон Абусаид мирзо тахт олғонда черик тортиб бориб, Янгидан нари Испара (тўғриси : Ашпара) да Мўғулистонда Эсан Буғахонни яхши бости. Мунинг фитнасининг дафъиға Султон Абусаид мирзо Юнусхонни бу муносабат билаким, Абдулазиз мирзо олғон эгачиси хонимни олиб эди, Ироқ ва Хуросондин тилаб тўйлар қилиб, дўстлар бўлуб, мўғул улусида хон қилиб йиборганда Сағричи туман беклари тамом ул фурсатта Эсан Буғахондин ёмонлаб Мўғулистонга келиб эдилар, буларнинг орасиға келди. Ул фурсатта Сағричи бекларнинг улуғи Шер Ҳожибек эрди, анинг қизи Эсан Давлатбегимни олди. Мўғул тўраси била хонни ва Эсан Давлатбегимни бир оқ кийиз устига ўлтурғузуб хон кўтардилар", – деб ёзган эди Заҳириддин Бобур (Б.39).

Ашпориён – "Бобурнома" да Андижондан жанубдаги тоғларда яшовчи элат сифатида қайд этилган ва мазкур элат яшаган жойлар шу ном билан аталган. Бобур 914 (1498-1499) йили Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбалга карши куч тўплаш учун Қосимбекни Ашпориёнга жўнатган ва мазкур элатдан ўзига навкарлар олган. "Қосимбекка Пашоғарийдин ва янги навкар бўлғонлардин ва Али Дўст бекнинг навкарларидин юздин кўпрак киши қўшуб, Андижоннинг жануб тарафидаги тоғ элларига, мисли Ашпориён ва Тўруқшорон ва Чакрак ва ул навоҳиларға йиборилдиким, истимолат била ё зўр била бу элларни келтургай... ва ул навоҳидаги тоғ ва туздаги раият ва аймоқ тамом кирдилар" (Б.68).

Багром (Баграм) – Кобулдан Ҳиндистонга боришдаги хушманзара тор водий. Бобур у ердан 909-910 (1504) ва 925 (1519) ҳамда 932 (1525) йилларда ҳозирги Афғонистоннинг жанубий ҳудудлари ва Ҳиндистонга юришлари вақтида ўтган. "Шаъбон ойи [909 йил, январь-феврал] да офтоб далв буржида эрдиким, Кобулдин Ҳиндистон азимати била отланилди... Хайбардин ўтуб Жомға тушулди... Жомға тушгач, Бикром (Багром) ни сайр қила отландим. Улуғ бир йиғочни кўруб Бикром (Багром)нинг навоҳисини сайр қилдим" (Б.118). 932 (1525) йилги Ҳиндистонга юришда Бобур Багромга етганда бетоб бўлиб қолади. "Бир-икки кундин сўнг Бигром (Багром) да тушганда резандалиқ бўлуб иситтим. Бу резандалиқ сурфаға мунжар бўлди. Ҳар йўталганда қон тукурур эдим, аксар иситма бўлди, билдимким, бу иситма қондиндур..."(Б.185-

186). Бобур ушбу юришида Багром чангалзорларида қўшини билан ов қилганини ҳам ёзган: "Бигром олидағи сиёҳ обдин ўтуб, сув қуйи боқа чарға (жирга) солдук... Бигром (Багром) дин кўчуб, ёмғур ёғдуруб, Кобул суви ёқасида тушулди" ..."(Б.185-186).

Бадахшон – Афғонистон ва Мовароуннаҳр ҳудудларидаги тарихий ўлка. Ҳозирги вақтда Бадахшон ҳудудида маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Тожикистонга қарашли Тоғли -Бадахшон мухтор вилояти ва Афғонистонга тегишли ўлка жойлашган. Кўҳистон деб ҳам аталган . "Ишкамиш Бадахшон дохили эмастур". (Б.139)". "Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур" (Б.115), деб ёзади Бобур мазкур вилоятнинг маъмурий ҳолати ва табиати хусусида. Ўша пайтларда Бадахшоннинг маъмурий маркази Кишм шаҳри эди.

"Бобурнома"да Бадахшоннинг Марказий Осиёда кечган сиёсий воқеалардаги ўрни ҳақида анчагина тафсилотлар бор. Жумладан, Мўғулистон хони Юнусхоннинг (1468–1487) Бадахшон шоҳининг қизи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи Шоҳбегимга уйлангани, мазкур вилоят XV асрда маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлати таркибига киргани ва XV аср охирларида Султон Маҳмуд мирзо бин Султон Абусаиднинг мулки саналгани айтилган. Темурийлар ва бадахшонликлар қаттиқ туриб Бадахшонни Шайбонилардан ҳимоя қилганлар: "Бадахшонийларнинг ўзбакларни ўлгуруб ўзбак била якрўй бўлғон хабари келди... Муборакшоҳким, оталари Бадахшон шоҳларининг бекларидин экандур, бош кўтариб...Қалъаи Зафарким, бурун Шофтевараға машҳур экандур, қўрғон қилиб беркитти. Қалъаи Зафар отини ул қўйди" (Б.122-123).

Бу жангларда Бубурнинг ўгай укаси Носир мирзо фидойилик намойиш этиб Шайбониларга катта талафот келтирган; бироқ кейинчалик маҳаллий ҳукмдорлар билан низолашиб, кетишга мажбур бўлган."Ул фурсатта (912/1507-1508) Бадахшонда бош кўтарганлар бадахшонийлардин Муборакшоҳ ва Зубайр эди. Яна Жаҳонгир туркман ва Муҳаммад қўрчи эди, Носир мирзони чиқариб эдилар, ўзбакка ҳам кирмайдурлар эди" (Б.159). Умуман олганда Бадахшон Заҳириддин Бобур давлати таркибида бўлган: "Манга тааллуқ вилоёт Бадахшон ва Қундуз ва Кобул ва Қандаҳор эди" (Б.195). 1520 йили Заҳириддин Бобур Бадахшон вилоятини бошқаришни ўғли Ҳумоюнга топширди. 1530-1575 йилларда Бадахшонни бобурийлардан Сулаймоншоҳ, сўнгра унинг авлодлари бошқарган. Мазкур вилоятни 1584 йили Шайбони подшоҳ Абдуллахон II эгаллади.

Бадовун – Ҳиндистондаги кичик вилоят. Заҳириддин Бобур бу вилоятни бошқаришга Султон Ҳусайн Мирзонинг Ойша Султон исмли қизидан бўлган невараси Қосим Ҳусайн Султонни тайинлаган. У Бобур саройига келиб, яхши хизмат қилган, Рано Санго билан бўлган катта жангда фаол қатнашган.

Бажур – XVI аср бошларида Кобул вилояти таркибидаги кичик вилоят ва қўрғон. Вилоятдаги асосий тоғ тизмаси ҳам шу ном билан аталган. "Бобурнома" да мазкур вилоятнинг ер юзаси тузилиши, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилган. "Яна бир Нижров ва

Ламғонот ва Бажур ва Савод тоғлари қалин ножу ва чилғўза ва балут ва зайтун ва хажақлиқ тоғлардур... Бу тоғларда Ҳиндустон жониворлари бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва луча ва маймун" (Б.115). Бобур Ҳиндистоннинг ҳайвонот олами ҳақида ёзганида баъзан уларни Бажур вилояти ҳайвонлари ва ўсимликлари билан киёслайди. Вилоят ҳудудидан оқиб ўтган йирик сув тармоғи Бажур суйи деб аталган.

Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да 925 (1519) йил воқеалари баёнида Бажур вилоятига юриш қилгани ва қаттиқ ҳужум қилиб, унинг маркази – қўрғонини эгаллагани, сўнгра у ерга Хожа Калонни ҳоким этиб тайинлаганини ҳам ёзган.

Балужистон – Эрон тиллари туркумига мансуб этнос – балужлар яшайдиган тарихий вилоят. Ҳозирги вақтда маъмурий жиҳатдан катта шарқий қисми Покистон (мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Балужистон вилояти) ва кичик ғарбий қисми Эрон ҳудудида. Балужистоннинг сиёсий-маъмурий ҳолати сафавийлар ва бобурийлар, кейинчалик Афғонистон, Эрон ва Покистон кўламида бир неча марта ўзгарди. Шарқий Балужистон маълум вақт Англияга қарам бўлган ва Британия Балужистони деб аталган.

"Бобурнома" да "Балужистон" деган жой номи қайд этилмаган, бироқ балуж ("балуч" шаклида ҳам ёзилган) этноси ҳақида маълумот бор. Бобур Панипат жангида (932 йил 8- ражаб/ 1526 йил 20 апрель) ғалаба қозониб Дехлини қўлга киритгандан сўнг, Ҳиндистоннининг бошқа қисмларига, жумладан, балужлар юртига бир неча марта черик жўнатган ва бу жойларни эгаллаган. Мазкур ҳудуддаги балужлар маъмурий жиҳатдан Бобур давлатига кирган ва лашкари таркибида балужлар ҳам бўлган. "Жамиъ черикта бўлғон афғон ва ҳазора ва араб ва балуж ва ҳар жамоатқа қадри ҳолларига яраша хизонадин нақд инъомлар бўлди"(Б.210).

Балх –ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмидаги шаҳар ва вилоят. Ўрта асрлардаги Балх ҳозирда Мазори Шариф шаҳрининг ғарбидаги кўҳна шаҳар сифатида мавжуд ва қадимги ёдгорликлардан бир қисми сақланган. "Бобурнома" да шаҳар яқинида Балхоб дарёси ва Кўҳи Соф яйлови номлари қайд этилган.

Балх шаҳри ва вилоятининг XVI аср биринчи чорагидаги сиёсий тарихи айнан "Бобурнома" да муфассал ёритилган ва бошқа манбаларда учрамайди. Унда ёзилишича, Султон Ҳусайн мирзо Балхни катта ўғли Бадиуззамон мирзога беради. У исён кўтаргач, Балхни бошқаришга Шайх Али Тағойни белгилайди. Шайбонихоннинг Хуросонга кириб келиши чоғида Балх асосий истеҳкомлардан бўлган. Бобур ҳам Султон Ҳусайн мирзонинг Шайбониларга қарши кучларни бирлаштириш таклифи бўйича Кобулдан ўз қўшини билан Балх вилоятига келгани маълум. Бироқ Султон Ҳусайн мирзонинг вафоти туфайли бу режа амалга ошмади ва шаҳарни 912 /1506-1507 йили Шайбонилар эгаллади. Шайбонихон Балхни эгаллагач, бу вилоятни бошқаришни Бобурнинг опаси Хонзодадан туғилган ўғли Хуррамшоҳга беради. Бироқ у отасининг ўлимидан сўнг кўп ўтмай вафот этган. Ундан кейинги йилларда Балх вилояти Заҳириддин Бобур қўл остида бўлган ва у Бадахшондан то Балхгача оралиқдаги

шимолий ҳудудларни бошқаришни ўғли Ҳумоюнга топширган эди. Балх халқаро аҳамиятга молик савдо йўлида жойлашгани, Буюк Ипак йўли бўйлаб Кобул, Хитой, Мовароуннаҳрдан чиққан карвонлар шу ердан ўтгани сабабли, Бобур уни ўз ҳукми доирасида сақлаш учун кўп ҳаракат қилди. Шунга қарамасдан, "Бобурнома" да 933/1526 йил воқеалари баёнида Балх Шайбонилардан Кетин (илмий адабиётда "Кистин") Қаро султон (932/1526 – 951/1544) қўлига ўтгани айтилган.

Банди Солор – Ахси билан Андижон оралиғидаги жой. Ахсидан Андижонга борадиган энг яқин йўл Банди Солор орқали ўтган ва "Бобурнома" да "Банди Солор йўли" деб қайд этилган."Ахсидин намоз жумъа вақтида чиқиб, Банди Солор йўли била намоз шом била намоз хуфтан орасида Андижонға келдим" (Б.51). Заҳириддин Бобур 905 йилнинг қиш фаслида (жумод ул-аввал – шаъбон /1499 й. декабрь-1500 й. февраль), Косонда жойлашган Султон Аҳмад Танбалга қарши жанг қилиш мақсадида, Андижондан сафар қилади ва Банди Солор йўли билан Ахсига келиб, у ердан Косонга юради.

Банну – Кобул вилоятидан жанубда тоғ олди текислигида жойлашган вилоят, Бангаш тоғларидан оқиб тушувчи Бангаш дарёсидан сув ичади. "(Кобул вилоятининг) жануби Фармул ва Нагар ва Банну ва Афғонистондур" (Б.107). Темурийлар даври тарихий манбаларида XIV – XV асрларда бу ерда афғон қабилалари яшагани қайд этилган. Бобур Кобулни қўлга киритгандан сўнг жанубий ҳудудларга, жумладан, Баннуга юришлар қилиб, у ердаги афғон қабилаларини бўйсундирган. Ҳозир маъмурий жиҳатдан Покистон ҳудудида.

Барокўҳ тоғи – Ўш шаҳрининг жануби-шарқий томонида жойлашган тоғ. Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да мазкур тоғ ҳақида анчагина муҳим маълумотлар келтирган. "Яна бир Ўш қасабасидур. Қўрғонининг шарқи-жанубий жонибида бир мавзун тоғ тушубтур, Барокўҳға мавсум. Бу тоғнинг қулласида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солибтур, ул ҳужрадин қуйироқ ушбу тоғнинг тумшуғида тарих тўққуз юз икки (1496-1497) да мен бир айвонлиқ ҳужра солдим. Агарчи ул ҳужра мундин муртафиъдур, вале бу ҳужра бисёр яхшироқ воқиъ бўлубтур, тамом шаҳр ва маҳаллот оёғ остида... Барокўҳ тоғи доманасида, шаҳр била боғнинг аросида бир масжид тушубтур, Масжиди Жавзо отлиқ. Тоғ тарафидин бир улуғ шаҳжўй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишеброқ, себаргалиқ, пурсоя, сафолиқ майдон воқиъ бўлубтур. Ҳар мусофир ва раҳгузар келса анда истироҳат қилур... Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур" (Б.35).

Бектут – Кобул вилоятидаги кент. "Бобурнома"да 911 (1505) йили Кобул вилоятида қаттиқ зилзила натижасида кўп харобаликлар бўлгани таъкидлаб ўтилган. "Памғон била Бектут орасида бир парча ерким арзи биргина тош отими бўлғай учуб, бир ўқ отими қуйи борди. Учқан ерининг ўрунидин чашмалар пайдо бўлди" (Б.124).

Биёна (Байана) – Ҳиндистондаги тарихий вилоят ва қўрғон. "Бобурнома" да вилоятнинг табиати, хўжалиги, ҳунармандчилиги кабилар ҳақида маълумот бор. "Биёна қўрғони Ҳиндустоннинг машҳур қалъаларидиндур", –деб ёзади

Бобур (Б.212). Бобур Дехли ва Аграни олгач, атрофдаги ҳали бўйсунмаган қўрғонлар, шу жумладан, Биёнага қўшинлар юборади. Асарда 932 (1525-1526) йил воқеалари баёнида Бобур Биёна қўрғонини эгаллаш учун Қаландар пиёдани жўнатгани, 933 (1526-1527) йил воқеалари баёнида эса, Дўст эшик оға бошчилигида қўшин юборилгани ва Биёнага Маҳдихожа ҳокимликка белгиланган айтилган. Фақат 933 (1527) йили Рано Санго бошчилигида Секри яқинида, аниқроғи Биёна музофотидаги Конво мавзесида бўлиб ўтган ҳал қилувчи оғир жангда Бобур ғалаба қозониб, Шимолий Ҳиндистонни эгаллагандан кейингина Биёна ҳам узил-кесил унинг давлати таркибига киритилди.

Билгар – Кобул вилоятидаги кент. Бобур 925 йил зулҳижжа ойининг охири (22.12.1519) да Кобулдан отланиб Ламғон томонга саёҳатга чиқади. У Хожа Сеёрон, Региравондан ўтиб, Билгарга, ундан Нижров орқали юриб Ламғонга етиб боради.

Бистом – Эроннинг шимолий қисмида, Хуросон ва Мовароуннаҳрга борадиган карвон йўлидаги манзилгоҳ. Ҳозирги вақтда Симнон вилоятидаги кичик аҳоли маскани. "Бобурнома" да Султон Ҳусайн мирзо давлатинингшарқий чегараси Балх, ғарбий чегараси Бистом кўрсатилган.

Бисут – "Бобурнома"да 925 (1519) йил воқеалари баёнида "Бисут эли" шаклида учрайди. Бобур Бажур қўрғонини эгаллаганда, зарурий чора сифатида Бисут элини мазкур қўрғонга кўчиртиради. "Бисут элининг Бажур қўрғонида муносабати бор жиҳатидин бу юрттин Юсуф Али баковулни йиборилликим, кўчуруб Бажур қўрғонига келтургай"(Б.164).

Бичок (Битхок) руди – Кобулдан жанубий вилоятларга борилда Хайбар довонидан шарқ ва жануб томонга оқувчи кичик дарё. Бобур Ҳиндистон томонга сафарларида, жумладан, 925(1519) йили рамазон (сентябр) ойида Бичок руди бўйида тўхтаган. "Доим тушар ергаким, ушбу Бичок рудининг ёқасидур, тушулди" (Б.177).

Бобоилохий – Хурсондаги кент. "Бобурнома"да Султон Ҳусайн мирзо (Ҳусайн Бойқаро) вафот этган жой сифатида эслатилган. "Бу [911] йилнинг охири зулҳижжа ойида Султон Ҳусайн мирзо Шайбонихоннинг устига черик тортиб, Бобоилоҳийға етганда тенгри раҳматиға борди" (Б.127). Мирхонднинг "Равзат ас-сафо" асарида бу сана аниқроқ ёзилган ва 911 йил 11-зулҳижжа (1506 йил 5-май), душанба, ҳайит кунининг эртасига, қуёш ботиши пайтида, ул салтанат осмонининг қуёши мағриб томоя кўчди, дейилган.

Бобо Лўли йўли – Кобул шаҳрига кириб борадиган йўналишлардан бири. Заҳириддин Бобур 1506 йил декабрнинг дастлабки йигирма куни Ҳиротда бўлиб, 912 йил 7-шаъбон (1506 йил 23 декабр) да Ҳиротдан Кобулга қайтиш учун сафарга отланади, қиш фаслида Ҳиндукуш тизмаси орқали катта машаққатли йўл босиб рамазон хайитида (1507 йил 14 февраль) Бомиёнга етиб келади ва ундан Кобул сари сафарини давом эттириб, Бобо Лўли йўли билан шаҳарга киради. "Сайид Қосимнинг кўпругига ета Ширим тағойи била баронғор кишисини Мулло Бобонинг кўпруги сари йиборилди. Жавонғор ва ғул Бобо Лўли йўли била бўлдук" (Б.149).

Бобохокий – Ҳиротдан Мовароуннаҳрга боришда жойлашган Хуросондаги кент. "Бобурнома"да 913 (1507-1508) йил воқеалари баёнида темурий кучлар Шайбонихонга қарши тўпланган жой сифатида эслатилган. Бобур уларнинг жанг қилмоққа уқувсизлигидан афсусланиб, шудай ёзади: "Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо ва Муҳаммад Бурундуқ барлос ва Зуннун арғун бори Бобохокий навоҳисида черик била ўлтуруб эдилар, не урушмоққа озим эдилар, не қўрғон беркитмакка жозим, ҳеч ишни мушаххас қилмай, ҳеч ишнинг қилурин муҳаққақ билмай саросимавор ўлтуруб эдилар" (Б.153).

Бодпеч кўтали – "Бобурнома"да Кобулдан шарқда, Ламғонга борадиган йўлдаги довон сифатида эслатилган. "Агар [Кобулдин] Нижров била келсалар, Бадровдин ўтуб Бодпеч кўталиға борур" (Б.110). Бобур Шайбонихонинг Қандаҳорга етиб келганини эшитгач, Ҳиндистон томонларга кетмоқчи бўлади ва 913(1507) йилнинг кузида Кобулдан сафарга отланади. "Бурунроқдин дур андешлик қилиб, ҳеч бир юрт фикрини қилилмайдур эди. Не бормоққа ере муқаррар, не турмоққа юрте муайян, юқори-қуйи яна бир хабар олғунча юрттин кўч қилиб кўчулур эди" (Б.160), - деб ёзган эди Бобур ўзининг ушбу сафари ҳақида. Одинапур қўрғонидан ўтганда Шайбонихон Қандаҳорни ташлаб кетгани хабари келади. Бобур сафарни қолдириб, Бодпеч йўли билан Кобулга қайтади. Бодпечда у бир тошга тарих ёздиради.

"Бовужудким, қиш ўртаси эди, Бодпеч йўли била Кобулға келдук. Бодпечнинг устида бир тошда буюрдимким, бу келур ва борурнинг тарихини қозғайлар. Ҳофиз Мирак битиди, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошлиқ қилди. Шитоб учун ободон қозимади" (Б.160). Бобур 925 (1519) йил қиш фаслида Ламғон томонга саёҳат қилганида ҳам унинг йўли Бодпеч кўтали орқали ўтган.

Бодомчашма – Кобулдан Ҳиндистонга борадиган йўлдаги довон. "Бобурнома" да 909 (1504), 925 (1519), 932 (1525) йилларнинг куз ва қиш ойларида Бобур Ҳиндистон томонга сафарлари чоғида Бодомчашмада тўхтаб ўтгани қайд этилган.

Бобур мазкур довоннинг табиатига алоҳида эътибор қаратган ва уни табиий чегара сифатида таърифлайди. " Гармсер (иссиқ) била сардсер (совуқ) орасида фосила Бодомчашма кўталидур. Бу кўталнинг Кобул тарафида қор ёғар. Қўруқсой ва Ламғонот тарафида қор ёғмас. Бу [жануб томонда] кўталдин ингач, киши ўзга оламе мулоҳаза қилур: йиғочлар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элининг роҳу расми ўзгача" (Б.109).

Бобур бу жойларда қароқчиларнинг таҳдиди кучли бўлганлиги ва қаттиқ чора кўриб йўлларнинг хавфсизлигини таъминлаганини ёзган. "Бу йўлни урарлар эрди. Бу орада маъмура йўқ эрди... мен маъмура қилдурдум. Бу жиҳаттин йўл эмин бўлди" (Б.109).

Бодғис – Хуросондаги мавзе ва вилоят, Темурийлар даври манбаларида Бодғис яйлоқи (яйлови) деган ном билан ҳам берилган. Ҳозир бу ерда Бодхиз қўриқхонаси жойлашган, Туркманистоннинг жанубида, Мурғоб билан Тажан дарёлари оралиғида. Темурийлар салтанати ҳукмдори Мирзо Шоҳрух кўп марта Бодғис яйловида бўлган, ов қилган.

"Бобурнома"да Бодғисда Шайбонихон билан Темурийлар лашкарлари ўртасида жанг бўлгани ва Шайбонихон ғалаба қозонгани қайд этилган. Темурий кучлар Шайбонихонга қарши бирлашишга қарор қилинганда Бобур ҳам йўлга отланади ва Бодғисдаги Дараи Бом деган жойга етиб келади. У ердан Ҳиротга боради ва темурий шаҳзодаларнинг ожизлигини кўриб, афсус билан Кобулга қайтади. Унинг қайтиш йўли ҳам Бодғис орқали ўтган. "Қишлоқ баҳонаси била Ҳиридин [912 йил] шаъбон ойининг еттиси (1506 йил 23 декабр) да чиқиб, Бодғис навоҳисида ҳар юртта бирар кун, иккирар кун тавақкуф қила-қила кўч қилур эдук, то вилоятларға таҳсил ва иш-куч учун борғонлар келиб қўшулғайлар" (Б.146).

Бомиён тоғи. Кобулдан шимоли-ғарб томондаги тоғ, Ҳиндукуш тизмасининг ғарбий қисми. У ерда қадимий Бомиён шаҳри (Кобулдан 230 км) жойлашган. Бу шаҳар Кушонлар даврида карвон йўлидаги йирик аҳоли маскани ва буддавийлик дини марказларидан бўлган. Тоғ қоятошларига ишланган будда ҳайкаллари ҳозир ҳам сақланган ва қимматли тарихий ёдгорлик саналади. Бобур даврида кечган тарихий воқеликлар бир қисми Бомиёнга ҳам тааллуқли бўлган. Бомиён тоғидан турли йўналишда сувлар бошланган. "Бобурнома"да Бомиён тоғи ҳақида шундай ёзилган:

"Яна Бомиён тоғидур, бу тоғ берк тоғ воқиъ бўлубтур. Ҳирманд ва Синд ва Дуғобаи Қундуз ва Балхоб суйи бу тоғдин чиқар. Дерларким, бир кунда ҳар тўрт дарё суйидин ичса бўлур" (Б.112). Кобулдан Ҳиндукуш тизмасидаги Шибарту довонидан юриб Бомиёнга борилган. Заҳириддин Бобур 912 йил 7-шаъбон (1506 йил 23 декабр) да Ҳиротдан Кобулга қайтиш учун сафарга отланади, қиш фаслида Ҳиндукуш тизмаси орқали катта машаққатли йўл босиб рамазон ҳайитида (1507 йил 14 февраль) Бомиёнга етиб келади ва ундан Кобул сари сафарини давом эттиради.

Бора суйи – Бобур 910 йил шаъбон ойи (1505.01)да Кобулдан Ҳиндистон томонга сафар қилади; Хайбар довонидан ўтиб Жомда тўхтайди, сўнгра Бора сувидан ўтади ва Муҳаммад Пих довони орқали юриб Куҳатга етиб боради.

Борикоб – Кобулдан тўрт кунлик йўлда шарқ томонда жойлашган водий ва кичик дарё. Бобур ушбу йўналишдаги сафарларида, жумладан, 925 (1519) йили афғонлар устига юриши ва қайтиши ҳамда 932 (1525) йили Ҳиндистонга боришида Борикоб орқали ўтгани ҳақида "Бобурнома" да маълумот бор.

Боғи Вафо – Кобул вилоятининг Нингнаҳор тумани маркази бўлмиш Одинапур қўрғони ёнида Заҳириддин Бобур томонидан 914 (1508-1509) йили барпо этилган боғ. "Одинапур қўрғонининг олида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўққуз юз ўн тўртта бир чаҳорбоғ солдим. Боғи Вафоға мавсум, рудқа мушриф, руд қўрғон била боғнинг орасидадур... бир тегирмон суйи бу боғнинг ўртасидин ва боғнинг ичидаги пуштанинг устидин ҳамиша жорийдур..., норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур" (109-110 бетлар). Бобур мазкур боғда катта ҳовуз қаздириб, атрофини гулзор қилдирган, бу ерга бошқа жойлардан ҳам турли мева кўчатлари келтириб эктирган ва улар яхши кўкарган. "Найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухороға ул найшакарлардин йиборилиб эди" (110 бет).

Заҳириддин Бобур Ламғон томонларга сафарлари чоғида одатда Боғи Вафода маълум муддат тўхтаб дам олган. "Боғи Вафоға келдим. Боғи Вафонинг хўблуқ маҳалари эди, саҳнлари тамом себаргазор, анор дарахтлари сап-сариғ хушранг хазон бўлубтур. Анорлар дарахтларда қип-қизил, норунж дарахтлари сабз ва хуррам, норунжлар дарахтларда бениҳоят, вале норунжлар хотирхоҳ сапғаймайдур эди, анорлари яхши, анорлари гарчи вилоятларнинг яхши анорларича эмас эди. Бу уч-тўрт кунким бу боғда эдук, бори ўрду эли ифрот била анор едилар" (179 бет).

Боғлон (Бағлон) – Темурийлар даври манбаларида одатда "Бағлон", "Бақлон" шаклларда ёзилган. Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган вилоят ва шаҳар. Маъмурий жиҳатдан тарихий Тоҳаристон вилояти таркибида бўлган. XV аср биринчи ярмида виоят маркази Бағлон шаҳри анча машҳур эди ва Буюк Ипак йўлининг Ҳиротдан Бадахшонга, ундан Хитойга борадиган жанубий тармоғи Бағлон орқали ўтган.

Боғоти Хум – Кобул вилоятидаги кент. Бобур 925 (1519) йили Хожасеёронга саёҳати чоғида Боғоти Хум орқали ўтган.

Булон – Кобулдан Ламғонга борадиган йўлда жойлашган кент. "Бу Ламғонотка Кобулдин келур йўл агар Қўруқсой била келсалар, бир йўл Дири кўталидин ошиб бориб, Булондин Борон суйидин ўтуб Ламғонот сари борур"(Б.110).

Бобур 925 (1519) йил қиш фаслида Кобулдан Ламғон томонга саёҳатга чиқади ва ўша атрофдаги тоғу ялангликларда ов қилади. Булонда ҳам тўхтаб ўтади. "Бодпеч [кўтали] нинг тубида кофирнинг (афғонларнинг) улуғлари бир неча тулум чоғир келтуруб , мулозамат қилдилар. Кўталдин инганда ажаб ғалаба чивиртка кўрулди. Тонгласи жолаға кириб, маъжун еб, Булондин қуйироқ чиқиб, ўрдуға келдук" (Б.181).

Буст – Хуросондаги шаҳар-қўрғон, Буст вилоятининг маркази. Маъмурий жиҳатдан маълум вақт Балх вилояти таркибида бўлган. "Бобурнома" да 903 (1497-1498) йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо ўғли Бадиуззамонга қўшилган Зуннун арғун устига юриш қилгани ва Бустга келиб тўхтагани қайд этилган. "Ҳам ушбу йил Султон Ҳусайн мирзо Зуннун арғуннинг ва ўғли шоҳ Шужоънингким, Бадиуззамон мирзоға навкар бўлуб, қиз бериб, фитна ва фасод мақомида эдилар, дафъиға черик тортиб келиб, Бустқа тушти. Черикига ҳеч тарафдин ошлиғ келмади, очликтин батанг кела ёвушуб эдиларким, Буст доруғаси Бустнинг қўрғонини берди. Бустнинг захирасининг мадади била Хуросонға мурожаат қилди"(Б.66).

Бухоро – XV асрда Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан бири, Бухоро вилоятининг маркази. "Бобурнома"да Бухоро вилоятининг бир нечта туманлари борлиги, турли мева ва сабзавотлар яхши бўлиши қайд этилган. "Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва хуб қовун бўлмас. Бухорода ҳар жинс қовундин кўп бўлур ва яхши бўлур.Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас. Парвози товуғи ва қози бисёр бўлур" (Б.61).

Заҳириддин Бобурнинг Мовароуннаҳрда якка ҳукмронлик учун кураши йилларида кечган сиёсий жараёнлар Бухорога ҳам дахлдор бўлган. Султон

Абусаид ўз вақтида Бухорони ўғли Бойсунғур мирзога берганди. Султон Маҳмуд мирзо вафотидан сўнг Бойсунғур мирзони Самарқандда подшоҳлик тахтига ўтқаздилар. У Самарқанд, Бухоро ва Ҳисорни бошқарди. Бироқ бу ҳукмдорлик узоққа чўзилмади. "Тархонларнинг ғавғосида Бойсунғур мирзони тутуб, иниси Султон Али мирзони бир-икки кун ўлтурғиздилар. Яна Бойсунғур мирзо-ўк олди. Бойсунғур мирзодин мен олдим", деб ёзади Бобур (Б.62). Айни пайтда 1500 йили Бухоро, Қоракўл ва Самарқанд Шайбонихон ихтиёрига ўтади, Бобурнинг қисқа муддат Самарқандни қайтариб олгани ҳам туб ўзгаришга олиб келмади.

Заҳириддин Бобурнинг Самарқандда охирги ҳукмронлиги Кобулдан Мовароуннаҳрга юриши билан боғлиқ ва воқеаларнинг бир қисми Бухоро вилояти ҳудудида кечган. Бунда у Эрон ҳукмдори шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, унинг ёрдамида 1511 йили баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони , октябрь бошида Самарқандни эгаллайди. Бироқ 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ Шайбонилардан енгилади ва Ҳисор томон чекинади. Ўша йилнинг кузида Ғузор ва Қаршини қайта эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади.

Бҳира – Кобул вилоятидан шарқда жойлашган вилоят. Бобур 925 (1519) йили Ҳашанғардаги бўйсунмаган афғонлар устига юришда Баҳордан ўтган. "Бобурнома"да ёзилишича, Баҳордан Деҳлигача оралиқ афғонлар ҳукмида бўлган. "Деҳли алар (афғонлар)да эди. Бҳирадин Биҳарғача қобиз эдилар"(Б.196). Кейинчалик бу жойларни Бобур эгаллади. "Бҳирадин Биҳарғача ҳоло менинг тасарруфимдадур" (Б.209).

Бўдана қўруғи – Самарқанд шаҳри яқин-атофидаги дашт-қўриқлардан бири. "Бобурнома" да Самарқанд атрофида бир нечта ўланглар санаб ўтилган ва тавсифланган (Конигил ўланги, Хон юрти ўланги, Бўдана қўриғи, Кўли мағок ўланги, Қулба ўланги). "Яна бир ўланг Бўдана қўруғидур, Дилкушо боғи била Самарқанд орасида воқиъ бўлубтур" (Б.61).

Валиён – Кобул вилоятидаги кент. Заҳириддин Бобур Кобулдан шимолий йўналишда еттита йўл орқали Ҳиндукуш тоғ тизмасидан ошиб ўтилишини ёзади. Улардан бири Валиёндан ўтган. "Уч йўл Ғўрбандтадур. Парвон йўлига ёвуқроқ йўл. Янги йўл кўталидур. Валиён ва Ҳинжонға инар"(Б.108-109).

Варсак – "Бобурнома" да "Варсак садаси (юзлиги)" деб эслатилган. Бобур Деҳлини эгаллагач, турли жойларга ҳадялар жўнатади, шу жумладан, Кобул ва Варсак садасига ҳам.

Газев (Казев) ("Бобурнома"нинг 1960 йил нашрида бу ном "Карнуд" "Газю" шаклларда ёзилган) – "Бобурнома" да 909 (1503) йил воқеалари баёнида Кобул вилояти тавсифида, унинг ғарбида жойлашган ўт-ўланлари кам тоғли ўлка, ҳазора ва накдарий элатлари яшаган жой сифатида эслатилади. "Ғўр ва Газев ул кўҳистондадур. Бу тарихда ҳазора ва накдарий қавмнинг маъман ва маскани бу тоғлардур" (Б.107). Бобур мазкур тоғларнинг устки тузилиши ва табиатини жуда аниқ ёзган. "Бу тоғларнинг усти тамом от чопқудек ҳамвордур... Ўтлоғи жулгаси (водий қисми)да бўлур. Тоғларида йиғочи

(дарахтлари) ҳам камдур. Арча йиғочи худ йўқтур, ўти отқа ва қўйға созвордур. Кийиги қалин (кўп) бўлур"(Б.115).

Гандамак – Кобул вилоятининг шарқий қисмида жойлашган кент. "Бобурнома" да Заҳириддин Бобурнинг афғонлар устига ва Ҳиндистонга юришлари чоғида ушбу жойдан ўтганлиги муносабати билан эслатилган. Бобур 925 (1519) йили қиш фаслида Ҳиндистонга қилган юришидан қайтаётганда Гандамак орқали юрган. "...намоз пешин Боғи Вафодин тебрадук. Гандамакнинг Сиёҳ обидин ўтуб, кеч намоз шомда бир хавидзорда тушуб, отларни тўйғозуб, бир икки гиридин сўнг отланиб, Сурхобдин ўтуб, Каркда тушуб, уйқуладук (Б.171)". Унинг кейинроқ Ҳиндистонга қилган юришида эса, сафарга кетаётганида йўли Гандамакдан ўтган. "Одина(жума) куни сафар ойининг ғуррасида тарих тўққуз юз ўттуз иккидаким, офтоб қавс буржида эди (1525.17.XI) Ҳиндустон азимати била сафар қилиб...ойнинг секкизида (1525.24.XI) Гандамакка тушганда манга тунд резандалиқ (бурундан қаттиқ қон оқиш) бўлди. Биҳамдиллоҳ осонлиқ била ўтти" (Б.184).

Гардиз – "Бобурнома" да Ғазни вилоятидаги анчагина мустаҳкам қўрғон-шаҳар, Зурмат туманининг маркази, дейилган. "[Зурмат туманининг] доруғанишин ери Гардиздур. Гардиз қўрғонининг ичида аксар се табақа ва чор табақа уйлардур. Гардиз холи аз истеҳкоме эмастур" (Б.114).

XV асрда Ҳиндистондан Синд (Ҳинд) дарёсининг Чупора гузари орқали Хуросонга ва аксинча, Хуросондан Ҳиндистонга борадиган халқаро савдо йўли Гардиз ва Ғазнидан ўтган. Бу йўлга ҳазоралар тез-тез чопқин қилиб турганлар. "...ҳазоралар... неча навбат Гардиз ва Ғазни йўлларини уруб эдилар" (Б.117). Бобур бу қароқчиликка қарши чора кўриб, ҳазоралар устига қўшин тортиб боради ва йўллар хавфсизлигини таъминлайди. Бобур 925 (1519) йили Гардиз чегарасида исён кўтарган Абдураҳмон афғон устига юриш қилади. "Абдураҳмоний афғон Гардиз сарҳадида ўлтурурлар эди, мол ва муомалада райиж эмас эдилар, борур-келур корвонийлар ҳам булардин мутазаррир эдилар"(Б.175), деб ёзган Бобур мазкур юриш сабаби ҳақида.

Гулбаҳор доманаси – "Бобурнома" да Кобул вилоятининг шимоли-ғарб томонида жойлашган тоғ этаги, у ердаги дарё ва кент шу ном билан аталган. Бобур бу ерда бир неча марта бўлган; 912 (1506-1507) йил воқеалари баёнида Гулбаҳор томонларга саёҳатга чиқанини ёзган, унинг табиати, айниқса баҳор мавсумида чаман бўлиб очилган лолалари ҳақида аниқ маълумотлар келтирган. "Борон ва Чоштуба ва Гулбаҳор доманаси сайриға бордук. Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштуба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур. Сабза (майса)си Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хили яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, Бир қатла лола анвои(навлари)ни буюрдимким санадилар, ўттуз тўрт навъ лола чиқти, нечукким бу ерларни таърифида бир байте айтилиб эди:

Сабзау гуллар била жаннат бўлур Кобул баҳор,
Хосса бу мавсумда Борон ёзисию Гулбаҳор" (Б.152).

Бироқ Бобурнинг юрагида ватан меҳри туйғуси жуда кучли ўрнашган эди ва юртдан узоқдаги энг гўзал жойлар ҳам унинг ўрнини боса олмас эди. Шу сабабабдан, мазкур ғазалини қуйидаги байт билан тугатган:

"Менинг кўнглумки гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,
Агар юз минг баҳор ўлса очилмоғи не имкондур" (Б.152).

Гулбаҳор суйи – Кобул вилоятида Гулбаҳор доманаси (тоғ этаги) дан оқиб ўтувчи кичик дарё. Бобур Гулбаҳор дарёсида балиқ кўп бўлишини ва ундан маҳаллий аҳоли балиқ овлашини ёзган. " Гулбаҳор суйида, Парвон суйида, Исталиф суйида бу тариқа (тўр била яна жах боғлаб балиғ) тутарлар" (Б.116).

Гунбазак кўтали – Ҳиндукуш тизмасидаги Хуросонга борадиган йўналишда жойлашган довон. Заҳириддин Бобур 912 йил муҳаррам ойида (1506 йил, май-июнь) Шайбонихонга қарши жанг қилмоқ ниятида Кобулдан юриш бошлайди ва Ҳиндукуш тоғларидан ошиб ўтиш қулайроқ бўлган Шибарту довони орқали юради. "Ғўрбанд ва Шибарту йўли била мутаважжиҳ бўлдук... Гунбазак кўтали била ошиб Сойқонни бостуруб, Дандоншикан кўталидан ўтуб, Коҳмард ўлангига тушулди" (Б.141).

Гургон суйи – Ҳозирги аталиши ҳам Гургон, Эроннинг шимолий қисмида, Мозандарон остонидаги дарё. Элбурс тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларидан сув олади ва Каспий денгизига қуйилади. "Бобурнома" да 911(1505-1506) йил воқеалари баёнида, Султон Ҳусайн мирзо (Ҳусайн Бойқаро) ҳақида ёзганда эслатилган. "[Султон Ҳусайн мирзо] бир мартаба Гургон суйини ўздуруб кечиб бир пора ўзбакни яхши бости" (Б.128).

Дандоншикан – Ҳиндукуш тизмасидаги Хуросонга борадиган йўналишда жойлашган довон. Заҳириддин Бобур 912 (1506) йил ёзида Шайбонихонга қарши юришида ушбу довондан ўтган (яна қ. *Гунбазак кўтали*).

Дараи Бом – Туркманистоннинг жанубидаги *Бодғис* Б. 249 (Токио, 288(17)). 912 й. воқеалари. "...Бодғис тавобиъидин Дараи Бом деган ерга келдук"(Б.141). Заҳириддин Бобур 912 (1506) йили темурийлар билан бирлашиб Шайбонихонга қарши курашиш мақсадида Хуросонга сафар қилади. Кобулдан отланиб, Гунбазак ва Дандоншикан довонлари орқали Ҳиндукуш тизмасидан ошади, сўнгра Балхоб ва Чечактудан ўтиб, ундан Бодғисга қарашли Дараи Бомга етиб бради.

Дарайи Гез – Балхоб дарёсининг тоғдан оқиб чиқиб Балх шаҳрига етмасдан ҳосил қилган тармоқларидан бири. Дарё водийси яйлов ва ов қиладиган жой сифатида анча қадимдан маълум. Темурийлар даврида у ерда бир қанча аҳоли масканлари, жумладан Балх шаҳридан тахминан 5 км масофада Урбуз қальаси (қадимги номи Дарайи Гез) жойлашган. "Бобурнома" да Умаршайх мирзо ҳақида сўз борганда эслатилади. "Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзоға бериб, Бобои Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи жиҳатидин [Умаршайх мирзони] Дарайи Гездин ёндуруб Самарқанд элтти. Тўйдин сўнгра, ул муносбат билаким, Темурбек улуғ Умаршайх мирзоға Фарғона вилоятини бергандур,

Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди" (Б.37) .

Дараи Занг – Бу ном Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида "Дараи Зангий" шаклида ёзилган. Мовароуннаҳрнинг жанубий қисмида ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани ҳудудида жойлашган қишлоқ. XIV-XV асрларда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган. 746 (1345 – 1346) йили Дараи Зангий қишлоғи яқинида Чиғатой улуси хони Қазон Султонхон билан Амир Қазаған ўртасида жанг юз беради ва унда Қазон Султонхон ғолиб келади.

"Бобурнома" да 909 (1503-1504) йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо Шайбонихоннинг Хуросонга бостириб келишига қарши чоралар кўргани ва ўғли Бадиуззамон мирзога Дараи Зангда туришни буюргани қайд этилган. "Бадиуззамон мирзо Балх ва Шабурғон ва Андхуд қўрғонларига мазбут кишиларни қўюб, ўзи Гурзвон ва Дараи Зангда ул кўҳистонни беркитсун" (Б.103). Бобур Мовароуннаҳрдан Чағониёнга ва Кобулдан Самарқандга ҳамда у ердан яна Кобулга қайтиш сафарлари чоғида унинг йўли Дараи Занг орқали ўтган.

Дараи Зиндон – Ҳиндукуш тизмасининг шимолий ёнбағридаги тоғ ва дара. Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрни тарк этиб Кобулга йўл олганида Дараи Зиндонда бўлган. "Бобурнома" да шунингдек, Кобул вилоятининг тавсифида ҳам мазкур жой эслатилган. "[Кобул вилоятининг] ғарб тарафидаги тоғлар Дараи Зиндон ва Дараи Сўф ва Гарзавон ва Ғаржистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур. Ўтлоғи аксар жулгаларида бўлур, ўти отқа ва қўйға созвордур" (Б.115).

Дараи Сўф –Ҳиндукуш тизмаси таркибида, Кобул вилоятидан ғарб томонда жойлашган тоғ ва дара. Бобур бу жойларнинг табиати борасида сўз юритиб, яйловлари фақат водийларда жойлашган, йилқичилик ва қўйчилик учун қулай, деб таърифлаган.

Дарбанди Оҳанин — Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни — 5—20 м, қояларининг нисбий баландлиги 150 метр чамаси. Қадимий машҳур тоғ йўли, божхона вазифасини ўтаган. Амир Темур даврида бу ерда махсус қўрғон ҳам қурилган эди ва унинг тавсифи Клавихо "Кундалиги"да берилган. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор, Бойсун тумани ҳудудида.

Бундай божхоналар Буюк Ипак йўли бўйлаб бир нечта жойда бор эди ва ёзма манбаларда уларнинг номи шакли турлича берилган бўлса-да, бироқ мазмунан бир хил маънони англатган: форсча - Дарбанди Оҳанин (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда- Темир қапуғ ("қапуғ" — дарвоза), арабча -Боб ул-ҳадид (Темир дарвоза), мўғулча - Қаҳлаға ёки Қаҳлақа ("қалға" , "халға" — дарвоза).

Темурийлар даври ёзма манбаларида бу ном Қаҳлаға, Қаҳлақа; Дарбанди Оҳанин шаклларда ёзилган. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" сида иккала ном - Дарбанди Оҳанин ва мўғулча Қаҳлаға аталиши берилган. "Тарихи Рашидий" да асар ёзилган вақтга тегишли матнда Дарбанди Оҳанин деб ёзилган. Демак XV аср охири –XVI аср бошларида ушбу жой учун Дарбанди

Оҳанин расмий ном саналган; "Бобурнома" да бу жойнинг номи "Қаҳлаға", "Дарбанд", "Дарбанди Оҳанин" шаклларда берилган ва "Қаҳлағадинким Дарбанди Оҳанин ҳам дерлар" (Б.105), деб изоҳланган.

Дарвоза йўли – Кобул вилоятининг шарқий қисмида жойлашган Бажур қўрғонидан Кобулга борадиган нисбатан кулай йўл ва шу йўлдаги аҳоли маскани. Заҳириддин Бобур 925 (1519) қиш фаслида Ҳиндистонга сафар қилади. У дастлаб афғонларга қарашли Бажур қўрғонини эгаллайди ва бир қисм юкларини Жарғоту, Дарвоза йўли, Қаротўба кўтали орқали Кобулга жўнатади. Ўзи лашкар билан Ҳиндистонга юришини давом эттиради.

Дарвозаи Ирок – Заҳириддин Бобур 1506 йил декабрида Ҳирот шаҳрига борганида, шаҳар топографияси бўйича муҳим маълумотлар ёзиб қолдиради. Жумладан, "Бобурнома" да Ҳирот шаҳри деворига ўрнатилган бешта дарвозанинг номи санаб ўтилган: Дарвозаи Малик, Дарвозаи Ирок, Дарвозаи Фирузобод, Дарвозаи Хуш, Дарвозаи Қипчоқ. Ирок дарвозасининг ташқарисида Султон Абусаид мирзо Оқсаройни қурдирганини эслатган.

Дарвозаи Қипчоқ – қ. *Дарвозаи Ироқ.*

Дарвозаи Малик – қ. *Дарвозаи Ироқ.*

Дарвозаи Фирузобод – қ. *Дарвозаи Ироқ.*

Дарвозаи Хуш – қ. *Дарвозаи Ироқ.*

Дарута тангиси – Кобулдан шарқ томонда жойлашган тоғлардаги дара. Заҳириддин Бобур 926 йил зулҳижжа ойининг охирги куни (1519 йил, 22 декабрь) Ламғон томонга саёҳатга чиқади ва унинг йўли Дарута тангиси орқали ўтган. "Шанба куни жолаға кириб, Дарута тангисидин ўтуб, Жаҳоннамойдин юқорроқ жоладин чиқтук" (Б. 181).

Даҳона – Ҳисор, Хатлон, Бадахшон ва Қундуз вилоятларидан Ҳиротга борадиган йўлда жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 912 (1506) йил ёзида Хуросонга сафари, яъни Шайбонихонга қарши юриши чоғида Ҳиндукуш тизмасидан ўтиб Коҳмард ўланги (текислиги)да тўхтайди. "Ушбу навоҳида эканда бизнинг черик бориб, Ғўри ва Даҳонадин ошлиқ келтурдилар" , деб ёзади (Б.141).

Деҳи Афғон – Кобул вилоятидаги қишлоқ. "Бобурнома" да 914 (1508-1509) ва 925 (1519) йиллар воқеалари баёнида Кобулдан Нингнаҳор туманига борадиган йўлда жойлашган аҳоли маскани сифатида қайд этилган.

Деҳи Яъқуб –Кобул яқинида , Ҳиндистон томонга боришдаги йўлда жойлашган дара (Деҳи Яъқуб тангиси) ва дарё (Деҳи Яъқуб суйи). Ушбу дарё водийсидаги яйлов (ўланг) ҳам шу ном билан аталган. "Қалъа (Кобул қўрғони)нинг ғарб-жануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубтур. Ул тоғнинг қулласида Шоҳи Кобул иморат қилгани учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар. Бу тоғнинг ибтидоси Деврин тангисидиндур. Деҳи Яъқуб тангисида туганур. Гирдо-гирди икки шаръий [фарсах] бўлғай" (Б.107). Ёғингарчилик кўп бўлган йилларда Деҳи Яъқуб дарёси ҳам тошиб оққан. "Ул йил (909/1503-1504) аксар сувлар улуқ кириб эрди. Андоққим Деҳи Яъқуб суйидин гузар топилмас эди. Мен кўлда ясатқан кемани келтуруб Камарий тўғрисида Деҳи Яъқуб суйиға

солиб, эл кема била ўтар эрдилар", – деб ёзилган "Бобурнома" да бу хақда (Б.122).

Заҳириддин Бобур 925 (1519) йил кузида афғонлар устига ва 932 йил сафар ойида (1525 йил ноябрь) Ҳиндистонга юришлари чоғида Деҳи Яъқубда тўхтаб ўтган. "Одина куни сафар ойининг ғуррасида тарих тўққуз юз ўттуз иккидаким, офтоб қавс буржида эди, Ҳиндустон азимати била сафар қилиб, Якланга пуштасидин ўтуб, Деҳи Яъқуб сувининг ғарб тарафидаги ўлангга тушулди...Икки кун черик маслаҳати учун бу юртта туруб, мундин кўчуб, ора қўнуб, Бодомчашма тушулди"(Б.184).

Деҳи Яъқуб суви – Кобул шаҳри яқинидаги кент ва дарё. Заҳириддин Бобур 925 йил 13-рамазонда (1519.8.IX) Юсуф Али бошчилигидаги афғонлар устига юришга отланади ва Деҳи Яъқуб сувининг Кобул томондаги ўлангида тўхтаб ўтади.

Деҳи Яъқуб тангиси – к. *Деҳи Яъқуб*

Деҳи Ғуломон –Ҳиндистон томондан Кобулга келадиган йўлда жойлашган қишлоқ; Хайбар довонидан ўтгандан сўнг отда ярим кунлик масофада. Заҳириддин Бобур 925 (1519) йил кузида афғонлар устига юриш қилади ва қайтишда Деҳи Ғуломонда тўхтаб ўтади. "Хайбар кўталидин ошиб, кўтал тубиға тушулди... кўтал тубидин саҳар кўчуб, Деҳи Ғуломонда тушландук. Намоз пешин отға бўғуз бериб, отланилди" (Б.178).

Деҳли – Заҳириддин Бобур уни Ҳиндистоннинг пойтахти деган. "Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш...Деҳли Султон Алоуддиннинг илигида эди.Бу табақа сайидтур. Темурбек Деҳлини олғонда Деҳли ҳукуматини буларнинг оталариға бериб, бориб эди. Султон Баҳлул Лудий афғон ва ўғли Султон Искандар Деҳли пойтахти била Жунпур пойтахтиға қобиз бўлдилар. Ҳар икки пойтахт бир подшоҳнишин бўлди" (Б.196).

Заҳириддин Бобур Деҳли шаҳрини олганини қайд этган: "Мен Иброҳимни бостим ва Деҳли ва Огра (Агра)ни олдим" (Б.213). "Ушбу чаҳоршанба охшоми (932 йил 13 ражаб/ 1526 йил 25 апрель) ўқ Деҳли кўрғонини сайр қилиб, кечаси анда бўлуб... Деҳлининг шикдорлиғи (ҳокимлиги)ни Вали Қизилға иноят қилиб, Дўстни Деҳли вилоятида девон қилиб, бўлғон хизоналарни муҳр қилиб, буларнинг уҳдасиға қилдук... Одина (жума) куни (932 йил 15 ражаб/ 1526 йил 27 апрель) ул юртда таваққуф қилдук. Мавлоно Маҳмуд ва Шайх Зайн, яна баъзи бориб, Деҳлида жумъа намози қилиб, менинг отимға хутба ўқуттилар..." (Б.194).

Дизак – қўрғон, ҳозирги Жиззах. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр орқали ўтадиган савдо карвонларининг манзилгоҳи саналган. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобур Самарқанд шаҳрини Шайбонихонга колдириб Андижон томонга йўл олганида, уч-тўрт кун Дизакда тўхтагани айтилган.

Дири кўтали – Кобулдан шарқ томонга Ламғонот вилоятига борадиган йўлда жойлашган довон. Бобур Борон ва *Гулбаҳор доманаси* томонларга саёҳат қилган чоғларида мазкур довон орқали юрган. "Бу Ламғонотқа Кобулдин келур йўл, агар Қўруқсой била келсалар, бир йўл Дири кўталидин ошиб бориб Булондин Борон суйидин ўтуб Ламғонот сори борур", – деб ёзади у (Б.110).

Диюл – Самарқанд яқинида, шарқ томонда жойлашган қишлоқ. "Бобурнома" да 906 (1500-1501) йил, яъни Заҳириддин Бобурнинг 240 киши билан Самарқанд шаҳрини Шайбонихондан тортиб олиб, тўрт ой давомида ўз қўлида ушлаб тургани воқеалари баёнида тилга олинган. "Сайид Муҳаммад мирзо дўғлат ҳам хон додам (Султон Маҳмудхон) қошидин кўмак келиб, минг-минг беш юз киши била Диюл тушубтур, ора тўрт йиғоч йўлдур" (Б.82) , – деб ёзади Бобур Тошкентдан етиб келган ёрдам хусусида.

Домғон – Эроннинг шимолий қисмидаги қадимий шаҳар. Теҳрон – Машҳад темир йўл ва автомобиль йўли устида, ҳозир шу номдаги шаҳарча.

"Бобурнома" да 911 (1505-1506) воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо давлатининг чегаралари кўрсатилганда, унинг ғарбий чегараси Бистом ва Домғонгача эканлиги қайд этилган. Домғонда 911 (1505-1506) йили Султон Ҳусайн мирзонинг иккита ўғли –Фаридун Ҳусайн мирзо ва Муҳаммад Замон мирзо бошчилигидаги қўшинлар Шайбонихон лашкари билан жанг қилган. "Домғонда Фаридун Ҳусайн мирзо ва Муҳаммад Замон мирзо Шайбонихон илгига тушти, ҳар иккисини ўлтурмади, қўя берди. Сўнгра Шоҳ Муҳаммад девона Қалотни беркитганда анда бориб эди, Қалотни ўзбак олғонда [Фаридун Ҳусайн мирзо] иликка тушти, ўлтурдилар" (Б.130). "Бобурнома" да, шунингдек, 935(1528) йил воқеалари баёнида Домғонда Сафавийлар (1502–1736) билан Шайбонилар ўртасида қаттиқ жанг бўлгани ва унда Шоҳ Тасмоп I бошчилигидаги сафавийлар ғалаба қозонгани ҳам эслатиб ўтилган "Тафсили будирким, шаҳзода Таҳмосб Ирокдин қирқ минг киши била Рум дастури туфак ва ароба тартиб қилиб, тез-ўқ юруб келиб, Бистом ва Домғонда Реииш ўзбакни олиб, эли била қириб тез ўқ ўтар" (Б.242).

Дуки –ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмидаги Сулаймон тоғлари таркибидаги тоғ ва ўша ердаги кичик вилоят.

"Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур; паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур. Тоғлари элларига муносиб тушубтур... Даштнинг ғарби тоғинингким, Кўҳи Меҳтар Сулаймон дерлар, ушбу тоғ Дашт била Дукининг орасида тушубтур, тумшуғидин эврулса, йўл туздур" (Б.115, 120), – деб ёзилган "Бобурнома" да мазкур жойнинг табиати ва аҳолиси ҳақида. Заҳириддин Бобур 910 (1504-1505) йили Ғазни томонга юриш қилганда Дуки вилояти орқали ўтган.

Дутах – Кобул вилоятидаги кент. Заҳириддин Бобур 925 йил 30 зулҳижжа (22.XII.1519) да Кобулдан Ламғон томонга саёҳат қилганида, қайтишда унинг йўли Дутаҳ орқали ўтган. "Одинапур олидағи Боғи Вафоға бордук...Беш-олти кун Боғи Вафода турдук...Дутаҳдин жолаға кириб, Жўйи Шоҳийдин чиқиб, Атарға бордук"(Б.181-182), – деб ёзади Бобур ушбу саёҳати ҳақида.

Дўғобаи Қундуз – Қундуз дарёсининг ирмоғи. "Бобурнома"да 909 /1503–1504 йил воқеалари баёнида Кобул вилояти тавсифида Кобулдан шимоли-ғарб томонда жойлашган Бомиён тоғидан бошланадиган дарё сифатида тилга олинган. "Ҳирманд ва Синд ва Дўғобаи Қундуз ва Балхоб суйи бу тоғдин

чиқар" (Б.112). Ушбу дарё бошланган жойдаги тоғ довони "Дўғоба" ва "Зимистон" номлари билан аталган. Ҳиндистон билан Балх оралиғида қатнайдиган савдо карвонларининг йўли мазкур дарё водийси бўйлаб ўтган.

Еттикент тоғлари – Олой тизмасидаги тоғ, Андижондан жанубда; "Бобурнома"да Фарғона водийси атрофидаги тоғлардан бири сифатида эслатилган (Б. 36).

Ём – Самарқанд вилоятида, Самарқанд шаҳридан жануб томонда жойлашган кент, шу ердан оқиб ўтувчи сой Ём суви (ҳозирги Жом сойи) деб аталган. Ўз вақтида Соҳибқирон Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғуллар истилосидан озод қилиш учун олиб борган жанг-жадалларнинг бир қисми ана шу Ём атрофларида кечган. "Бобурнома" да Бобурнинг 902 йил рамазон ойида (1497 йил, май-июнь) Андижондан Самарқандга юриши муносабати билан эслатилади. Бобур Самарқанд шаҳрини эгаллашдан аввал унинг яқин атрофидаги бир қанча кент ва қўрғонларни олади ва Ём ҳам шулар жумласидан эди."Қаробулоқдин кўчуб, сув кечиб, Ём тўғрисида туштук" (Б.56).

Ёнбулоқ – 926 (1519) йил воқеаларида эслатилган. Бобур 925 йил қишида Ламғон томонларга саёҳатга чиқади ва ўша тоғларда ов қилиб, қиш охирида – 926 йили (1520.01) қайтади; унинг йўли Ёнбулоқ орқали ўтган. "Сешанба куни Ёнбулоғ йўли била Кобулға мурожаат қилдук" (Б.182).

Ёрий – Зарафшон водийсининг юқори қисмидаги кент. 906(1500) йили Шайбонихон Самарқандни қўлга олгач, Бобур Кеш томонга кетади. У ердан Чағониён, Камруд, Сара довони, Искандаркўл, Каштуд орқали юриб, Ёрий кенти тўғрисида Зарашон дарёсидан ўтади. Сўнгра Самарқанд томон юриб шаҳарни эгаллайди. "Ёрининг тўғрисидин Кўҳак (Зарафшон) суйидин кўпрук била кечтук. Ёридин ўтуб Шунқорхона тоғидин ошиб, Ёряйлоққа келдук" (Б.79).

Жамруд –Кобул вилоятидаги кент; Кобулдан Ҳиндистон томон борадиган йўлда, Жўйи Шоҳий дарёчаси бўйида жойлашган. "Бобурнома" да 925 (1519) йил воқеалари, Заҳириддин Бобурнинг Юсуф Али бошчилигидаги афғонлар устига юриши баёнида эслатилган.

Жангалак (Чингалак) –Кобул вилоятидан ғарбда, туркман ҳазоралари ҳудудидаги тоғли ўлкада жойлашган аҳоли маскани. "Бобурнома" да 911 (1505-1506) йил воқеалари баёнида эслатилган. "...шаъбон ойида (1506 йил, январь) туркман ҳазорасини чопа отландук. Дарайи Хуш оғзида Жангалакта чопқун қўйдук, оз-оғлоқ ҳазора чопилди" (Б.126).

Жарғоту –Кобул вилоятининг жануби-шарқий қисмида, Бажур вилояти ва қўрғонига борадиган йўлда жойлашган кент. "Бобурнома"да 925 (1519) йил қишида, Заҳириддин Бобурнинг Бажур қўрғонига афғонлар устига юриши воқеалари баёнида эслатилган.

Жаҳоннамо – "Бобурнома" да бу ном билан иккита жой қайд этилган: 1)Бҳира шаҳрининг марказий қисми. Бобур 925 й. 16 сафар (1519 й.17.02)да Нилоб гузари орқали Синд дарёсидан ўтади ва Ҳиндистон мамлакатининг Бҳира вилоятига кириб, унинг маркази –Бҳира шаҳрини эгаллайди. "Бҳиранинг қўрғонининг ичидаким, Жаҳоннамо дерлар, бир кун (27 сафар 925 йил)

туруб..." (226 аб варақ); 2) "Деҳли вилоятида Ферузшоҳ томонидан барпо этилган боғ. "Бобурнома" да 932 (1525) йил воқеалари баёнида эслатилган."Деҳли вилоятида Ферузшоҳнинг Жаҳоннамо отлиқ иморатидиндурким, парчағина тошлиқ тоғнинг устида вокиъ бўлубтур" (Б.197).

Жаҳоннамой –Кобул вилоятида, Ламғондан Кобулга борадиган йўлда жойлашган кент. "Бобурнома"да 926 (1519–1520) йил воқеалари баёнида эслатилган. Заҳириддин Бобур 926 й. муҳаррам (1520 йил, январь) ойида Ламғон томонга саёҳатга чиқади ва қайтишда унинг йўли Жаҳоннамой орқали ўтади. "Шанба куни жолаға кириб, Дарута тангисидин ўтуб, Жаҳоннамойдин юкорроқ жоладин чиқдук. Одинапур олидағи Боғи Вафоға бордук" (Б.181).

Жигдалик довони (Кобул) –Кобулдан Ҳиндистонга борадиган йўлдаги довон. Заҳириддин Бобур 909 йил шаъбон (1504 йил,январь) ойида Кобулдан отланиб, жанубий вилоятларга афғонлар устига юриш қилади ва унинг йўли Жигдалик довони орқали ўтган. "Бобурнома"да ушбу довондан ўтган йўл "Жигдалик йўли" деган ном билан келади. "[909 йили] шаъбон (1504 йил,январь) ойида офтоб далв буржида эрдиким, Кобулдин Ҳиндустон азимати била отланилди...Жигдалик йўли била ора олти қўнуб Одинапур келилди" (Б.117).

Шунингдек, 913 (1507-1508) йили Шайбонихон таъқибидан кочиб Ҳиндистон томон йўл олганида ҳам Жигдалик довони орқали юрган ва у ерда афғонларнинг қаттиқ ҳужумини енгиб ўтишга мажбур бўлган. "Мени Кобулни ташлаб Ҳиндустонға борадур деб, бир ёмонликлари ўн бўлди, яхшилари ҳам ёмонликка эврулди. Анга еттиким, Жигдаликдин кўчган сабоҳи ораликдағи (мисли хизр хайл, хирилжи ва хугиён) афғонлари Жигдалик кўталини тўсмак хаёл қилиб... дабллар чолиб, қиличлар ўйнаб – тикка қила бошладилар... Черик эли ҳар қўл ва ҳар конгсор била мутаважжиҳ бўлдилар. Афғонлар бир замон тўхтаб, бир ўқ ҳам қўя олмадилар, қоча бердилар" (Б.159). Бобур ўзининг 925 (1519) йил қишида Ламғон томонга саёҳати чоғида ҳам Жигдалик довонидан ўтган.

Жом (Хуросон) – Хуросондаги кичик вилоят, маркази Жом шаҳарчаси. Ҳозирги номи Турбати Жом, Эрон. "Бобурнома"да 935 (1528) йил воқеалари баёнида эслатилган. Унда Жом яқинида Сафавийлар билан Шайбонилар ўртасида қаттиқ уруш бўлгани ва Сафавийлар ғолиб келгани айтилган. " Сешанба куни ой (раби ал-охир)нинг ўн олтисида қизилбош била ўзбакнинг урушида бор киши Дэв Султоннинг навкари келди. Андоқ тақрир қилдиким, Жом ва Харгирд навоҳисида ошур куни туркман била ўзбакнинг масофи вокиъ бўлур... (Б.246). Шикаст ўзбак сори вокиъ бўлур. Қалин султон гирифтор бўлуб, қатлға борур"(Б.242).

Жом (Афғонистон) –Кобулдан Ҳиндистонга боришдаги йўлда, Хайбар довонидан ошиб ўтганда жойлашган кент. "Бобурнома"да 909 (1503-1504) йил воқеалари баёнида тилга олинган. Заҳириддин Бобур 909 йил шаъбон (1504 йил,январь) ойида Кобулдан отланиб, жанубий вилоятларга афғонлар устига юриши чоғида Жомда тўхтаган ва у ерда Багром дарасида сайр қилган. Бобур

925 йил 13 –рамазонда афғонлар устига Юсуф Алига қарши юриш қилади ва қайтишда унинг йўли Жом орқали ўтган.

Жўйи Шоҳий (Кобул) –Кобул вилоятининг шарқий қисмида, Одинапурдан Хайбар довони томон боришда жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур 909 (1504) ва 925 (1519) жанубий ва шарқий вилоятларга афғонлар устига юришлари ва саёҳатлари чоғида мазкур мавзеда тўхтаган. "Одинапур олидағи Боғи Вафоға бордук...Беш-олти кун Боғи Вафода турдук...Дутаҳдин жолаға кириб, Жўйи Шоҳийдин чиқиб, Атарға бордук"(Б.181), – деб ёзади Бобур 926 (1519) йил қишида Кобулдан Ламғон томонга қилган саёҳати хусусида.

Зарафшон дарёси – *қ. Кўҳак суйи.*

Замини Довар (Заминдовар) – Сеистондаги шаҳар, Нимрўз вилоятининг маркази. "Бобурнома" да Заминдовар маъмурий жиҳатдан ўз вақтида Султон Ҳусайн мирзога қарашли бўлгани ва таниқли амирлардан бўлмиш амир Зуннун арғунга мулк қилиб берилгани айтилган.

Зардак чўли – ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмида, Шибирғон яқинидаги чўл. "Бобурнома" да 902 (1496-1497) йил, Хусравшоҳнинг олиб борган жанг-жадаллари воқеалари баёнида тилга олинган. Унда Хусравшоҳ Балхни қамал қилгани, иниси Валини Шибурғон томонга юборгани айтилган. "Вали бориб Шибурғонни ёвуқдин ҳам қабай олмади. Бўлғон черикни Зардак чўлидағи эл ва улусни чопқоли йиборди. Бориб Зардак чўлини чопиб, юз мингдан ортиқроқ қўй ва уч мингга ёвуқ тева олиб келдилар" (Б.65).

Зобул (Зобулистон) – Заҳириддин Бобур Ғазни вилоятини шу ном билан ҳам атаган, ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмига тўғри келади. " Ғазни,... Баъзи "Ғазнин" ҳам битибдурлар,... Учунчи иқлимдиндур, Зобул (Зобулистон) ҳам дерлар. Баъзи Қандаҳорни ҳам Зобулистон дохили тутубтурлар"(Б.113).

Зомин (Самарқанд) –Мовароуннаҳрдаги қадимий аҳоли масканларидан бири, Буюк Ипак йўлида жойлашган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти таркибидаги шаҳарча, Зомин туманининг маъмурий маркази. Сув таъминоти ушбу маскандан оқиб ўтувчи Зоминсув сойидан.

XV асрда маъмурий жиҳатдан Самарқанд вилояти таркибида бўлган. "Бобурнома" да 899(1494) йили Султон Абусаиднинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад Зомин атрофларида Неъмат арғун билан жанг қилгани, Заҳириддин Бобур 1495-1499 йиллар давомида Мовароуннаҳрда якка ҳокимлик учун кураш олиб борган чоғларида Зоминда бўлгани қайд этилган. Жумладан, 904 (1498–1499) йили Бобур укаси Жаҳонгир мирзо билан Андижонни талашиб, қишда Хўжанд томонга келади, ундан Самарқанд томон юради ва бетоблиги туфайли, маълум муддат Зоминда тўхтайди. "Хўжандтин отланиб Пашоғарға мутаважжих бўлдум. Зоминға етган фурсатта иситтим. Бовужуди иситма Зоминдин отланиб илғор қилиб, тоғ йўли била ўтуб, Работи Хожанинг устига келдим" (Б.66).

Зурмат жулгаси – қ. *Зурмат тумани*

Зурмат тумани (Зурмат жулгаси) –Ғазни вилоятидаги туман. Маъмурий маркази – Гардиз шаҳри. "Бобурнома" да Кобул вилоятининг тавсифи қисмида,

Заҳириддин Бобурнинг 909 йил шаъбон (1504 йил,январь) ойида Кобулдан отланиб, жанубий вилоятларга афғонлар устига юриш қилгани воқеалари баёнида бу ҳақда маълумот берилган. "Яна бир Зурмат туманидур. Кобулнинг жанубидур. Кобулдин ўн икки- ўн уч йиғоч ва Ғазнидин етти-саккиз йиғоч йўл бўлғай. Саккиз кенттур. Доруғанишин ери Гардиздур" (Б.114).

Инжукон – Ҳиндукуш тоғларида Бомиён йўналишида жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур 1506 йилнинг қиш фаслида Ҳиротдан Кобулга қайтишда, унинг машаққатли йўли Инжукон орқали ўтган."Ул неча кун бисёр ташвишлар ва машаққатлар тортилди, андоққим муддатул-умр мунча машаққат камроқ тортилиб эди. Бу матлаъни ўшал фурсатта айтилди:

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму...

Ушбу тариқ била қор тепиб, йўл қилиб Инжукон ердин уч-тўрт кунда кўтали Зарриннинг тубига *Хаволи Қутий* деган хаволға келдук" (Б.147).

Иничка –Кобулдан шарқда Ламғонот туманига борадиган йўлда жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур 1519 йилнинг август ойида Кобулдан отланиб, Хожасеёрон томонларга саёҳатга боради ва қайтишда унинг йўли Иничка орқали ўтган. "Одина куни сув (Панжҳир дарёси) ёқасидин отланиб, Иничкадин қуйиға Кўҳбачанинг доманасида тушуб, ўз илигимиз била ғалаба мисвок олдук" (Б.176).

Ириж –Марказий Ҳиндистондаги қўрғон. "Бобурнома" да 934 (1528) йил воқеалари, Заҳириддин Бобурнинг Ҳиндистонда Секри ва ўша атрофлардаги ҳарбий ҳаракатлари баёни муносабати билан эслатилган. Бобур Ирижда бир кун тўхтаган.

Ирок – мамлакат. "Бобурнома" да "Ирок", "Ирок вилояти" шаклларда қайд этилган. Бобур Ироқи Араб ва Ироқи Ажамни бирга "Ироқайн" деб ёзади. Кўпроқ Ироқи Ажам хусусида сўз боради ва унда Эроннинг катта қисми назарда тутилган. "Султон Абусаид мирзоға Ирок вилояти мусаххар бўлғонда Кирмонни Маҳмуд барлосға бериб эди" (Б.50).

"Бобурнома" да Ирок билан боғлиқ ҳолда берилган маълумотларда ўша даврда Ўрта Шарқда кечган баъзи сиёсий воқеалар тилга олинган. Султон Абусаид Юнусхонни Ирок томонлардан олиб келтиргани эслатилган. Айниқса қорақўйлуқ туркманлар тўғрисида муҳим тарихий маълумотлар акс этган. Унда қорақўйлуқ туркманларнинг оққўйлуқ туркманлар билан келишолмай Ирокдан, Султон Абусаид мирзо мулозаматига келгани, сўнгра улар Султон Абусаид мирзонинг Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизидан туғилган ўғли Абобакр мирзони ўзларига бошлиқ қилиб Кобулни эгаллагани, у ердан Ҳиндистон орқали Ирокка боришгани ва ниҳоят Абобакр мирзо қайтиб Хуросонга бостириб келганида Султон Ҳусайн мирзо томонидан мағлуб этилгани айтилади. Сафавийлар билан Шайбонилар муносабатлари ҳақида ҳам маълумот бор ва Шаҳзода Таҳмоспнинг Ирокдан қирқ минг аскарни бошлаб Домғонда, сўнгра Жом атрофида жанглар қилгани, ғалабага эришгани батафсил ёзилган (Б.242).

"Бобурнома" даги маълумотлардан Заҳириддин Бобур давлати билан Ироқ мамлакати ўртасида савдо-элчилик алоқалари бўлганлигини ҳам биламиз. Чунончи Заҳириддин Бобур Кобул шаҳрини халқаро савдо маркази деб таърифларкан, у ерга турли мамлакатлардан, Жумладан, Ироқдан савдогарлар мол олиб келишини ва Кобулдан ўзига хос моллардан олиб кетишини таъкидлайди. "Хуросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матои Кобулда топилур" (Б.107). "Ироқға ва Хуросонға Кобулдин бир матоеким борур, соч ўтағасидур" (Б.116). Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳал қилувчи жанги чоғида Ироқ элчилари Сулаймон оқо ва Ҳусайн оқолар ҳам ҳозир бўлишган (Б.226). Ўз навбатида Бобур ҳам Ироққа ўз номидан элчилар юборган. "[933 йил] шаъбон ойининг ўн бешида (1527 йил 17 май) Хожаги Асадниким, Ироққа элчиликка бориб, Сулаймон туркман била келиб эди, яна Сулаймонға қўшуб, шаҳзода Таҳмоспқа муносиб савғотлар била элчиликка йиборилди" (в.329 б). "Шанба куни (935 йил, шаъбон / 1529 йил, апрель) Ироқ элчиси Мурод қўрчи қажарни кўрулди" (Б.255). Бобур Ҳиндистонни олганда турли мамлакатларга, жумладан, Ироққа ҳам хабарномалар ва совғалар жўнатган. "Самарқанд ва Хуросон ва Кошғар ва Ироққа уруқ-қаёш учун савғотлар йиборилди" (Б.210).

Ироқайн – қ. *Ироқ*

Итмак довони – Зарафшон тизмасининг Самарқанд вилояти билан Кеш вилояти ўртасидаги қисмида жойлашган довон. "Бобурнома"да бу жой ҳақида: "Самарқанд била Кеш орасида бир тоғ тушубтур, Итмак добони дерлар, сангтарошлиқ қилур тошларни тамом бу тоғдин элтарлар" (Б.61), деб ёзилган. Темурийлар даврига мансуб бошқа тарихий манбаларда унинг номи Кеш довони (ақбаи Кеш) шаклида берилган. Ҳозирги номи Тахтакорача довони, абсолют баландлиги 1675 м.

Ишкамиш – Тўхористондаги шаҳар. Маъмурий жиҳатдан XIV-XV асрларда Амир Темур ва Темурийлар давлати таркибига кирган, қисқа муддат Шайбонихон ҳукмига ўтган, сўнгра яна (1584 йилгача) Темурийлар томонидан бошқарилган.

"Бобурнома" да 901/1495–1496 – 912/1506–1507 йиллар воқеалари баёнида тилга олинган ва унга кўра, 1503 йилгача мазкур жой Хисравшоҳга тегишли бўлган. Бобур уни маъмурий жиҳатдан Бадахшонга киритмайди. "Яна Мулло Муҳаммад Бадахший эди. Ишкамиштиндур. Ишкамиш Бадахшон дохили эмастур. Ажабтурким, "Бадахший" тахаллус қилибтур" (Б.139). Шунингдек, 912/1506–1507 йили Бадахшонда, у ерда ҳукмронлик қилиб турган Заҳириддин Бобурнинг укаси Носир мирзога қарши исён кўтарилгани ва у қочиб, Ишкамиш орқали Кобулга келгани ҳам ёзилган.

Камруд дараси – Ҳисор тизмасидаги дара . "Бобурнома" да ушбу дарадан оқувчи дарё Камруд руди деб аталган. Асарда 901 (1495-1496) йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзонинг Мовароуннаҳрга юриши, Ҳисор қўрғонини қамал қилгани, Султон Масъуд мирзонинг Ҳисорни ташлаб Камруд дараси орқали Самарқандга иниси Бойсунқур мирзо қошиға кетгани айтилган.

Кейинроқ Заҳириддин Бобур ҳам шу йўл билан юрган. "Бобурнома" да 906 (1500-1501) йил тарихий воқеалари баёнида Самарқандни Шайбонихон

олгач, Бобур Кеш орқали Ҳисор томон чекингани, у ердан жўнаб, Камруд дараси орқали Зарафшон дарёси ҳавзасига, ундан Самарқандга ўтгани, катта қийинчиликларни бошдан кечиргани ёзилган. Ҳозирги Искандаркўл ҳақида ҳам эслатилган. "Камруд дарасиға кириб, юққори боқа юрудук. Танги ва учма йўлларда тунд ва тез кўталларда қалин от ва тева қолди. Уч-тўрт ора қўнуб, Сири тоқ кўталиға еттук, кўтал ва не навъ кўтал, ҳаргиз мундоқ баланд ва танг кўтал кўрулган эмас, ҳеч вақт мундоқ танги ва учма йўллар била юрулган эмас. Кўп ташвиш ва суубат била мухотара танги ва учмалардин ўтуб, юз ранж ва машаққат била мухлиқ баланд ва танг кўталлардин ошиб, Фон навоҳисиға келдук. Фон тоғларининг орасида бир улуғ кўл тушубдур, муҳити тахминан бир шаръий бўлғой, тавр кўлидур, ғаробаттин холи эмас" (Б.78).

Камруд руди – қ. Камруд дараси

Канбой – Самарқанд шаҳри яқинидаги кент, Тошкент томонга борадиган йўлда. Бу жой кўпгина тарихий кечималарнинг гувоҳи бўлган. "Бобурнома" да 900 (1494-1495) йил воқеалари баёнида Бойсунқур мирзо Самарқанд тахтига ўтиргач, Тошкентдан Султон Маҳмудхон бостириб келгани ва Канбой атрофида иккала томон ўртасида юз берган қаттиқ жангда Бойсунқур мирзо ғолиб келгани айтилган.

Кандирлик довони – Қурама тизмасидаги довон, Фарғона водийси билан Тошкент вилояти ўртасида, ҳозир ҳам шу номда. Ҳозирда ушбу довондан оқиб тушадиган Оҳангарон дарёсининг сўл ирмоқларидан бири Кандирсой деб аталади . Захириддин Бобур "Бобурнома"да Мовароуннаҳр воқеалари баёнида бир неча марта Кандирлик довонидан ўтганини ёзган. "Қосимбекни Тошкандга хон (Султон Маҳмудхон) қошиға йибориб, Андижон устига юрмакни истидъо қилилди (лозим топилди). Хон Ҳам черик тортиб, Оҳангарон жулгаси (водийси) била келиб, Кандирлик добонининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб, хон додамни кўрдим. (Сўнгра) Кандирлик добонини ошиб Ахси тарафиға тушулди", деб ёзилган мазкур асарда 903/1497-1498 йил воқеалари баёнида (Б.64).

Каштуд – Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасидаги қўрғон. "Бобурнома" да 906 (1500-1501) йил тарихий воқеалари баёнида харобага айланган қўрғон сифатида эслатилган. Самарқандни Шайбонихон олгач, Бобур Шаҳрисабз орқали Ҳисорга келади, сўнгра у ердан Камруд дараси орқали юриб Каштуд қўрғонига етиб боради. "Фондин ўтгач, Каштуд устиға илғадук. Каштуд қўрғони худ бузуқ экандур. Бу муддатга анда киши ўлтурғон эмас экандур. Андин ўтуб Кўҳак суйининг ёқасиға келиб туштук" (Б.79).

Кашмир – "Бобурнома"да тоғ, шаҳар ва вилоят тушунчасида эслатилган. "Синд дарёсидин ўтгач, бу тоғ (Ҳималай тизмаси)да Кашмир тавобии вилоятлардур... бу тоғ элини Кас дерлар. Хотирға еттиким, Ҳиндустон эли "шин"ни "син" талаффуз қилур. Чун бу тоғда муътабар шаҳр Кашмирдур, балки Кашмирдин ўзга бу тоғда яна шаҳре эшитилмайдур. Бу жиҳаттин бўла олурким, Кашмир демиш бўлғайлар" (Б.197).

Кеш – Мовароуннаҳрдаги қадимий шаҳар, Амир Темурнинг ватани. "Бобурнома"да бу шаҳар ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар

бор: "Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз (яшил) бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар. Темурбекнинг зоду буди (туғилган жойи) Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилуриға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна саврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилъида кичик- кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Деларким, Кисро тоқидин бу бийикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобири андадур. Чун Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ўқ ихтиёр қилди" (Б.61).

Кирмон – Эрондаги шаҳар ва вилоят, ҳозир ҳам шу номда. Кирмон вилоятининг маркази. XV аср манбаларида мазкур вилоят Макрон, Форс, Хуросон, Сеистон билан чегаралангани, жанубий ҳудуди Форс қўлтиғигача ястангани қайд этилган. "Бобурнома" да 900 (1494-1495) йил тарихий воқеалари баёнида Султон Абусаид мирзо Эронни эгаллаганда Кирмонни бошқаришни бекларидан бўлмиш Маҳмуд барлосга бергани ва 911 (1505-1506) йил воқеалари баёнида эса, Султон Абусаид мирзонинг Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизидан туғилган ўғли Абобакр мирзо қисқа муддат Кирмонни эгаллагани ёзилган.

Кобул вилояти – Темурийлар даврида маълум ва машҳур вилоят. Маркази – Кобул шаҳри. Заҳириддин Бобур Кобул шаҳрини 909 (1503) йили эгаллаганини ёзади: " [909 йил] раби ул-аввал ойининг охирида (1503 йил 22.IX) тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг жидол муяссар ва мусаххар қилди"(Б.107). Кейинроқ, 913 (1507-1508) йил воқеалари баёнида, Бобур, Темурийлар салтанатидаги мавжуд анъанавий маъмурий бошқарув тизимига ўзгариш киритиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилганини айтган:"Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини бовужуди салтанат мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимким, мени подшоҳ дегайлар" (Б.160).

Темурийлар даври ёзма манбаларидан "Бобурнома"да Кобул вилояти энг мукаммал тавсифланган. Етти иқлим тушунчасига кўра Кобул вилояти тўртинчи иқлимга киритилган. Чегаралари: шарқда – Ламғонот ва Ҳинд вилояти; ғарбда –Ғўр тоғлари; шимолда –Қундуз ва Андароб вилояти, уларни Ҳиндукуш тизмаси ажратиб туради; жанубда – Фармул,Нағар, Банну ва Афғонистон.

Маъмурий бўлиниши. Кобул вилояти ўн тўрт тумандан иборат: шарқда– Ламғонот; беш туман ва икки булукдир. Энг каттаси – Нингнаҳор, маркази (доруғанишин ери) –Одинапур. "Нингнаҳор, баъзи тарихларда Нагарҳор битибтурлар. Доруғанишин ери Одинапурдур. Кобулдин шарқ сари ўн уч йиғоч йўлдур. Нингнаҳор била Кобул ораси асру қаттиқ ёмон йўлдур." (Б.109). Бошқа туманлари: Кунар ва Нургил, Нижров, Панжҳир, Ғурбанд, Лаҳугар, Зурмат, Фармул, Бангаш ва ҳ.к. Кобул шаҳрининг қалъаси Шоҳи Кобул деб аталган, тоғ ён бағрида жойлашган.

Аҳолиси. "Мухталиф ақвом Кобул вилоятида бордур. Жулгаси(водийлари) да ва туз (дашт)ларида атрок ва аймоқ ва аъробдур. Шаҳрида ва баъзи кентларида сортлардур. Яна баъзи кентларида ва вилоётида пашойи, парожи ва тожик ва бараки ва афғондур. Ғазни тоғларида ҳазора ва накдаридур. Буларнинг орасида баъзи мўғулий тил била ҳикоят қилурлар. Шарқи-шимолий тарафидаги тоғлар Кофиристондур, мисли, Катур ва Габрак ва жануби Афғонистондур.

Ўн бир-ўн икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, парожий, габрий, баракий, ламғоний. Мунча мухталиф ақвом ва мутағойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятга бўлғай"(Б.109).

Табиати. "Бобурнома"да Кобул шаҳри ва вилоятининг рельефи, иқлими, сувлари, ўт-ўланлари, мевалари, экинлари, ободончилиги ҳақида мухим маълумотлар бор.

Тоғлар тавсифи анча муфассал; уларнинг номланиши, жойлашиши, баландлиги, довон (кўтал)лари, йўллари, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами кабилар ҳақида ёзилган. Кобул вилояти атрофлари тоғлар билан ўралган. Ҳиндукуш тоғи уни Балх, Қундуз ва Бадахшон вилоятларидан ажратиб туради.

Бу тоғдан ошиш учун еттита йўл бор ва уларда кўплаб довонлар орқали ошиб ўтилади: Панжҳир (Панжшир)да – Жавак кўтали, Тўл, Бозорак; Парвон йўли – унда еттита довон бор ва шу сабабдан Ҳафтбача деб номланган. Андаробдан келган икки йўл бирлашиб Ҳафтбача била Парвонга келади, жуда пурмашаққат йўл. Шибарту кўтали, Обдара. Хуросон томондан йўл Қандаҳор орқали келади, бу йўлда довон йўқ. Ҳиндистон томондан Кобулга тўрт йўл бор: Ламғонот, Хайбар тоғларидаги довондан ўтилади; Бангаш; Нағар, Фармул.

"Андароб ва Хост ва Бадахшонот тоғлари тамом арчалиқ, қалин чашмалиқ, юмшоқ пушталиқ тоғлардур. Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулгасининг бирдек бўлур ва хўб бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур.Андижон вилоятида бу ўтни "бутка" ўти дерлар...

Яна бир Нижров ва Ламғонот ва Бажур ва Савод тоғлари қалин ножу ва чилғўза ва балут ва зайтун ва ханжаклиқ тоғлардур. Ўти бу тоғларнинг ўтидек эмастур, қалин бўлур ва баланд бўлур,вале бефойда ўттур. От била қўйға созвор эмастур. Агарчи ул тоғларча баланд эмасдур, кўзга ҳақир кўрунур, вале ғариб берк тоғлардур, ҳамвор-ҳамвор пушталар кўрунур, вале тамом пуштаси ва тоғи йирик тошлиқ пушта ва тоғдур, ҳар еридин от била юруб бўлмас...

Ғарб тарафидаги тоғлар Дараи Зиндон ва Дараи Сўф ва Гарзавон ва Ғаржистон тоғлари, бир йўсунлуқ тоғлардур. Ўтлоғи аксар жулгаларида бўлур, ул тоғлардек тоғи ва пуштаси якдаст ўт бўлмас, андоқ қалин йиғочи ва арчаси ҳам йўқтур, вале ўти отқа ва қўйға созвордур.

Бу тоғларнинг усти тамом от чопқудек ҳамвордур, экинлари тамом анда бўлур. Бу тоғларнинг кийиги қалин бўлур... Ғўр ва Газю ва Ҳазора тоғлари ҳам бу йўсунлуқ тоғлардур, ўтлоғи жулгасида бўлур. Тоғларида йиғочи ҳам камдур. Арча йиғочи худ йўқтур, ўти отқа ва қўйга созвордур. Кийиги қалин бўлур...

Яна Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур. Паст-паст, ўти оз, суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур... Кобулнинг агарчи қиш қори улуғ тушар, вале яхши ўтунлари бордур... " (Б.115).

"Бобурнома"да 911 (1505-1506) йил воқеалари баёнида Кобул вилоятида юз берган қаттиқ зилзила ҳақида батафсил ёзилган: "Бу аснода андоқ **зилзила** бўлдиким, қўрғоннинг фасиллари ва боғларининг томлари аксар йиқилиб, шаҳрда ва кентларда кўп уйлар ҳамвор бўлуб, уй ва том остиға қолиб ўлган бисёр бўлди. Памғон кентининг уйлари тамом йиқилди. Етмиш-сексон ўбдон кадхудолар том остиға қолиб ўлдилар. Памғон била Бектут орасида бир парча ерким арзи биргина тош отими бўлғай учуб, бир ўқ отими куйи борди. Учқан ернинг ўрунидин чашмалар пайдо бўлди. Истарғичтин Майдонғача тахминан олти-етти йиғоч йўл бўлғай, ер андоқ ёрилиб эдиким, баъзи тарафи белча баланд бўлур эди, баъзи тарафи белча паст, ёрилған ерга баъзи ерда киши сиғар эди. Зилзила бўлғон замон жамиъ тоғларнинг бошидин гардлар қўпти.

Нурулло танбурчи қошимда соз чаладур эди, яна бир соз ҳам бор эди, ўшал замон ҳар икки созини илигига олди, андоқ беихтиёр бўлдиким, созлар бир-бириға урундилар. Жаҳонгир мирзо тепада. Улуғбек мирзо [ибн Султон Абусаид] солғон иморатлардин бир болохонанинг айвонида эди, зилзила бўлғоч, ўзини ташлади, осибе етмади. Жаҳонгир мирзонинг ёвуқларидин бири ушбу болохонада экандур, болохона томи устига йиқилибтур, тенгри сахлади, ҳеч ерига озоре етмади. Тепадаги уйлар аксар туп-туз бўлди. Ўшал кун ўттуз уч қатла ер тебранди. Бир ойғача ҳар кеча-кундузда икки ва уч қатла ер тебранур эди. Қўрғоннинг бурж ва борусини шикаст ва рехтини бекларга ва сипоҳиларга фармон бўлдиким, ислоҳ ва мараммат қилғайлар. Йигирма кун-бир ойда жид ва ихтимом била қўрғоннинг синуқ-бузуғини буткариб қўпарилди"(Б.124).

Кобул шаҳри қўрғонидан жанубда айланаси бир шаръий (фарсах – тахминан 7 км) келадиган каттагина кўл ва унинг ён-атрофларида ўланг (майсазор) лар бўлган. "Атрофида хўб тўрт ўланг (шимоли-шарқда –Сўнак қўрғон ўланги, шимоли-ғарбда – Чолок ўланги, ғарбда – Деврин ўланги, шарқда – Сияҳсанг ўланги) воқиъ бўлубтур... Ўланглар сабзалиқ маҳалида бисёр яхши кўрунур." (Б.108).

Иқлими ёзда иссиқ, қишда совуқ. Қиш фаслида Кобулда қор қалин ёғади.

"Ёзлар Кобулда шимолий ели кам эсадур. Аркта шимол сари даричалиқ уйлар асру хушҳаводур... Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек, ҳаволиқ ер оламда маълум эмаским, бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас. Қишлар агарчи қори аксар улуғ тушар, вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволиққа машҳурдур, вале муфрит совуқлари бордур" (Б.108).

Ҳайвонот олами. "Бу (Нижров,Ламғонот, Бажур, Савод) тоғларда Ҳиндустон қушлари, Ҳиндустон жониворлари бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва луча ва маймун ва нилагов ва кўтаҳпой, балки бу мазкур бўлғон жониворлардин дағи ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлурким, Ҳиндустонда даги андоқ жониворларни эшитилмайдур"(Б.115).

Овчилик. "Кобул вилояти тоғ ораларида воқиъ бўлубтур... Куз ва ёз фаслларида қизил кийикким, орқорғалча бўлғай қишлоққа, яйлоқға ўтарда муайян тутқовуллари бордур, қушлиқ ва итлиқ йигитлар бориб, тутқовулни сахлаб, кийик олдурурлар. Хурд Кобул ва Сурхоб тарафи қулони ҳам бўлур. Оқ кийик худ асло йўқтур. Ғазнининг оқ кийиги ва қулони бўлур. Ғазнининг оқ кийигича семиз кийик кам ерда бўлғай.

Ёзлар Кобул қушлоғи қалиндур. Аксар қушининг гузари Борон ёқасидур, не учунким, шарқи тоғлардур. Ғарб тарафи ҳам тоғлардур. Ушбу ернинг тўғрисидинким, Борон ёқаси бўлғай, бир улуғ Ҳиндукуш кўталидур ва бас ўзга кўтал йўқдур. Бу жиҳаттин тамом қушлар мунинг била ўтарлар, агар ел бўлса ё Ҳундукуш кўтали устида андак булут бўлса, қушлар ўта олмас. Тамом Борон тузига тушар, бу маҳал ул навоҳидағи эллар қалин қуш олурлар.

Борон ёқасида қишнинг охирларида ўрдак қалин келур, бисёр семиз бўлур, андин сўнгра турна ва қарқара, улуғ қушлар қалин ва беҳад бўлур. Борон ёқасида турнаға таноб отиб, таноб била қалин тутарлар. Уқор ва қарқара ва қўтонни ҳам таноб била қалин тутарлар, бу навъ қуш тутмоқ ғайри муқаррардур.

Бу тариқ била Борон эли қалин уқор тутарлар. Соч ўтағаси укордин бўлур. Ироқға ва Хуросонға Кобулдин бир матоэ ким борур, соч ўтағасидур. Яна жамъи сайёд қуллардур, икки юз-уч юз уйлуқ бўлғайлар. Темурбек авлодидин бириси бу қулларни Мўлтон навоҳисидин кўчуруб келгандур. Ишлари, кучлари қуш тутмоқтур. Кўллар ясаб, қалин милвоҳлар тикиб, кўл ўртасида тўр қўйиб, ҳар жинс қуш тутарлар...

Ушбу мавсумда Борон суйида балиғнинг гузари бўлур. Тўр била яна жах боғлаб, қалин балиқ тутарлар. Яна куз маҳалларидаким, қулон қуйруғи деган ўт чиқиб камолға етиб, гул қилиб, дона боғлар, бу қулон қуйруғидин ўн-ўн икки пуштвора, яна кўк шибоқдин йигирма-ўттуз пуштвора сув бошиға келтуруб янчиб, сувға солурлар, солғон замон-ўқ сувға кириб маст бўлғон балиқни тута киришурлар" (Б. 115-116).

Кобул вилоятида **суғорма деҳқончилик** (айниқса **боғдорчилик**) яхши ривожланган. Мевалардан узум, анор, ўрик, олма, беҳи, шафтолу,олу, жийда, бодом ва янғоқ кўп ўстирилган. "Мен олу-болу ниҳоли келтуруб эктурубмен, яхши олу-болулар бўлди ва ҳануз тараққийда эди... Бир навъ узум бўлур, оби ангур дерлар, хили яхши узумдир. Кобулнинг ривочи хўб бўлур, биҳи била олуси ҳам яхшидур. Бодринги дағи яхши бўлур. Кобул атрофидаги Кўҳистондин асал бисёр келур"(Б.108).

Савдо маркази. Кобул халқаро аҳамиятга молиқ йирик савдо маркази эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. "Ҳиндустон била Хуросон орасида хушки йўлдин икки бандардур. Бири – Кобул, яна бири – Қандаҳор. Кошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондин корвон Кобулға келурлар. Бисёр яхши савдохонадур. Савдогарлар Хитойға ё Румға борсалар, ушмунча-ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил етти-секкиз-ўн минг от Кобулға келур. Қуйи Ҳиндустондин ўн-ўн беш-йигирма

минг ўйлуқ корвон Кобулға келур... Хуросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матои Кобулда топилур. Ҳиндустоннинг худ (бевосита) бандаридур"(Б.107-108).

Ободончилик ишлари. "Бобурнома"да XV аср иккинчи ярмида Султон Абусаиднинг ўғли Улуғбек мирзо ҳукмдорлиги йилларида Кобул шаҳри ва вилоятида анчагина ободончилик ишлари қилингани қайд этилган. Жумладан, шаҳар ҳудудида бир ариқ қаздирилган бўлиб, ундан тоғ этагида бир қанча боғлар яратилган. Улардан бири Боғи Наврўзий, яна бири Боғи Биҳишт деб аталган. Кобул вилоятидаги машҳур кентлардан бўлмиш Исталиф кентида яратган боғи эса жуда катта бўлиб, шу сабабдан Боғи Калон аталган. Кобул шаҳрида Бўстонсарой номи билан танилган битта кўшк ҳам қурдирган.

Заҳириддин Бобур унинг ободончилик соҳасидаги ишларини давом эттирди. Исталифдаги Боғи Калонни эгаларидан сотиб олиб ўртасидан оқувчи ариқни қайта таъмирлади. "Мен эгаларига баҳо бериб олдим. Боғдин ташқари улуғ чинорлар бор, чинорларнинг туби сабзалиқ, сафолиқ манзиледур. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиша жорийдур. Бу ариқ ёқасида боғ ўртасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун бу ариқ эгри-букри ва бесиёқ эди. Мен буюрдимким, бу ариқни ража ва сиёқ била қилдилар. Бисёр яхши ер бўлди" (Б.112) . Исталиф яқинидаги Хожа Сеёрон булоғи ён-атрофида ҳам шунга ўхшаш ободончилик қилинган: "Бу чашманинг атрофини мен сангкорлиқ қилдурдум... Бу чашманинг ғарби-жанубий тарафида бир дарадин ҳамиша ярим тегирмон суйи жорийдур. Бу сувни мен ариқ қаздуруб, дашти Сеёроннинг ғарби-жануб тарафидаги пуштанинг устига келтурттум. Пуштанинг устида улуғ гирд суфа солдурдум. Суфанинг гирдида тамом тол дарахтлари экилди. Хейли яхши манзиле бўлди. Бу суфадин юққорироқ, пуштанинг ёнида узум боғи солдурдум" (Б.112-113).

"Одинапур қўрғонининг олида, жанубий тарафида бир баландида тарихи тўққуз юз ўн тўртта (1508-1509 йил) бир чаҳорбоғ солдим, Боғи Вафоға мавсум, рудка муширф, руд қўрғон била боғнинг орасидадур, норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур...Андин бурунғи йил найшакар дағи экиб эдилар, яхши найшакарлар бўлуб эди. Бадахшон ва Бухороға ул найшакарлардин йиборилиб эрди" (Б.109-110).

Кобул суйи – Ҳинд дарёсининг асосий ўнг ирмоғи. Ҳиндукуш тоғлари таркибидаги Кўҳи Бобо тизмасининг жанубий ён бағридан бошланади, дастлаб Афғонистон ҳудудидан оқиб, Кобул шаҳридан ўтгач, унга бошқа ирмоқлар қўшилиб, Покистон ҳудудига оқиб боради ва Ҳинд дарёсига қуйилади. Юқори ҳавзасида иккита асосий ирмоқ қўшилишидан ҳосил бўлади, "Бобурнома" да улар Кобул суйи ва Синд суйи номлари билан қайд этилган, иккала ирмоқ қўшилгач ягона Кобул суйи деган ном билан аталган. Бироқ Кобул дарёси бориб қуйиладиган асосий дарё – ҳозирги Ҳинд дарёси "Бобурнома"да Синд дарёси дейилган. Дарёнинг умумий узунлиги 460 км. Кобулдан Ҳиндистонга борадиган асосий савдо йўли Кобул дарёси водийси орқали ўтган. Заҳириддин Бобур ҳам Кобул шаҳридан шарқий ҳудудларга, жумладан, Ҳиндистонга сафарлари чоғида мазкур дарё бўйлаб юрган. "Хайбар тангисидин ўтуб, Али Масжидға тушулди. Андин намози пешин отланиб, партолдин айрилиб, икки

пос бўлуб эдиким, Кобул сувининг ёқасига келиб, озроқча уюхладук. Саҳар гузар топиб, сувдин кечилди" (Б.178), деб ёзади у "Бобурнома" да 925(1518-1519) йил воқеалари баёнида. "Бигромдин кўчуб, ёмғур ёғдуруб, Кобул суви ёқасига тушулди" (Б.186) , деб ёзилган Бобурнинг 932(1525-1526) йили Ҳиндистонга сафари воқеалари баёнида.

Конигил ўланги –Самарқанд шаҳри ёнида шарқ томонда жойлашган ялангликлик. "Бобурнома"да бу ҳақда айрим тафсилотлар қайд этилган: "Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат ҳам дерлар... Қора сувким Обираҳмат дерлар, Конигилнинг ўртасидин оқар, етти – секкиз тегирмон суйи бўлғой... Жувози коғазлар суйи тамом Конигилдин келадур... Самарқанд салотини ҳамиша бу ўлангни қўрук қилурлар. Ҳар йил бу ўлангга чиқиб бир ой, икки ой ўлтурурлар...Баъзи дерларким, бу ўлангнинг асли оти "Кони обгир" экандур, вале тарихларда тамом Конигил битирлар" (Б.60), деб ёзади Бобур Самарқанд шаҳри яқин-атрофлари тавсифида.

Косон –шаҳарча (қасаба), қўрғони бўлган. Ҳозирги номи Косонсой, Наманган вилоятида. "Бобурнома"да алоҳида тавсифланган. "Кичикроқ қасабадур. Ахсининг шимолида тушубтур... Яхши ҳаволиқ ердур,сафолиқ боғчалари бор. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор"(Б.36). Косон ёнидан оқиб ўтадиган сув тармоғи, Ахсикатга оқиб боргани сабабли, Ахси суви деб аталган, ҳозирги номи Косонсой. "Ахси суйи Косондин келур" (Б.36).1494–1502 йилларда Ахси учун кечган жанг-жадаллар Косонни ҳам қамраб олган.

Кофиристон – тоғли вилоят (ҳозирги номи Нуристон), географик ўрни Ҳиндикуш тоғ тизмаси жанубий ён бағрининг марказий қисмига тўғри келади. "Бобурнома"да вилоят номи ва шу вилоятда яшовчи элатларнинг умумий номи сифатида қайд этилган: "[Султон Маҳмуд мирзо бин Султон Абусаид] икки қатла Бадахшоннинг жануб жониби Кофиристонға бориб ғазот қилди. Бу жиҳаттин фармонининг туғросида "Султон Маҳмуд ғозий" битирлар эди" (Б.48).

"[Кобул вилояти Алишанг туманининг] шимолида Ҳиндукуш тоғиға пайваста қорлиқ улуғ берк тоғлардур. Бу тоғ тамом Кофиристондур" (Б.110).

Кошғар – Темурийлар даврида Марказий Осиёдаги йирик шаҳарлардан бири. Буюк Ипак йўлининг асосий жанубий тармоғи шу ердан ўтган ва ундан сўнг икки томонга – Бадахшон ҳамда Андижон йўналишлари орқали ғарбга давом этган.

Амир Темур 1404 йили Ахсикатдан то Хўтангача жойларни, жумладан, Кошғарни невараси амирзода Иброҳим Султонга суюрғол қилди. XV аср бошларида Кошғар маълум вақт, аниқроғи 14 йил бевосита Улуғбек ҳукмида бўлди. Мўғулистонда Нақши Жаҳон, Шермуҳаммадхон ва Вайсхон салтанати даврида (1415–1428) Кошғарни Улуғбек тайинлаган волийлар – Мир Султон Малик дўладаий [дуғлат] , хожа Муҳаммад Шойиста ва Пирмуҳаммад барлос бошқарганлар.

Вайсхондан сўнг Мўғулистонда хонлик тахти унинг ўғли Эсон-Буғохонга (1426–1461) ўтди ва у 35 йил ҳокимиятни бошқарди (XV аср иккинчи ярмида

ҳам Мўғулистонда хонлик тахтини эсон-Буғохон авлодлари эгаллаб турган). Эсон-Буғохон салтанати даврида Оқсув ҳокими дуғлат Сайид Али Сайид Аҳмад ўғли Кошғарга мунтазам юришлар қилиб, пировардида уни олишга муваффақ бўлди ва чорак аср (1433-1457) давомида шаҳарни бошқарди. XV асрнинг сўнгги чорагида Кошғар Мир Сайид Алининг катта ўғли Сансиз Мирзо қўлига ўтади ва у етти йил ҳокимлик қилиб оламдан кўз юмади (вафоти 869/1464-1465).

Юнусхон даврида Кошғарда 869(1464-1465) – 885(1480-1481) йиллар давомида Мир Сайид Алининг кичик ўғли Муҳаммад Ҳайдар ("Тарихи Рашидий" асари муаллифининг бобоси) ҳоким бўлган. "Тарихи Рашидий" асарида Муҳаммад Ҳайдар Кошғарда жами 24 йил ҳукмронлик қилгани ва шунинг 16 йили мустақил ҳукмдор бўлгани айтилган.

Кошғар вилоятининг маъмурий-ҳудудий ҳолатидаги кейинги муҳим воқелик Сансиз Мирзонинг тўнғич ўғли Абубакр Мирзо ҳукмдорлиги билан боғлиқ. У дастлаб Ёркандни, кейинчалик эса Хўтанни ҳам ўз мулки қилиб олишга эришди, қудрати ошиб Муҳаммад Ҳайдар Мирзога қарши чиқишга азм қилди, Кошғарга чопқинлар ясади. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо аввалида ўзи, сўнгра Юнусхон билан биргаликда Абубакр Мирзо устига лашкар тортиб борган ҳам мағлубият билан якун топди. Абубакр Мирзонинг ҳукмронлиги Мўғулистон хони Султон Саидхоннинг 920 (1514) йили Кошғарга, ундан Ёркандга юриши ва мазкур жойларни эгаллаши воқеаларида якун топади .

"Бобурнома"да Кошғар Фарғона вилоятининг ҳамда Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараси сифатида қайд этилган. XV аср охири ва XVI аср бошларида Кошғарни Абубакр Мирзо бошқаргани ва Умаршайх мирзо ўлимидан сўнг, Ўзганд вилоятига бостириб киргани, сўнгра Кошғар Мўғулистон хони Султон Саидхон ҳукмига ўтгани айтилган. Султон Саидхоннинг Заҳириддин Бобурга қариндошлик томони ҳам бўлган: "ва хешлиғи ҳам бизга бор эрди"(Б.266), деб ёзилган бу ҳақда "Бобурнома"да . Бу даврда Кошғар билан Бобур давлати ўртасида савдо ва элчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган; Андижондан Кобулга қулай йўл Кошғар орқали ўтган.

Кўҳак суйи (Зарафшон дарёси) –Темурийлар даври ёзма манбаларида "Кўҳак", Бухоро шаҳри ёнидан ўтган бир тармоғи "Жўйи Зар" (Зар ариғи) номлари билан аталган. "Бобурнома"да бу дарё *Кўҳак суйи* ва юқори оқимидаги қисми *Камруд* (тўғриси: *Комруд*) *руди* деб аталган.

"Кўҳак суйи (Самарқанд шаҳрининг) шимолидин оқар, Самарқанддин икки куруҳ бўлғай. Бу сув била Самарқанд орасида бир пушта тушубтур, Кўҳак дерлар. Бу руд мунинг тубидин оқар учун Кўҳак суйи дерлар. Бу сувдин бир улуғ руд (ариқ) айрибтурлар, балки дарёчадур, Дарғам суйи дерлар. (Дарғам) Самарқанднинг жанубидин оқар, Самарқанддин бир шаръий бўлғой. Самарқанднинг боғот ва маҳаллоти ва яна неча тумоноти бу сув била маъмурдур. Бухоро ва Қоракўлгачаким, ўттуз-қирқ йиғоч йўлға ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур. Мундоғ улуғ дарё асло зироаттин ва имораттин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухороға сув етмас" (Б.59).

Ламғон – "Бобурнома" да Кобул вилояти таркибидаги,унинг шарқ томонида жойлашган ва мазкур вилоятдаги 5 та туман (Нингнаҳор, Алишанг, Алингор, Мандировар, Кунар) ни ўз ичига олган кичик вилоят сифатида тавсифланган. Шундан 3 та туман (Алишанг, Алингор, Мандировар) биргаликда Ламғонот деб аталган (баъзан бу ном Ламғонга синоним бўлиб келади). "[Кобул] вилоёти ўн тўрт тумандур...Шарқи Ламғоноттур. Бу вилоят беш туман ва икки булуктур" (Б.109). "Агарчи Ламғоннинг беш туманидин бир тумани Нингнаҳордур, вале Ламғонотни ул уч туманга итлоқ қилурлар" (Б.110). "Ламғон туманларидин улуғроғи Нингнаҳор, баъзи тарихларда Нагарҳор битубдурлар. Доруғанишин ери Одинапурдур. Кобулдин шарқ сари ўн уч йиғоч йўлдур" (Б.109). Ламғонотга Кобулдан иккита йўл келган: биринчиси – Дири довони ва иккинчиси – Бодипеч довони орқали. Заҳириддин Бобур 899/1494 – 926/1519-1520 йиллар оралиғида қароқчиликни касб этган афғонларни эл қилиш учун, кейинчалик эса, саёҳат мақсадида Ламғон вилоятига бир неча марта сафар қилган ва у ернинг табиати, хўжалиги, элатлари ҳақида муҳим малумотлар ёзиб қолдирган.

"Бобурнома" да 912/1506-1507 йил воқеалари баёнида Бобур Ламғон вилоятидаги Мандировар туманини Султон Саидхонга бергани, сўнгра, Андижон вилояти қўлга киритилгач, уни ўша томонга жўнатгани ҳам айтилган: "Султон Саидхон Кошғар хони беш-олти яёқ-яланг била келди, туққон иниларимдек кўруб Ламғон туманларидин Мандировар туманини бердим... Андижон вилояти менинг сори боқиб, баъзи доруғаларини қавлаб, баъзи ерларини беркитиб, манга киши йибордилар. Мен Султон Саидхонға бори навкарларимни топшуруб, кўмак қўшуб, зоду буд Андижон вилоятини бағишлаб, хон қилиб йибордим" (Б.151).

Ламғоний кенти – Кобул яқинида, Ламғонга борадиган йўлда жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 925 йил шаъбон (1519 йил, август) да Хожа Сеёрон ва Борон томонларга саёҳат қилиб, қайтишда унинг йўли Ламғоний кенти орқали ўтган.

Ламғонот –Ламғон вилояти таркибидаги Алишанг, Алингор, Мандировар туманларини ўз ичига олган қисми шундай аталган (қ. *Ламғон*).

Лангари Мирғиёс – Ҳирот вилоятида, Ҳиротдан Бомиён орқали Кобулга борадиган йўлда жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 912 йил 7-шаъбон (1506 йил 23-декабр) да Ҳиротдан отланиб Кобул томон йўл олади ва Лангари Мирғиёсда тўхтаб ўтади. "Лангари Мирғиёс навоҳисида Кобулға не йўл била боруримизни кенгаштук. Мен ва аксар бар ин эдукким, қишдур, тоғ йўлида кўп дағдаға ва тараддудтур, Қандаҳор йўли агарчи бир нима йироқроқдур вале бетараддуд ва бедағдаға борилур. Қосимбек ул йўлни йироқдор, бу йўл била борурбиз, деб кўп **жаҳл** қилди, бу йўлға бўлдук" (Б.146).

Лангари Темурбек – Ҳиротдан Бомиён орқали Кобулга борадиган йўлда жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 912 йил 7-шаъбон (1506 йил 23-декабр) да Ҳиротдан чиқиб Кобулга йўл олади. Кўтали Заррин довони, Якка ўланг, Бомиён, Шибарту кўтали (ҳозирги Ҳиндукуш тоғларининг Сафедкуҳ ва Бобо тизмалари) орқали юриб, Темурбек лангарида тўхтайди, сўнгра Кобулга келади.

Лотканд кенти – Ўш шаҳри яқинидаги кент. "Бобурнома" да 905 (1499–1500) йил воқеалари баёнида тилга олинган. Заҳириддин Бобур Андижон атрофида бош кўтарган мўғулларни бостириш учун 18-муҳаррам (1499 йил 25 август) да Андижондан Ўш томонга юриш қилади ва бир тун Лотканд кентида тўхтайди. " Ўш сори мухолифларнинг устига баронғор ва жавонғор ва ғул ва ҳировул ва отлиқ-яёқни ясаб, ясол била – ўқ мутавжжиҳ бўлдук... Лотканд кентига тушулди" (Б.70).

Мандировар тумани – "Бобурнома" да ёзилишича Кобул вилояти таркибидаги 14 тумандан бири, маъмурий –ҳудудий жиҳатдан *Ламғонот*га тегишли бўлган. "[Кобул] вилоёти ўн тўрт тумандур...Шарқи Ламғоноттур. Бу вилоят беш туман ва икки булуктур" (Б.109). "Агарчи Ламғоннинг беш туманидин бир тумани Нингнаҳордур, вале Ламғонотни ул уч туманга итлоқ қилурлар" (Б.110).

Марв – Хуросондаги шаҳар, мўғуллар босқини вақтида хароб этилган, Темурийлар салтанатида Мирзо Шоҳрух фармони билан қайта обод қилинган. Мирзо Шоҳрух 1409 йили Мурғоб дарёсига тўғон қурдириб, ундан Марв шаҳригача 12 фарсанг (тахм. 70 км) узунликдаги канал қаздиради ва сув олиб бориб, Марв шаҳрини янгидан барпо қилади. Бу ўз даврининг катта ободончилик ишларидан эди. XV аср охирги чорагида Марв шаҳри маъмурий жиҳатдан темурий Султон Ҳусайн мирзо давлати таркибида бўлган.

"Бобурнома" да 899/1494 йил воқеалари баёнида Марвда Шайбонихон билан Шоҳ Исмоил ўртасида бўлган жанг эслатиб ўтилган. "Исмоил ўзбакни Марвда босконда Хонзодабегим Марвда эди... Кундузда келиб менга қотилдилар" (Б.38). 912/1506-1507 йил воқеалари баёнида Марвни Султон Ҳусайн мирзонинг ўғилларидин бири Абулмухсин мирзо бошқаргани, 932/1525-1526 йил воқеалари баёнида Бухородан Убайдуллахон черик тортиб келиб Марв шаҳрини эгаллагани айтилган. 935/1528 йил воқеалари баёнида Шайбонилар давлатидан Марвда 105 минг кишилик лашкар йиғилгани, Жом билан Харгирд яқинида Сафавийлар билан Шайбонилар ўртасида қаттиқ жанг юз бергани ва Шайбонилар мағлуб бўлиб, катта талафот кўргани анча батафсил ёзилган.

XV асрдаги Марв шаҳарининг қолдиқлари ҳозирги вақтда Туркманистоннинг Мари шаҳри яқинида қайд этилган.

Мароға – Шарқий Озарбайжон остонидаги кичик вилоят маркази. Ўрта асрларда машҳур илмий марказлардан бири бўлган, у ерда астрономик расадхона қурилган ва таниқли астроном Насириддин Тусий фаолият олиб борган. "Бобурнома" да 903/1497-1498 йил воқеалари баёнида Заҳириддин Бобур, Самарқандда Улуғбек қурдирган обсерваторияни эслатиб, тарихда шунга ўхшаш қурилган расадхоналарни ҳам санаб ўтади. "[Улуғбек мирзонинг] яна бир олий иморати Пуштайи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур. Улуғбек мирзо бу расад била "Зижи Кўрагоний"ни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар. Мундин бурун "Зижи Элхоний" мустаъмал эрдиким, Хожа Носир Тусий Ҳалокухон замонида Мароғада расад боғлатибтур... Ғолибо,

оламда етти-секкиз расад беш боғламайдурлар. Ул жумладин бир, Маъмун халифа расад боғлабтурким, "Зижи Маъмуний"ни андин битибтурлар. Бир Батлимус ҳам расад боғлабтур. Яна бир Ҳиндустонда раажа Бикрамажит ҳинду замонида Ужжайн ва Дҳардаким, Малўт мулкидур, ҳоло Мандуға машҳурдур, яна бир расад қилибтурлар, ҳоло ҳиндуларнинг мустаъмал Ҳиндустонда ул зиждур. Бу расадни боғлағони минг беш юз сексон тўр йилдур. Бу ул зижларға боқа ноқисроқтур" (Б.60).

Марғинон (ҳозирги Марғилон) – Фарғона вилоятидаги қасаба (шаҳарча). "Бобурнома" да унинг хўжалиги ҳақида алоҳида тавсиф берилган; обод ва сермева жой сифатида таърифланган: "Анори ва ўриги асру хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, "донакалон" дерлар... Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб,ичига мағз солиб қурутурлар, "субҳоний" дерлар, бисёр лазиздур. Ов қуши яхшидур, оқ кийик ёвуқта топилур. Эли сорттур... Соҳиби "Ҳидоя" Марғиноннинг Рушдон (ҳозирги номи Риштон) отлиқ кентидиндур" (Б.35). Бобур Марғиноннинг анорини ўша кезларда шуҳрат қозонган Хўжанд аноридан яхшироқ деб ёзган.

Бобур ҳукмдорлиги йилларида Фарғона вилоятида кечган тарихий воқеаларга Марғинон ҳам бевосита дахлдор бўлган. Бобурнинг ҳукмдорлик тахтини эгаллашида жонбозлик кўрсатган беклар муносиб тақдирланадилар. Жумладан, Марғинонни бошқаришга Али Дўст тағойи тайинланади. Бобур 904/1498 йили Узун Ҳасан, Султон Аҳмад Танбал ва укаси Жаҳонгир мирзо исёнини бостиришида Марғинонни ўзига таянч жой қилиб белгилаган. Марғинон аҳолиси ёв ҳужуми пайтларида қаттиқ туриб ўзларини ҳимоя қилганлар.

Машҳад – Эрондаги шаҳар, Хуросон остонининг маъмурий маркази. Мирзо Шоҳрух салтанатида Темурийлар давлати таркибида эди, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалди. XV аср манбаларида унинг номи Машҳади муқаддас, Машҳади муқаддаси Ризавий, Машҳади Роз шаклларда ҳам ёзилган.

"Бобурнома" да 911/1505-1506 йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо маълум муддат Машҳадни бошқаришга ўғилларидан бири Ҳайдар мирзони, кейинроқ, бошқа ўғли Кепак мирзони тайинлагани, 913/1507-1508 йил воқеалари баёнида Шайбонихоннинг Темур Султон билан Убайд Султон бошчилигида юборган лашкари Машҳад шаҳрини эгаллагани, Султон Ҳусайн мирзонинг у ердаги ўғиллари Абулмуҳсин мирзо билан Кепак мирзо қатл қилинганлари айтилган. 932/1525-1526 йил воқеалари баёнида эса, Машҳадни Убайдуллахон бошчилигида Бухородан Хуросонга бостириб келган лашкарлар эгаллагани, сўнгра 935/1528 йили Хуросон томонга Шайбонилар устига юриш қилган сафавий шазода Таҳмоспнинг йўли Машҳад орқали ўтгани қайд этилган.

Меҳтар Сулаймон тоғи – ҳозирги Покистон ҳудудидаги Сулаймон тоғлари. "Бобурнома"да Афғонистон тоғлари ва Меҳтари Сулаймон тоғлари номлари билан эслатилган. Заҳириддин Бобур Кобулдан жанубий ҳудудларга ва Ғазни томонга сафарларида Сулаймон тоғлари орқали ўтган ва "Бобурнома"да мазкур жойларнинг табиатини тавсифлаган. "Хожа Исмоил ва Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур; паст-паст, ўти оз,

суйи танқис, йиғочсиз, баднамой, ярамас тоғлардур. Тоғлари элларига муносиб тушубтур" (Б.115). Даштнинг ғарби тоғинингким, Кўҳи Меҳтар Сулаймон дерлар, ушбу тоғ Дашт била Дукининг орасида тушубтур, тумшуғидин эврулса, йўл туздур" (Б.120).

Мовароуннаҳр –мусулмон Шарқ адабиётида IX асрдан бошлаб мамлакат номи сифатида мавжуд ва Темурийлар даври манбаларида ҳам бу анъана сақланган. "Бобурнома"да унинг чегараси шарқда – Кошғар, ғарбда- Хоразм, шимолда – Шош, жанубда –Термиз кўрсатилган. "Ҳазрати рисолат замонидин бери ул миқдор аимман исломким (ислом пешволари) Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин маълум эмаским мунча пайдо бўлмиш бўлғай (шайх Абу Мансур Мотуридий, хожа Исмоил Хартанак – Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний)", деб ёзади Бобур (Б.59).

"Бобурнома"да Мовароуннаҳрнинг географик тавсифи (маъмурий ҳолати, табиати, хўжалиги) ва ўша даврдаги тарихи аниқ ва нисбатан тўла берилган. Бу маълумотларнинг аксари қисми, айниқса Фарғона водийси, Самарқанд шаҳри ва вилояти ҳақида келтирилганлар мазкур даврда ёзилган бошқа тарихий асарларда учрамайди.

Мурғоб суйи – ҳозирги Мурғоб дарёси, Афғонистон ҳудудида Банди Туркистон, Сафидкўҳ, Паропамиз тоғларидан сув олиб оқади ва Туркманистон ҳудудида давом этиб, Қорақум чўлида тугайди. "Бобурнома"да Мурғоб дарёси бир нечта тарихий воқеалар муносабати билан тилга олинган. Султон Ҳусайн мирзо Мурғобнинг Сарипул деган жойидан Ҳиротга Ёдгор мирзо устига юриш қилиб пойтахт Ҳиротни узил-кесил эгаллагани, сўнгра 909/1503-1504 йили шайбониларга қарши лашкар тортиб Мурғоб дарёси бўйига келгани ва Бобурга хат йўллаб, қўшини билан Коҳмард ва Ажар атрофларига етиб келишини ёзгани, Мурғоб дарёси водийсида Бобур шайбониларга қарши жанг қилиш маслаҳати учун Ҳирот мирзолари, яъни Султон Ҳусайн мирзо фарзандлари билан учрашгани ва у ерда маълум муддат қолгани ёзилган. "Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла [Бадиуззамон] мирзонинг чоғир мажлисида ҳозир бўлдум. Ичмасимни чун билурлар эди, таклифе қилмадилар" (Б.143). Шайбонихоннинг Хуросонга юриш қилиб, 913 йил муҳаррам ойида (1507 йил, май-июнь) Мурғоб дарёсидан ўтгани ҳам айтилган.

Мўғулистон – Чиғатой улусининг шарқий қисми XIV-XVI асрларда шундай аталган. XIV аср ўрталарига келиб Чиғатой улусида феодал низолар кучайиб, улус ҳудуди маъмурий жиҳатдан икки қисмга бўлинди; шарқий қисми "Мўғулистон" ва ғарбий қисми илгаридан шаклланган тарихий номи билан "Мовароуннаҳр" деб аталди. Иккала маъмурий бирлик ўртасидаги чегара Еттисувдан, аниқроғи Ашпара шаҳридан ўтган. Мўғулистон ҳам ўз навбатида иккита йирик маъмурий бирликдан ташкил топган эди: шимолий қисми - Мўғулистон, жанубий қисми – Манглай Субе. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар "Тарихи Рашидий" асарида мазкур Мўғулистонни шарқда - Қалмоқ ери, яъни Барскўл, Эмил, Иртиш; шимолда – Кўкча-Тенгиз (Балхаш кўли), Булмиш, Қоратол; ғарбда – Туркистон, Тошкент; жанубда – Фарғона, Кошғар, Чолиш, Турфон билан чегарадош бўлган жойлар, деб чегаралаган.

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳр маъмурий жиҳатдан кичик-кичик ҳокимликларга бўлиниб кетди. Шу кезларда Чиғатой улусининг шарқий қисми – Мўғулистон тахтини эгаллаб турган Туғлуқ-Темурхон мавжуд вазиятдан фойдаланиб, 1360 йили Мовароуннаҳрга қўшин тортиб уни забт этди ва собиқ Чиғатой улуси ҳудудини тиклашга муваффақ бўлди. Туғлуқ-Темурхон вафотидан (1362) кейин унинг ўғли Илёсхожа хонлик тахтини эгаллайди, бироқ бир йилдан сўнг Қамариддин дуғлат томонидан ўлдирилади ва Мўғулистон ҳукмдорлиги унинг қўлига ўтади. Бу даврда Мўғулистон ички феодал низолар ва Қамариддин билан Амир Темур ўртасидаги жанг-жадаллар гирдобида қолган эди.

Амир Темур салкам йигирма йил давомида Мўғулистонга қатор юришлар қилиб, ниҳоят 1389 йили бу ҳудудни узил-кесил ўз давлати таркибига киритди. У Мўғулистонда Туғлуқ-Темурнинг ўғли Хизрхожани хонлик тахтига ўтқазди ва кейинроқ унинг қизи Тугал-хонимга уйланди. Амир Темур 1404 йил кузида Конигилдаги катта тўйда Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудларни Мирзо Шоҳрухнинг ўғиллари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилади.

Умуман олганда Мўғулистонда хонлик тахти Чиғатой авлодига тегишли бўлган. Айни пайтда, Улусни бошқариш (амир-оқсоқол)лик, собиқ анъанага мувофиқ, дуғлат амирларига қолдирилганди. Шарқий Туркистон ҳудуди (маркази Оқсув шаҳри) деярли дуғлат амирлари ихтиёрида эди. Жумладан, олтита хон ҳукмронлиги даврида, яъни Хизрхожахон давридан то Вайсхон салтанатигача (1418–1421; 1424–1428) улус бошлиғи вазифасини дуғлат амир Худойдод эгаллаб турган ва унинг улусда обрўси жуда юқори бўлган. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Кошғар шаҳри Чингизхон давридан бошлаб амир Худойдоднинг аждодларига иқто қилиб берилган эди ва улар шу жойнинг волийси ҳисобланардилар.

XV аср 1-ярмида Мўғулистон расмий жиҳатдан Мирзо Улуғбек ҳукмида бўлса-да, бироқ мухторият тарзида эди. Унинг ўз хонлари, ички зиддиятлари, ташқи сиёсати бўлган. Жумладан, Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлон (1421–1425) ўзини мустақил хон деб эълон қилганда, Улуғбек Мўғулистонга юриш қилади ва жанг қилиб ғалаба қозониб Вайсхонни хонлик тахтига ўтқазади. Улуғбек Мўғулистоннинг ғарбий қисми, яъни Иссиққўл атрофларига Сотуқхонни ҳоким этиб тайинлагани ҳам маълум. Вайсхондан сўнг хонлик тахти унинг ўғли Эсон-Буғохонга (1426–1461) ўтди ва у 35 йил ҳокимиятни бошқарди.

XV аср иккинчи ярмида ҳам Мўғулистонда хонлик тахтини Эсон-Буғохон авлодлари эгаллаб турган. Бу даврда Мўғулистон улусларида низолар кучайиб, унинг ички тизимида баъзи ҳудудий-маъмурий ўзгаришлар бўлди. Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида Абулхайрхон (1428–1468) билан низолашиб, Мўғулистон томонга бошпана излаб борган шаҳзодалар – Жонибекхон ва Гирайхонга Эсон-Буғохон ўз мамлакатининг ғарбий чеккаси- Чуй водийси атрофларидан ер ажратиб бергани ҳам маълум. Кейинчалик бу ерда қозоқ хонлиги вужудга келди.

XV аср ўрталаридан бошлаб Мўғулистонга қалмоқ (ўйрот)лар кириб кела бошлайди ва уларнинг Шарқий Мўғулистонга таъсири анча кучли бўлган. Бу даврда хонлик тахти Эсон-Буғохон авлодлари қўлида бўлган: Дўстмуҳаммад Эсон-Буғохон ўғли (1461–1468; Марказий ва Шарқий Мўғулистон, Турфон вилояти); Юнусхон Вайсхон ўғли (1458–1469; Ғарбий Мўғулистон); Кебек-Султон Дўстмуҳаммад ўғли (1468–1473; Турфон вилояти); Ғарбий Мўғулистон, жумладан Иссиққўл атрофлари, Юнусхон (1458–1469) ҳукмида бўлган. Темурий ҳукмдор Султон Абусаид мирзо томонидан Мўғулистонга хон қилиб юборилган Юнусхон, шуҳрати тобора ортиб бориб, Мўғулистоннинг катта қисмини, жумладан пойтахт Оқсу шаҳрини ҳам қўлга киритди. Кейинчалик унинг ўғиллари давлатни бошқарди: Султон Маҳмуд Юнусхон ўғли (1487–1508; Ғарбий Мўғулистон); Султон Аҳмад (Алачахон) Юнусхон ўғли (1485–1504, Марказий ва Шарқий Мўғулистон).

"Бобурнома"да Мўғулистон ҳақида ёзилганлар XУ аср 2-ярмига тегишли. Заҳириддин Бобур Кобул яйловларини Мўғулистон яйловларига ўхшатади, иккала ўлкадаги қулонлар ҳақида қиёсий фикр айтади. Аксари ёзилганлар сиёсий-маъмурий воқеаларга дахлдор. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг Мўғулистон хони Эсан Буғахон Моваройннаҳрга бостириб киргани, Кандибодомгача жойларни талагани, Андижонни олиб, элини қул қилгани ва кейинроқ, Султон Абусаид мирзо юриш қилиб Ашпарада Эсан Буғахон лашкарини тор-мор қилгани ҳақидаги маълумотлар.

"Бобурнома"да яна Темурийларнинг Мўғулистон хонлари билан қариндошлашуви ҳақида ҳам ёзилган. Султон Абусаид Мўғулистонда Юнусхонни хон қилиб кўтаргандан сўнг, у Темурийлар хонадони билан қариндошлик ришталарини мустаҳкамлади ва учта қизини Султон Абусаиднинг учта ўғлига берди: катта қизи Меҳр Нигор хонимни - Султон Аҳмад мирзога, ундан кичикроқ қизи Қутлуғ Нигор хонимни - Умаршайх мирзога (бу никоҳдан Заҳириддин Бобур туғилди), Султон Нигор хонимни - Султон Маҳмуд мирзога.

Юнусхон 1485 йили Марказий ва Шарқий Мўғулистонни ўғли Султон Аҳмадхонга бериб, ўзи катта ўғли Султон Маҳмудхон билан Ғарбий Мўғулистонда қолади. "Бобурнома" да ёзилишича, Умаршайх мирзо Юнусхонга Сайрам вилоятини берган. Шоҳрухия сулҳидан (1485) сўнг , Тошкент вилояти Юнусхонга берилди ва у ўғли Султон Маҳмудхон билан Тошкентда қолди, 1487 йили шу ерда вафот этди.

Султон Маҳмудхон отаси Юнусхоннинг вафотидан сўнг Мўғулистонда хон бўлади. "Бу фурсатта мўғул улусининг хон ва султонлиғи Юнусхоннинг улуғ ўғли, менинг тағойим Султон Маҳмудхонда эди"(Б.36),- деб ёзади Бобур. У ҳокимиятга келгач, Кошғар, Турфон, Чалиш, Оқсу, Уч вилоятларини укаси Алачахон (Султон Аҳмадхон)га беради, Мўғулистонни эса ўз ҳукмида қолдиради. Султон Маҳмудхон Тошкентдан туриб мамлакатни бошқарган. Тошкент шаҳри ва вилояти 1487–1503 йиллар (Шайбонихон олгунга қадар) Мўғулистон таркибида бўлган ва давлат пойтахти саналган.

Шайбонихон Тошкент вилоятига юриш қилиб Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон ва унинг укаси Султон Аҳмадхоннинг бирлашган лашкарини тормор қилади, хонларни асир олади, сўнгра уларни озод қилади ва улар Мўғулистонга кетадилар. Маълум вақтдан сўнг Султон Махмудхон қайтиб келади, бироқ Шайбонихон шафқат қилмайди ва уни оиласи билан қатл эттиради (1508 й.).

Навандок (Навандак) – Чағониён вилоятининг шарқий чеккасида жойлашган қўрғон. Унинг қолдиқлари ҳозирда Сурхондарё вилояти Узун аҳоли пунктидан 3 км шимоли-шарқдаги Навандактепада қайд этилган. "Бобурнома"да 906/1500-1501 йил воқеалари баёнида тилга олинган. Унда Самарқандни Шайбонихон эгаллагач, Заҳириддин Бобур Кеш орқали Чағониён вилоятига ўтади ва Навандакда тўхтаб, сўнгра Ҳисор тизмасидан ошиб яна Самарқандга боради. "Навандок навоҳисига етганда, Хисравшоҳнинг навкари бир тўққуз от ва бир тўққуз парча келтурди... Камруд дарасиға кириб, юққори бока юрудук" (Б.78).

Навканд – ҳозирги Наманган вилояти ҳудудидаги қўрғон, Ахси яқинида. "Бобурнома"да 905/1499–1500 ва 908/1502–1503 йиллар воқеалари баёнида тилга олинган. Унда Заҳириддин Бобурнинг Фарғона водийсида яккаҳокимлик учун Султон Аҳмад Танбалга қарши олиб борган жангу жадаллари бир қисми Наманган вилоятида кечгани ва Навкандни ҳам қамраб олгани ҳақида сўз боради.

Насаф – Қашқадарё вилояти ҳудудидаги қадимги шаҳар; қадимий номи Нахшаб бўлган, IX-XIII асрлардаги араб манбаларида шаҳар номи, асосан, Насаф шаклида қайд этилган. Мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган, харобалари Шуллуктепа номи билан маълум, Қарши шаҳридан тахминан 8 км шимоли-ғарбда (яна қ. *Қарши*).

Нағар – Кобул вилоятидан жанубда тоғ ва тоғ олди текислигида жойлашган, афғон қабилалари яшаган вилоят. Заҳириддин Бобур ушбу кабилаларни бўйсундириш учун Кобулдан бир неча марта юришлар қилган. Ҳиндистондан Ғазнига борадиган йўл Нағар орқали ўтган. "Бангаш ва Нағар тоғларидин ўтгач, ўқ Банну туп-туз ерда воқиъ бўлубтур. Шимоли Бангаш ва Нағарнинг тоғларидур... Афғон қабойилидин карониий, кивий, сур, исохайл, ниёзий бу вилоятни эгарлар (Б.119).

Нилоб гузари – Кобулдан Ҳиндистонга боришда Синд (ҳозирги Ҳинд) дарёсидан ўтадиган гузар. Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да Синд дарёсидан ўтадиган гузарлар – Нилоб, Динкут, Чупора ва Фармул гузарлари ҳақида батафсил маълумот берган (қ.*Синд дарёси*). Ҳиндистонга сафарлари чоғида кўпинча ушбу Нилоб гузари орқали ўтган. "Бобурнома"да 925/1518-1519 йил воқеалари баёнида, Бобурнинг Ҳиндистонга биринчи юриши тавсифида Нилоб гузаридан ўтгани ҳақида шундай ёзилган: "Тонгласи, панжшанба куни, [сафар] ойнинг ўн олтисида (1519 йил 17 февраль) от ва тева била ва партол била кечиттин кечилди. Ўрду бозори ва яёқ ва эшакни жолабонлар кечурдилар. Ушбу кун гузар бошида эканда нилобийлар келиб, тўққуз от ва уч юз шоҳрухий пешкаш қилиб кўрдилар" (Б.165). Бобур 932 (1525) йили Ҳиндистонга ҳал

қилувчи сафари чоғида ҳам Нилоб гузаридан ўтган. "Мен аксар Ҳиндустон черикларигаким келдим, гузарлар била ўттим. Бу навбатким, келиб, Султон Иброҳимни босиб олиб, Ҳиндустонни фатҳ қилдим, Нилоб гузаридин кема билан ўттим. Ушмундин ўзга Синд суйидин ҳеч ердин кемасиз ўтса бўлмас" (Б.109). "Нилоб гузарида кемаларнинг устига таъйин қилилдиким, жамиъ черик элини ном-баном битиб, сонларин олғайлар" (Б.185).

Нингнаҳор – Кобул вилояти таркибидаги Ламғон кичик вилоятига қарашли туман. " Ламғоннинг беш туманидин бир тумани Нингнаҳордур..." (Б.110). "Ламғон туманларидин улуғроғи Нингнаҳор, баъзи тарихларда Нагарҳор битубдурлар. Доруғанишин ери Одинапурдур. Кобулдин шарқ сари ўн уч йиғоч йўлдур. Нингнаҳор била Кобул ораси асру қаттиқ ёмон йўлдур. Уч-тўрт ерда кичикрак-кичикрак кўталлари, икки-уч ерда тангилари бор" (Б.109). Бобур мазкур йўлни афғон қароқчиларидан тозалаб, обод қилган. "Бу йўлни урарлар эрди. Бу орада маъмура йўқ эрди. Қўруқсойнинг оёғи Қоратуни мен маъмура қилдурдум. Бу жиҳаттин йўл эмин бўлди" (Б.109).

Нингнаҳор Кобул вилоятидаги сув тармоқлари кўп, деҳқончилик ва боғдорчилик яхши ривожланган энг обод туман саналган ва Бобур кўп марта ушбу томонларга саёҳат қилган, унинг табиатини завқ билан тасвирлайди. "Нингнаҳорға етгач, ўзга оламе назарға келди: гиёҳлар ўзгача ва йиғочлар ўзгача ва вуҳуш ўзгача ва туюр ўзгача, эл ва улусининг роҳ ва расми ўзгача; ҳайрате бўлди, филвоқиъ жойи ҳайраттур" (Б.117). "Нингнаҳор тўққуз рудтур. Шолиси ва буғдойи яхши бўлур ва норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур, яхши бўлур"(Б.109). Бобур ўзи ҳам бу туманда анчагина ободончилик ишларини амалга оширган (қ. *Боғи Вафо*).

Бобур Кобулни эгаллаган дастлабки пайтларда Нингнаҳор туманини бошқаришни Носир мирзога, кейинроқ Абдураззоқ мирзога, сўнгра Султон Санжар барлосга, сўнгра Қиём Ўрдушоҳга топширган.

Нургил тумани – Кобул вилоятининг шарқидаги чегара туман. "Бобурнома"да унинг номи "Кунар ва Нургил" қўшма шаклда ҳам ёзилган. Сабаби, туман ҳудудидан оқиб ўтган Чағонсарой дарёси унинг ҳудудини маъмурий жиҳатдан икки қисмга ажратган. " Кофиристоннинг ичида вилоят сарҳадидур. Улуғлиғи Ламғон туманларича бордур...Чағонсарой суйи шарқ-шимолий тарафидин кофиристоннинг ичи била келиб... шарққа боқа оқар. Нургил бу сувнинг ғарб тарафидур, Кунар шарқ тарафи. Норунж ва турунж ва гурунжи бисёр бўлур" (Б.110 -111). Нургил тумани Сайид Али Ҳамадоний вафот этган жой сифатида қайд этилган. "Кунардин бир шаръий юқорроқ нақл қилибтурлар. Муридлари мундин Хатлонға элтибтурлар. Нақл қилғон ерлари ҳоло мазоре бўлубтур. Тарих санайи 925 (1519) даким, Чағонсаройниким, келиб олдим, тавоф қилиб эрдим"(Б.111).

Нўшоб – Андижон вилоятининг Работак ўрчини (тумани), Қорадарё билан Норин дарёси оралиғидаги кент. Заҳириддин Бобур 905 (1499-1500) йили Жаҳонгир ва Тамбалга қарши урушлар қилганида чериги билан қишловни мазкур тумандаги Армиён ва Нўшоб кентларида ўтказган (яна қ. *Армиён*).

Шайбонихон Тошкент вилоятига юриш қилиб Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон ва унинг укаси Султон Аҳмадхоннинг бирлашган лашкарини тормор қилади, хонларни асир олади, сўнгра уларни озод қилади ва улар Мўғулистонга кетадилар. Маълум вақтдан сўнг Султон Махмудхон қайтиб келади, бироқ Шайбонихон шафқат қилмайди ва уни оиласи билан қатл эттиради (1508 й.).

Навандок (Навандак) – Чағониён вилоятининг шарқий чеккасида жойлашган қўрғон. Унинг қолдиқлари ҳозирда Сурхондарё вилояти Узун аҳоли пунктидан 3 км шимоли-шарқдаги Навандактепада қайд этилган. "Бобурнома"да 906/1500-1501 йил воқеалари баёнида тилга олинган. Унда Самарқандни Шайбонихон эгаллагач, Заҳириддин Бобур Кеш орқали Чағониён вилоятига ўтади ва Навандакда тўхтаб, сўнгра Ҳисор тизмасидан ошиб яна Самарқандга боради. "Навандок навоҳисига етганда, Хисравшоҳнинг навкари бир тўққуз от ва бир тўққуз парча келтурди... Камруд дарасига кириб, юққори боқа юрудук" (Б.78).

Навканд – ҳозирги Наманган вилояти ҳудудидаги қўрғон, Ахси яқинида. "Бобурнома"да 905/1499–1500 ва 908/1502–1503 йиллар воқеалари баёнида тилга олинган. Унда Заҳириддин Бобурнинг Фарғона водийсида яккаҳокимлик учун Султон Аҳмад Танбалга қарши олиб борган жангу жадаллари бир қисми Наманган вилоятида кечгани ва Навкандни ҳам қамраб олгани ҳақида сўз боради.

Насаф – Қашқадарё вилояти ҳудудидаги қадимги шаҳар; қадимий номи Нахшаб бўлган, IX-XIII асрлардаги араб манбаларида шаҳар номи, асосан, Насаф шаклида қайд этилган. Мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган, харобалари Шуллуктепа номи билан маълум, Қарши шаҳридан тахминан 8 км шимоли-ғарбда (яна қ. *Қарши*).

Нағар – Кобул вилоятидан жанубда тоғ ва тоғ олди текислигида жойлашган, афғон қабилалари яшаган вилоят. Заҳириддин Бобур ушбу қабилаларни бўйсундириш учун Кобулдан бир неча марта юришлар қилган. Ҳиндистондан Ғазнига борадиган йўл Нағар орқали ўтган. "Бангаш ва Нағар тоғларидин ўтгач, ўқ Банну туп-туз ерда воқиъ бўлубтур. Шимоли Бангаш ва Нағарнинг тоғларидур... Афғон қабойилидин кароний, кивий, сур, исохайл, ниёзий бу вилоятни эгарлар (Б.119).

Нилоб гузари – Кобулдан Ҳиндистонга боришда Синд (ҳозирги Ҳинд) дарёсидан ўтадиган гузар. Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да Синд дарёсидан ўтадиган гузарлар – Нилоб, Динкут, Чупора ва Фармул гузарлари ҳақида батафсил маълумот берган (қ.*Синд дарёси*). Ҳиндистонга сафарлари чоғида кўпинча ушбу Нилоб гузари орқали ўтган. "Бобурнома"да 925/1518-1519 йил воқеалари баёнида, Бобурнинг Ҳиндистонга биринчи юриши тавсифида Нилоб гузаридан ўтгани ҳақида шундай ёзилган: "Тонгласи, панжшанба куни, [сафар] ойнинг ўн олтисида (1519 йил 17 февраль) от ва тева била ва партол била кечиттин кечилди. Ўрду бозори ва яёқ ва эшакни жолабонлар кечурдилар. Ушбу кун гузар бошида эканда нилобийлар келиб, тўққуз от ва уч юз шоҳрухий пешкаш қилиб кўрдилар" (Б.165). Бобур 932 (1525) йили Ҳиндистонга ҳал

Обихон – Андижон вилоятининг Работи Сарҳанг ўрчини (тумани) таркибидаги кент, Андижондан шаҳридан Ўш шаҳрига боришдаги йўлда жойлашган. Заҳириддин Бобурнинг 905 (1499-1500) йили Танбалга қарши урушлари воқеалари баёнида эслатилган.

Олайлуқ ўрчини – Андижон вилоятидаги ўрчин (туман). "Бобурнома"да 908/1502 – 1503 йил воқеалари баёнида, Заҳириддин Бобурнинг Танбалга қарши жанглари тавсифида тилга олинган. Бобур Кубо (Кува)дан ўтиб, Олайлуқ ўрчини орқали Ўшга бостириб боради ва шаҳарни эгаллайди.

Олғу тоғи – Толиқон яқинидаги тоғ. "Бобурнома"да 899/1494 йил воқеалари баёнида Бадиуззамон мирзонинг отаси Султон Ҳусайн мирзо топшириғи билан Қундуз томонга Хисравшоҳ устига юриши, Олғу тоғига келиб тўхтагани, Ҳирот аскарларининг мағлубияти, икки ўртада сулҳ тузилгани воқеалари баён қилинган.

Оқор тузи – Зомин кенти яқинидаги текислик. Ҳозирги Мирзачўлнинг жануби чеккасига тўғри келади. "Бобурнома"да Султон Абусаиднинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад мирзо Оқор тузи(текислиги)да Неъмат арғун билан жанг қилиб ғолиб чиққани айтилган.

Оққўтал – Жиззахдан Самарқандга борадиган йўлдаги довон, тахминан ҳозирги Оқтош қишлоғидан ғарбда жойлашган тоғларга тўғри келади. "Бобурнома"да 905/1499 – 1500 йил воқеалари баёнида эслатилган. Унда ёзилишича, Тошкентдан Султон Маҳмудхон Самарқандни олиш учун лашкар тортиб келади. Оққўталдан ўтиб Работи Суғд ва Канбойга етганида, Самарқанд ҳукмдори Бойсунқур мирзо лашкар билан қарши чиқади. Юз берган қаттиқ жангда Бойсунқур мирзо ғолиб чиқади. "[Бойсунқур мирзо] Канбойда урушуб яхши бости. Уч-тўрт минг мўғулнинг бўйниға урдурди" (в.69а).

Оҳангарон – шу номдаги дарё водийси, Тошкент вилоятининг жанубий қисмида. "Бобурнома"да "Оҳангарон жулгаси" деб тилга олинган ва 903 (1497 – 1498) – 908 (1502 – 1503) йиллар воқеалари баёнида Заҳириддин Бобур вазият тақозоси билан мазкур водийда бир неча марта бўлгани қайд этилган. "Хон (Султон Маҳмудхон) ҳам [Тошканддан] черик тортиб, Оҳангарон жулгаси била келиб, Кандирлик добонининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддан бориб, хон додамни кўрдим" (Б.64), – деб ёзилган 903/1497 – 1498 йил воқеалари баёнида.

Панипат (Понипат) – Ҳиндистондаги шаҳар ва унинг атрофидаги текислик, Деҳлидан тахминан 100 км шимолда жойлашган. "Понипат шаҳредур, маҳаллот ва уйлари қалин (кўп), ҳар тараф маҳаллот ва уйлар бўлур" (Б.192).

Панипат яланглигида бир нечта муҳим жанглар бўлгани тарихдан маълум. Улардан дастлабкиси 1398 йил декабрида, соҳибқирон Амир Темур билан Деҳли султони Султон Маҳмудхон лашкарлари ўртасида бўлиб ўтган ва у Амир Темурнинг тўла ғалабаси билан якун топган.

932 йил 8-ражаб (1526 йил 20 апрелида) Панипатда Заҳириддин Бобур билан Султон Иброҳим лашкарлари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтган. "Ҳиммат рикобиға оёқ қўюб, таваккул иноніға илик уруб, Султон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Султон Баҳлул Лудий афғоннинг устигаким, ул

тарихда Дехли пойтахти ва Хиндустон мамолики анинг тахти тасарруфида, хозир черигини бир лак (юз минг) дерлар эди, ўзида ва бекларида мингта ёвук фил ченарлар эди, мутаважжих бўлдук", деб ёзган эди Бобур бу хакда (Б.190).

"Понипат келдук. Ўнг кўл шахр ва махаллот бўлди. Олимизда тартиб килган тўралар бўлди. Сўл кўлда ва баъзи ерларда хандак ва шох бўлди. Хар ўк отими ерда юз-юз эллик отлик чиккудек ерлар кўюлди... Буронгор, жувонгор ва гул ва тўлгама ганимнинг гирдо-гирдини олиб, шиба кўюб, бажид урушка машгул бўлдилар... Тенгри таоло фазл ва карами мундок душвор ишни бизга осон килди ва андок калин черикни ярим кунда андок ер била яксон килди" (Б.192-193). Ушбу галабадан сўнг Захириддин Бобур Дехли ва Аграни эгаллаб Хиндистонда Бобурийлар давлатига асос солди.

Пишоғар – XV асрда Самарқанд вилояти таркибидаги қўрғон. Дизак (Жиззах) билан Зомин оралиғида, Буюк Ипак йўлининг Фарғона водийсидан Самарқандга борадиган йўналишида жойлашган. Ҳозирги Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги Пишағар қишлоғи, Пишағарсойдан сув ичади.

"Бобурнома"да таъкидланишича, маъмурий-ҳудудий жиҳатдан ўша пайтда Ўратепа вилоятини бошқариб турган Муҳаммад Ҳусайн мирзо кўрагон дуғлат (тарихчи Мирза Ҳайдарнинг отаси)га қарашли бўлган. Заҳириддин Бобур 904 (1498–1499) йил воқеалари баёнида уни Хожа Аҳрор Валийнинг мулки деб ёзган ва қишлов учун шу ерда тўхтаганини айтган. "Ёряйлоқ кентларидин Пишоғарниким, Ҳазрати Хожанинг мулк кентларидиндур, бу фатаратга анга (Муҳаммад Ҳусайнга) тааллуқ бўлуб эди, тиладукким, бу қиш орияти бергай, то анда ўлтуруб Самарқанд вилоятиға иликдан келганча эврушгайбиз. Муҳаммад Ҳусайн мирзо ҳам рози бўлди" (Б.66). Бобур 907 (1501) йилнинг кузида Самарқандни тарк этиб Ўратепа томонга йўл олганида ҳам Пишоғарда бир муддат тўхтаб ўтгани маълум.

Пешгром дараси – Кобул вилоятининг шарқий қисмида жойлашган дара. Заҳириддин Бобур 925 йил, муҳаррам (1519 йил, январ)да Бажур қўрғони ва ўша атрофларда бош кўтарган афғон қабилаларини бўйсундириш учун юриш қилганида, унинг йўли мазкур дара орқали ўтган. "Бобурнома"да ушбу жойнинг ўзига хос табиати ҳақида айтиб ўтилган. "Каҳрож дарасининг ва Пешгром дарасининг оғизиға ёвуқ Панжкуранинг олиға тушулди. Ушбу юртта эканда кор ўшуқтин ёғди. Бу орада аҳёнан кор ёғар экандур, эл таажжуб қилдилар" (Б.163).

Пичғон – Кобул вилоятининг шимоли-шарқ қисмида жойлашган Аласой булукидаги кент. Мазкур жойлар маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Нижров туманига қарашли тоғли ҳудуд саналган. Заҳириддин Бобур Нижров туманидаги бўйсунишдан бош тортган афғон қабилалари устига қўшин жўнатгани ва ўзи ҳам юриш қилгани маълум."Нижров дараларидин Пичғон дараси алалхусус бу дарада Ғайн кентининг улуғи Ҳусайн Ғайний оға-иниси била саркашлик ва новаҳмлик била машҳур ва маъруф эдилар, черикни Жаҳонгир мирзоға бошлатиб йиборилди. Қосимбек ҳам борди. Черик бориб Саркўбга чиқиб сингирлаған ерни зўрлаб олиб, бир порасини сиёсатқа еткурдилар" (Б.127).

XV аср ўрталаридан бошлаб Мўғулистонга қалмоқ (ўйрот)лар кириб кела бошлайди ва уларнинг Шарқий Мўғулистонга таъсири анча кучли бўлган. Бу даврда хонлик тахти Эсон-Буғохон авлодлари қўлида бўлган: Дўстмуҳаммад Эсон-Буғохон ўғли (1461–1468; Марказий ва Шарқий Мўғулистон, Турфон вилояти); Юнусхон Вайсхон ўғли (1458–1469; Ғарбий Мўғулистон); Кебек-Султон Дўстмуҳаммад ўғли (1468–1473; Турфон вилояти); Ғарбий Мўғулистон, жумладан Иссиққўл атрофлари, Юнусхон (1458–1469) ҳукмида бўлган. Темурий ҳукмдор Султон Абусаид мирзо томонидан Мўғулистонга хон қилиб юборилган Юнусхон, шуҳрати тобора ортиб бориб, Мўғулистоннинг катта қисмини, жумладан пойтахт Оқсу шаҳрини ҳам қўлга киритди. Кейинчалик унинг ўғиллари давлатни бошқарди: Султон Маҳмуд Юнусхон ўғли (1487–1508; Ғарбий Мўғулистон); Султон Аҳмад (Алачахон) Юнусхон ўғли (1485–1504, Марказий ва Шарқий Мўғулистон).

"Бобурнома"да Мўғулистон ҳақида ёзилганлар XУ аср 2-ярмига тегишли. Заҳириддин Бобур Кобул яйловларини Мўғулистон яйловларига ўхшатади, иккала ўлкадаги қулонлар ҳақида қиёсий фикр айтади. Аксари ёзилганлар сиёсий-маъмурий воқеаларга дахлдор. Жумладан, Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг Мўғулистон хони Эсан Буғахон Мовароуннаҳрга бостириб киргани, Кандибодомгача жойларни талагани, Андижонни олиб, элини қул қилгани ва кейинроқ, Султон Абусаид мирзо юриш қилиб Ашпарада Эсан Буғахон лашкарини тор-мор қилгани ҳақидаги маълумотлар.

"Бобурнома"да яна Темурийларнинг Мўғулистон хонлари билан қариндошлашуви ҳақида ҳам ёзилган. Султон Абусаид Мўғулистонда Юнусхонни хон қилиб кўтаргандан сўнг, у Темурийлар хонадони билан қариндошлик ришталарини мустаҳкамлади ва учта қизини Султон Абусаиднинг учта ўғлига берди: катта қизи Меҳр Нигор хонимни - Султон Аҳмад мирзога, ундан кичикроқ қизи Қутлуғ Нигор хонимни - Умаршайх мирзога (бу никоҳдан Заҳириддин Бобур туғилди), Султон Нигор хонимни - Султон Маҳмуд мирзога.

Юнусхон 1485 йили Марказий ва Шарқий Мўғулистонни ўғли Султон Аҳмадхонга бериб, ўзи катта ўғли Султон Маҳмудхон билан Ғарбий Мўғулистонда қолади. "Бобурнома" да ёзилишича, Умаршайх мирзо Юнусхонга Сайрам вилоятини берган. Шоҳрухия сулҳидан (1485) сўнг , Тошкент вилояти Юнусхонга берилди ва у ўғли Султон Маҳмудхон билан Тошкентда қолди, 1487 йили шу ерда вафот этди.

Султон Маҳмудхон отаси Юнусхоннинг вафотидан сўнг Мўғулистонда хон бўлади. "Бу фурсатта мўғул улусининг хон ва султонлиғи Юнусхоннинг улуғ ўғли, менинг тағойим Султон Маҳмудхонда эди"(Б.36),- деб ёзади Бобур. У ҳокимиятга келгач, Кошғар, Турфон, Чалиш, Оқсу, Уч вилоятларини укаси Алачахон (Султон Аҳмадхон)га беради, Мўғулистонни эса ўз ҳукмида қолдиради. Султон Маҳмудхон Тошкентдан туриб мамлакатни бошқарган. Тошкент шаҳри ва вилояти 1487–1503 йиллар (Шайбонихон олгунга қадар) Мўғулистон таркибида бўлган ва давлат пойтахти саналган.

пайдо бўлуб эди. Бу юртта бир румий Румда эмди пайдо бўлгон муолажани қилди. Мурчни сафол қазонда қайнатти, жароҳатни анинг иссиқ бухориға туттум. Бухори камроқ бўла иссиқ суви била юдум, икки соати нужумийғача даранг бўлди (оғриқ секинлашди)" (Б.252).

Сабзавор (Себзор) – XV асрда вилоят ва шаҳар. Ҳозир шу номдаги шаҳар, маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Эроннинг Хуросон остони (вилояти) таркибида, вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган. "Бобурнома"да 911/1505-1506 йил воқеалари баёнида эслатилган. Унда Султон Ҳусайн мирзо билан ўғиллари, айниқса Бадиуззамон ўртасида юзага келган низолар Сабзаворни ҳам қамраб олгани айтилган..

Савод – Кобул вилоятига шарқдан чегарадош вилоят. "Бобурнома"да ушбу вилоят ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё Савод суйи ва ундаги тоғлар *Савод тоғлари* деб аталган. Савод вилояти афғон қабилалари яшаган жойлар саналган. "... бурун Кобул тавобиидин экандур, бу тарихда афғон қавми жиҳатидин баъзи бузулуб, баъзиси афғонға кирибтур. Вилоятлиғи қолмабтур" (Б.109). Заҳириддин Бобур 925 йил, муҳаррам (1519 йил, январ)да Бажур қўрғони ва ўша атрофларда бош кўтарган Савод афғонларидан Юсуф Зайи афғоний устига черик тортади. Анчагина жанглардан сўнг афғонлар таслим бўлади ва икки ўртада сулҳ тузилади. Унга кўра вилоятнинг бир қисмига мухторият ҳуқуқи берилади. "Андоқ муқаррар бўлдуким, Абуҳадин юққори Савод вилоятиға дахл қилмағайлар ва жамиъ раиятларни ичларидин чиқарғайлар, яна Бажавр ва Саводта экан афғонлар олти минг харвор ошлиғ девонға тушургайлар" (Б.109). Бобур мазкур ҳудудларда тинчлик ўрнатиш мақсадида, Савод афғонлари билан қуда-анда бўлган. "Юсуф Зайи афғонидин Малик Шоҳ Мансур келиб эди. Давлатхоҳлиқ мақомида эди. Юсуф Зайи улусининг маслаҳатиға анинг қизини тилалиб эди. Бу юртда хабар келдиким, Шоҳ Мансурнинг қизи била Юсуф Зайининг моли келадур" (Б.164).

"Бобурнома"да Савод вилоятининг наботот ва ҳайвонот олами ҳақида муҳим маълумотлар ёзилган ва мазкур жойнинг табиати бошқа жойлар билан қиёсланган. "Норанж Ламғонотта ва Бажур ва Саводта кўп бўлур ва ҳўб бўлур... Бажур норанжларининг улуғлиғи биҳича бўлур, суви кўптур ва ўзга норанжларнинг сувидин туршроқтур. Хожа Калон дедиким, Бажурда ушбу жинс норанжнинг бир дарахтидин олиб санадук, етти минг норанж чиқти. Менинг хотиримға доим кечар эдиким, "норанж" лафзи муарраб монанддур, ўшандоқ-ўқ экандур. Бажур ва Савод эли норанжни тамом норанг дейдурлар"(Б.206).

Савод тоғлари – Савод вилоятидаги тоғлар. Заҳириддин Бобур унинг яйловларини Мўғулистон, Фарғона ва Самарқанд яйловлари билан ҳамда ҳайвонот оламини Ҳиндистон ҳайвонот дунёси билан қиёслайди ва фарқини ёзади. Бу ердаги тоғларда ўт-ўланлар нисбатан баланд ўссада, бироқ чорва моллари уларни яхши емаслигини айтган. "Савод тоғлари қалин ножу ва чилғўза ва балут ва зайтун ва ханжаклиқ тоғлардур. Ўти...қалин бўлур ва баланд бўлур, вале бефойда ўттур. От била қўйга созвор эмастур... Пуштаси ва тоғи йирик тошлиқ пушта ва тоғдур, ҳар еридин от била юруб бўлмас. Бу

тоғларда Ҳиндустон қушлари, Ҳиндустон жониворлари бисёрдур, мисли тўти ва шорак ва товус ва лўча ва маймун ва нилагов ва кўтаҳпой, балки бу мазкур бўлғон жониворлардин дағи ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлурким, Ҳиндустонда дағи андоқ жониворларни эшитилмайдур" (Б.115).

Савосанг – Қандаҳор вилоятидаги кент. Заҳириддин Бобур 911/1505-1506 йили Қандаҳор томонга қисқа муддатли юриши чоғида қўшинини жа нубий ҳудудлардаги, жумладан, Қалот қўрғони, Савосанг ва Олатоғ кентларидаги афғонлар устига чопқин ясагани жўнатган.

Сайром –қадимий шаҳар ва вилоят. Ҳозир ҳам шу номда, маъмурий жиҳатдан Қозоғистоннинг Чимкент областига қарашли. Чимкент шаҳридан 12 км шарқда. Қадимги номи Испижоб бўлган. Сайром кичик вилоятининг маркази саналган. Амир Темур 1404 йил кузида Конигилдаги катта тўйда Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудларни, жумладан, Сайромни ҳам Мирзо Улуғбекка суюрғол қилиб махсус ярлиғ имзолаган. XV асрда Сайром маъмурий жиҳатдан Темурийлар давлати таркибида эди; XV аср биринчи ярмида Мирзо Улуғбек, иккинчи ярмида Султон Абусаид мирзо, сўнгра унинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад мирзонинг мулки доирасига кирган. Кейинчалик Султон Аҳмад мирзо Сайромни Умаршайх мирзога беради. Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да 899/1494 йил воқеалари баёнида бу ҳақда: [Султон Аҳмад мирзо] Тошканд ва Шоҳрухия ва Сайромни олиб эди, неча маҳал тасарруфида эди. Сўнгра Тошканд била Сайромни иниси Умаршайх мирзоға бериб эди" (Б.44),-деб ёзган. XV аср охирги чорагида Сайром Мўғулситон хони Султон Маҳмудхон ҳукмида бўлган.

Сайҳун –Темурийлар даврида кўпроқ "Хўжанд дарёси" (Оби Хўжанд) номи билан машҳур бўлган, бироқ ўша давр тарихий манбаларида анъанавий номи "Сайҳун" ҳам баравар ёзилаверган. Дарёнинг Фарғона водийсида Ахсикат шаҳри ёнидан оқиб ўтган қисми "Ахсикат дарёси" (Оби Ахсикат) деб аталган. "Бобурнома"да Сайҳун ХУ асрда "Хўжанд дарёси" деб аталгани ("Сайҳун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир" – Б.34), қиш фаслида қалин музлаши ва Бобур, кейинроқ Шайбонихон қўшинлари билан дарёдан муз устидан Шоҳрухия томонга ўтганлари қайд этилган; Сайҳуннинг ирмоқларидан иккитасининг номи - *Ахси суйи* (ҳозирги Косонсой) ва *Чир суйи* (ҳозирги Чирчиқ дарёси) ҳам эслатилган. Заҳириддин Бобур Фарғона водийсидаги ҳарбий ҳаракатларида бир неча марта Хўжанд дарёсидан кечиб ёки соллар воситасида ўтгани маълум.

Самарқанд – шаҳар, XV аср иккинчи ярмида Темурийлар давлати Мовароуннаҳр қисмининг пойтахти. "Бобурнома"да ёзилганига кўра, Бухоро, Қоракўл, Кеш, Қарши, Хузор вилоятлари ва Шовдор тумани учун маъмурий жиҳатдан Самарқанд шаҳри марказ саналган.

"Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур... Мўғул ва турк улуси Семирканд (Семизканд) дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилғон эмастур. Қўрғонини, фасилнинг устидин буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди "(тахм. 7,5 км). (Б.58-59).

"Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг имороти ва боғоти Самарқанд маҳаллотида кўптур. Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлиқ, Кўксаройға мавсум... Оҳанин дарвозасиға ёвуқ қалъанинг ичида бир масжиди жумъа солибтур... Масжиднинг пештоқи китобасида бу оят "Ва из ярфау Иброҳимал-қавоида [ило охириҳи]"ни андоғ улуғ хат била битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур" (Б.59).

Самарқанд шаҳри девори ташқарисида Муҳаммад Султон бир мадраса қурдирган (Б.59).

Улуғбек мирзонинг иморатлари: Самарқанд қалъасининг ичида – мадраса ва хонақоҳ, унинг ёнида ҳаммом. "Мирзо ҳаммомиға машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросон ва Самарқандта онча ҳаммом маълум эмас... Мадрасанинг жанубида – бир масжид қурилган, Масжиди Муқаттаъ деб аталади. "Бу жиҳатдин Муқаттаъ дерларким, қитъа- қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсунлуқтур. Бу масжиднинг қибласи била мадраса қибласининг орасида бисёр тафовуттур. Ғолибо бу масжид қибласининг самти мунажжим тариқи била амал қилибтурлар" (Б.59-60).

"Бобурнома"да Улуғбек обсерваторияси ҳақида анча батафсил ёзилган ва у ерда илмий мажмуа – фанлар академияси ташкил этилгани маълум бўлади. "Яна бир олий иморати Пуштаи Кўҳак доманасида расаддурким, зиж битмакнинг олатидур. Уч ошёнликдур.Улуғбек мирзо бу расад била "Зижи курагоний"ни битибтурким, оламда ҳоло бу зиж мустаъмалдур. Ўзга зиж била кам амал қилурлар....

Яна Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар, ду ошёна,сутунлари тамом тошдин... Бу имораттин Пуштаи Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир айвон иморат қилибтур, айвоннинг ичида бир улуғ тош тахт қўюбтур... Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинихона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур" (Б.60).

Боғлари. Амир Темур Самарқанд шаҳри атрофларида бир қанча ҳашаматли боғлар қурдиргани ўша давр манбаларида қайд этилган. Бу ҳақда "Бобурнома"ги маълумотлар аниқлиги билан ажралиб туради: Смарқанднинг шарқида – яқинроқдагиси Боғи Дилкушо, узоқроқдагиси Боғи Бўлду, Боғи Дилкушодан Феруза дарвозасигача хиёбон қилинган ва икки томонига қатор тераклар экилган. " Дилкушода [Темурбек] улуғ кўшк солдурубтур, ул кўшкта Темурбекнинг Ҳиндустон урушини тасвир қилибтурлар" (Б.59). Пуштаи Кўҳакнинг этагида – Нақши Жаҳон боғи. "Мен кўрган маҳалда бу боғ бузулуб эрди" (Б.59); Самарқанднинг жанубида – Боғи Чинор, қалъага яқин; Самарқанднинг (шимоли) ва ғарбида – Боғи Шимол ва Боғи Биҳишт. (Б.59). Султон Аҳмад мирзонинг (855/1451 –899/1494) замонида ҳам бек ва бекот (зодагонлар) қалин боғ ва боғча солдилар" (Б.60).

"Бобурнома"да Самарқанд шаҳрида яхши қоғоз ишлаб чиқарилиши, нонлари ва овқатлари мақтовга арзигулик эканлиги ҳам таъкидланган.

Аҳолиси. "Эли тамом сунний ва покмазҳаб элдур" (Б.59).

Тарихи. Улуғбек ўлдирилгандан сўнг Самарқанд тахти Абдуллатифга ўтади ва у олти ой ҳукмронлик қилади, 26 раби ал-аввал (9 май 1450) да ўлдирилади, сўнгра Улуғбекнинг куёви Иброҳим Султоннинг ўғли мирзо Султон Абдуллоҳ (1433 – 1451 йиллар) қисқа муддат ҳокимиятни бошқаради. Лекин у тез орада Абусаиддан мағлубиятга учраб ҳалок бўлади (1451 йил 22 июнь).

Мазкур воқеалар ҳақида "Бобурнома"да жумладан, шундай ёзилган: "Шоҳрух мирзо жамиъ Мовароуннаҳр вилоятини улуғ ўғли Улуғбек мирзоға бериб эди. Улуғбек мирзодин ўғли Абдуллатиф мирзо олди. Бу беш кунлук ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди..

Абдуллатиф мирзодин сўнгра Шоҳрух мирзонинг набираси Иброҳим Султон мирзонинг ўғли Абдулло мирзоким, Улуғбек мирзонинг куёви эди, тахтқа ўлтурди. Бир ярим йил икки йилга ёвуқға подшоҳлиқ қилди. Андин сўнгра Султон Абусаид мирзо олди, ўз ҳаётида улуғ ўғли Султон Аҳмад мирзоға бериб эди. Султон Абусаид мирзодин сўнг Султон Аҳмад мирзо подшоҳлиқ қилди.

Султон Аҳмад мирзонинг фавтидин сўнг Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтиға ўлтурди. Султон Маҳмуд мирзодин сўнг Бойсунғур мирзони подшоҳ қилдилар. Тархоннинг ғавғосида Бойсунғур мирзони тутуб, иниси Султон Али мирзони бир-икки кун ўлтурғиздилар. Яна Бойсунғур мирзо-ўқ олди... Бойсунғур мирзодин мен олдим" (Б.61- 62).

Заҳириддин Бобур темурийлар салтанатини эгаллаш мақсадида 1496 – 1498 йилларда икки марта Самарқандга муваффақиятсиз юриш қилади. Аниқроғи, етти ойлик қамалдан сўнг, 903 йил раби ул - аввал ойининг охири (1497 йил, ноябр) да Самарқандни эгаллайди. Бироқ у Самарқандни юз кун идора этди холос. Узун Ҳасан ва Танбал ўзларига Жаҳонгир мирзони қўшиб олиб Андижонни қамал қиладилар ва Бобур 1498 йил март ойида Самарқандни тарк этишга мажбур бўлади.

Айни пайтда 1500 йили Бухоро, Қоракўл ва Самарқанд Шайбонихон ихтиёрига ўтади. Бобур 240 киши билан Самарқандга юриш қилиб, халқ хайрихоҳлиги билан шаҳарни эгаллайди, атроф вилоятлар (Қарши, Ғузор, Қоракўл) ҳам Бобур ҳукмига ўтади.

Бобур 1501 йили Шайбонихон билан жангда енгилади, тўрт ой Самарқандда қамалда қолади ва ноилож ўша йилнинг кузида шаҳарни тарк этади.

Заҳириддин Бобурнинг Самарқандда охирги ҳукмронлиги Кобулдан Мовароуннаҳрга юриши билан боғлиқ. Бунда у Эрон ҳукмдори шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб, унинг ёрдамида 1511 йил баҳорида Ҳисорни, ёзида Бухорони, октябрь бошида Самарқандни эгаллайди. "Тарих тўққуз юз ўн еттидаким (1511йил) Самарқандни олдим",- деб ёзади Бобур (Б. 135). Мирза Ҳайдар бу санани аниқроқ берган: 917 йил, ражаб (1511 йил, сентябрь), 8 ой ҳукмронлик қилган. Бироқ 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ Шайбонилардан енгилади ва Ҳисор томон

чекинади. Ўша йилнинг кузида Ғузор ва Қаршини қайта эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади.

Демак Бобур 1497-1512 йиллар оралиғида уч марта пойтахт Самарқандни эгаллашга эришган.

Самарқанд вилояти – "Бобурнома"да 901 (1495-1496) – 907 (1501-1502) йиллар воқеалари баёнида тавсифланган. Вилоятнинг Самарқандга яқин қисмларида бир нечта ўланглар – майсазор текисликлар санаб ўтилган: Конигил ўланги – шарқ томонда; Хон юрти – Самарқанднинг шарқидаги ўланг, Конигилнинг юқори қисми; Бўдана қўруғи – Дилкушо боғи билан Самарқанд орасида жойлашган ўланг; Кўли Мағок ўланги – Самарқанддан икки фарсах шимоли-ғарбда. "Бир ёнида бир улуғ кўл воқиъ бўлубтур, бу жиҳаттин Кўли Мағок ўланги дерлар" (Б.61); Қулба ўланги – шимолда Қулба кенти (қишлоғи) ва Кўҳак дарёси, жанубда Боғи Майдон ва Дарвеш Муҳаммаднинг чорбоғи, шарқда Пуштан Кўҳак билан чегараланади.

Иқлими. "Қиши маҳкам совуқтур, қори агарчи Кобул қорича тушмас, Ёзлар яхши ҳавоси бор, агарчи Кобулча йўқтур" (Б.59)

Боғдорчилик."Узуми ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамиъ меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқандтин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд" (Б.59).

Самту – Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган кент, унинг ўрни ҳозирги Бағлон вилоятидаги Пули Хумри атрофларига тўғри келади. Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрдан Кобулга дастлабки сафари чоғида 909(1503) йил ёзида Шамтуда тўхтаб ўтган. "Биз Самту йўли била Қизилсув (маҳаллий номи Сурхоб) сари инган маҳалда уч-тўрт минг уйлукниким, Хисравшоҳға тааллуқ ва Ҳисор, Қундузда бўлур мўғул улуси кўчлари била келиб қўшулдилар" (Б.104).

Санг суйи – Ахси яқинидаги сой ва кент. "Бобурнома"да 908/1502-1503 йил воқеалари баёнида эслатилган. Бобур ўша вақтда вақтда Султон Аҳмад Танбалга қарши муваффақиятсиз жанглар олиб борган, Ахсидан чиқиб Санг кентига келади. "Сангга еттунча аксар кишимизни тушурдилар. Санг Ахсидин икки шаръийдур. Сангдан ўтгач, кейинимизда ёғий киши кўрунмай, Санг суйи юққори-ўқ юрудук. Ушбу ҳолатга секкиз киши қолиб эдук" (Б.97).

Сапон (Сабон) – Марғилон яқинида, тахминан ундан 6-7 км шарқ томонда жойлаган кент. "Бобурнома"да Бобурнинг Танбалга қарши 904/1498-1499 йили олиб борган жанг-жадаллари воқеалари баёнида эслатилган. "Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал Жаҳонгир мирзони олиб, неким бўлғон сипоҳий ва мўғулни йиғиб, Андижон ва Ахсининг черикка чиқор кишисини черикка чиқариб, Марғинонни қабамоқ доияси била Марғиноннинг бир шаръисида шарқ сари Сапон отлиқ кентга келиб туштилар" (Б.68).

Сара тоқ добони (Сара тоқ йўли; Сара тоқ кўтали) – Ҳисор тизмасидаги баланд тоғ довони. "Бобурнома" да 906 (1500-1501) йил тарихий воқеалари баёнида Самарқандни Шайбонихон олгач, Бобур Кеш орқали Ҳисор томон чекингани, сўнгра Ҳисор тоғларидан Сара довони орқали ошиб ўтиб, катта

машаққатлар билан яна Самарқандга қайтгани ҳикоя қилинган. "Камруд дарасиға кириб, юққори боқа юрудук. Танги ва учма йўлларда тунд ва тез кўталларда қалин от ва тева қолди. Уч-тўрт ора қўнуб, Сар тоқ кўталиға еттук, кўтал ва не навъ кўтал, ҳаргиз мундоқ баланд ва танг кўтал кўрулган эмас, ҳеч вақт мундоқ танги ва учма йўллар била юрулган эмас" (Б.78).

Синд дарёси (санскритча Синдху) – ҳозирги Ҳинд дарёси. Кайлас тизмаси (Тибет тоғлиги) дан, 5300 метр баландликдан бошланади. Хитой, Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларидан оқиб ўтиб Ҳинд океанининг Арабистон денгизига қуйилади. Узунлиги 3180 км.

"Бобурнома"да Синд дарёси Бомиён тоғидан бошланади дейилган, яъни Кобул дарёси номи билан оқувчи ирмоғи назарда тутилган. Шу билан бирга, Ҳималай тизмасидан оқиб тушувчи асосий ирмоқлар ҳам санаб ўтилган: "Сирҳинддин шимол сари боқа олти дарёким, Синд ва Баҳат ва Чаноб ва Равий ва Бияҳ ва Сатлаж бўлғай, ушбу тоғдин чиқиб, Мўлтон навоҳисида борча бир ерда қотилур. Борча бир ерда қотилғонда ҳам Синд дерлар; ғарб сари оқиб Татта вилоятининг ичи била ўтуб, Уммон (океан)ға қотилур" (Б.197).

Ҳиндистондан Кобулга келишда Синд дарёсидан ўтиш учун учта гузар бўлиб, улардан Нилоб гузари нисбатан қулай саналган. "Бу навбатким, келиб, Султон Иброҳимни босиб олиб, Ҳиндустонни фатҳ қилдим, Нилоб гузаридин кема била ўттим. Ушмундин ўзга Синд суйидин ҳеч ердин кемасиз ўтса бўлмас. Динкут гузари била ўтганлар Бангаш била келурлар. Чупора гузари била ўтганлар, агар Фармул била келсалар, Ғазни келурлар ва агар Дашт била борсалар, Қандаҳор борурлар"(Б.109). Заҳириддин Бобур Синд дарёсини ўзига хос табиий чегара сифатида таърифлайди: "Синд сувини ўтғач, ер ва сув ва йиғоч (ўсимлик) ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тариқидадур" (Б.197).

Сири тоқ добони (Сири тоқ йўли; Сири тоқ кўтали)– *қ. Сара тоқ добони.*

Сирдарё – *қ. Сайҳун.*

Сойгил – Нингнаҳор туманидаги кент. "Бобурнома" да 913 (1507-1508) йил тарихий воқеалари баёнида келтирилишича, Шайбонихоннинг Қандаҳорни қамал қилгани хабари етгач, Бобур Ҳиндистон томонларга кетишни режалаштиради. Кобулдан чиқиб Нингнаҳорга етиб боради ва черикни озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида, ўша атрофдаги афғон қабилалари кентларига чопқин ясайди. Мазкур сафарда Сойгилдан ҳам ўтган. "Нингнаҳор жулгасидин отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтуб, Пуройин дарасиғача борилди, қалин шоли черик эли олдилар" (Б.160).

Сону-чаҳоряк (ҳозирги аталиши Сончорак) – Афғонистоннинг шимолий қисмидаги Жузжон вилоятидаги шаҳар, шу номдаги туман (вулисволи) маркази. Ёзма манбаларда қадимда Бомиён, X асрда ёзилган "Ҳудуд ул-олам" номли асарда Гузгон ва кейинги асрлар манбаларида Балх вилоятлари таркибида қайд этилган. Заҳириддин Бобур қўшинининг 912 (1506-1507) йили Шайбонилар билан тўқнашувлари бир қисми Сону-чаҳорякда юз берган. "Ўзбакнинг Сону-чаҳоряк чопғонини хабар топиб, Қосимбекни черик била

чопқунчининг устига йибордук. Бориб учратиб яхши босиб, қалин бош кесиб келтурдилар" (Б.180).

Султоннинг равзаси – Ғазнавийлар давлати ҳукмдори Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг қабри, Ғазни шаҳрида. Султон қабри жойлашган маҳалла ҳам "Равза" деб аталган. "Бобурнома" да 925 (1518-1519) йил тарихий воқеалари баёнида бу ҳақда муҳим тафсилот қайд этилган: "Султон Маҳмуднинг қабри Ғазнининг маҳаллотидадурким, султон қабри анда учун Равза дерлар, Ғазнининг яхши узуми Равзадиндур"(Б.113).

Сурхруд – Нингнаҳор туманининг маркази Одинапур қўрғони жанубидан оқиб ўтувчи дарё. Туман ҳудудидан оқувчи тўққизта дарёдан бири. Сувидан деҳқончиликда унумли фойдаланилган "Бобурнома" да 925 (1518-1519) йил воқеалари баёнида бу ҳақда: "Нингнаҳор тўққуз рудтур. Шолиси ва буғдойи яхши бўлур ва норунжи ва турунжи ва анори бисёр бўлур"(Б.109), деб таъкидлаб ўтилган.

Суғд (Суғд тумани) – Самарқанд вилоятидаги туман. Темурийлар даври тарихчиси ва географи Ҳофизи Абру унда боғ-роғлар кўплиги ва халқининг меҳмондўстлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Самарқанд Суғдида Бухородан Самарқандгача саккиз кунлик йўл, дарёнинг иккала томонида ҳаммаси боғ, экинзор, обод жойлар, мевалари бошқа жойларникига қараганда яхшироқ, деб ёзган. "Бобурнома" да ёзилган маълумотларга кўра, Суғд ҳудуди ғарбда Қоракўл вилоятигача етиб борган. XV аср охирги ўн йилида Самарқанд тахтини эгаллаш билан боғлиқ воқеалар қисман Суғд ҳудудини ҳам қамраб олганини кўрамиз. "Самарқанд фатҳидин сўнг Шовдор ва Суғд ва тумонот ёвуғи қўрғонлар бирар-бирар манга ружуъ қила бошладилар" (Б.81),- деб ёзган эди Бобур 906 (1500-1501) йил кечинмалари баёнида.

Суғд тумани – қ. *Суғд*.

Сўнаккўрғон – қ. *Сўнаккўрғон ўланғи*

Сўнаккўрғон ўланғи – Кобул шаҳри яқинидаги ўланғ. Заҳириддин Бобур "Бобурнома" да уни Кобул атрофидаги олтита ўлангдан бири сифатида таърифлаган. "Шарқи-шимолий тарафи Сўнаккўғон ўлангидур. Кобулдин ики куруҳ бўлғай, яхши ўлангдур. Ўти отқа созвордур, чибини кам бўлур" (Б.108).

Сўх – Фарғона водийсидаги тоғ олди булуки (тумани), Сўх дарёси бўйлаб жойлашган. Ҳозирги вақтда Фарғона вилоятидаги Сўх тумани. Мазкур туман ҳудудида Сўх номли қишлоқ ҳам бор. Сўх булуки Заҳириддин Бобурнинг Мовароуннаҳрни мажбуран тарк этиб Кобул томон йўл олиши арафасида кўним топган манзил саналади. "Муҳаммад Шайбонихон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йилға ёвуқ танқислиқ била ўткариб, Кобул азимати қилдим"(Б.35).

Табриз – Эрондаги қадимий шаҳарлардан бири; XIII-XIV асрларда Ҳулогуиларнинг асосий шаҳарларидан саналган. Ҳозир Шарқий Озарбайжон остони (вилояти)нинг маркази. "Бобурнома"да Юнусхон ёшлигида Мўғулистондаги ички низолар туфайли дастлаб Самарқандга, сўнгра Ҳиротга, у ердан Табризга, ундан Шерозга боргани айтилган. "Шерозда Шоҳрух

мирзонинг иккинчи ўғли Иброҳим Султон мирзо [ҳоким] эди. Беш-олти ойдин сўнг Иброҳим Султон мирзо ўлуб, ўғли Абдулло мирзо анинг ерида ўлтурди. Абдулло мирзоға хон навкар эди. Ўн етти, ўн секкиз йил хон Шероз ва ул вилоятларда бўлди" (Б.39). Бобур 909(1503– 1504) йил воқеалари баёнида Кобулнинг иқлимини Самарқанд ва Табриз иқлими билан қиёслайди ва Кобул иқлими қиши юмшоқлиги билан ажралиб туришини таъкидлайди.

Такоб – Кобулдан Ҳиндукуш тоғлари орқали шимолий вилоятларга борадиган йўлда жойлашган дара (тоғ водийси). "Бобурнома"да қайд этилишича, Такоб йўли сувлар тўлиб оққани сабабли, ундан фақат куз ойларида, сув бир мунча камайганда карвонлар юра олган.

Такона – Кобул вилоятидаги кент. "Бобурнома"да ёзилишича, Таконада Султон Абусаид мирзонинг ўғиллари Кобул вилояти ҳокими Улуғбек мирзо билан қорақўйлуқ туркманларга бошлиқ бўлиб Ҳирот томондан бостириб келган Абобакр мирзо ўртасида жанг бўлган. Сўнгра Абобакр мирзо Ҳиндистон орқали Эрон томонга кетган.

Танги Вағжон – Кобул вилоятининг жанубий қисмидаги тоғларда жойлашган дара. Заҳириддин Бобур Гардиз томонлардаги афғонлар чиқишларини бостириш ва уларнинг карвон йўларидаги қароқчилигига чек қўйиш мақсадида, 925 йил 29 ражаб (1519 йил, 17 июл) да Кобулдан юриш қилади. "Абдураҳмони афғон Гардиз сарҳадида ўлтурурлар эди, мол ва муомалада ройиж эмас эдилар, борур-келур корвонийлар ҳам булардин мутазаррир эдилар"(Б.175). Мазкур юришда унинг йўли Танги Вағжон орқали ўтган.

Тангоб – Хўжанд вилоятидаги кент. "Бобурнома"да Бобурнинг Танбалға қарши 904/1498-1499 йили олиб борган жанг-жадаллари воқеалари баёнида эслатилган. Унда Бобур, Али Дўст тағойининг таклифи билан Ўратепа яйловларидан Марғилонга йўл олади ва ушбу сафар давомида Тангобда тўхтаб ўтган. "Намози пешин Хўжанднинг Тангоб отлиқ кентига тушулди. От совутуриб, отға бўғуз бериб, тун ярми, нақора вақтида Тангобдин отланилди" (Б.67).

Тарнов – Самарқанд шаҳри атрофидаги мавзе. Заҳириддин Бобур 902 йил рамазон (1497 йил, май) ойида Андижондан юриш бошлаб, Самарқандга етиб келади ва пойтахтни эгаллаш учун жанг –жадаллар олиб боради. "Яна бир қатла ҳам Хиёбонда Тарнов навоҳисида чопқулаш бўлди" (Б.56).

Тарнук вилояти – Ғазни вилоятидан жануби-ғарбда Тарнук (ҳозирги аталиши Тарнак) дарёси водийсида жойлашган вилоят. Заҳириддин Бобур бу вилоятни бошқаришни Абдураззоқ мирзога топширган. Шайбонилар бостириб келганда, у вилоятни ташлаб Бобур ҳузурига қайтади.

Темурбек лангари – Ҳиротдан Бомиён орқали Кобулга борадиган йўлда жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 912 йил 7-шаъбон (1506 йил 23-декабр) да Ҳиротдан чиқиб Кобулга йўл олади. Кўтали Заррин довони, Якка ўланг, Бомиён, Шибарту кўтали (ҳозирги Ҳиндукуш тоғларининг Сафедкуҳ ва Бобо тизмалари) орқали юриб, Темурбек лангарида тўхтайди, сўнгра Кобулга келади."Қирлар била қўллар била юруб, ҳазораларнинг от ва қўйларини суруб,

Темурбек лангариға келтуруб туштук. Туркман ҳазорасининг ўн тўрт-ўн беш саркаши ва раҳзан улуғларидин иликка тушуб эди... Асирларни тараҳҳум қилиб, озод қилилди" (Б.149).

Тепа ўланги – Кобул шаҳри атрофидаги олтита ўлангдан бири, шаҳардан ғарб томонда жойлашган. "Бобурнома"да 909(1503– 1504) йил воқеалари баёнида, Кобул шаҳри ва вилояти тавсифида, тилга олинган. Тепа ва Қўш Нодир ўланглари биргаликда Деварин ўланги деб аталган. "Ҳар икки ўланг Кобулдин Кобулдин бирор шаръий бўлғай, мухтасар ўланглардур. Вале ўти отқа бисёр созвордур, чибини бўлмас. Кобул ўлангларида бу ўлангларча ўланг йўқтур" (Б.108).

Термиз – шаҳар ва вилоят. "Бобурнома" да Мовароуннаҳрнинг жанубий чегараси сифатида кўрсатилган (Б.59).Низомиддин Шомий «Зафарнома» сида Жайҳун (Амударё) шаҳар номи билан "Термиз суви" (оби Термиз) деб эслатилади. Термиз шаҳри ёнида Жайҳун (Амударё) даги асосий кечик бўлган ва "Термиз гузари" деб аталган.

Ҳофизи Абрунинг "География" асарида (XV аср) Термиз Мовароуннаҳрдаги тўртта йирик шаҳар (Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хўжанд) қаторида санаб ўтилган ва қўрғони борлиги, боғлари кўплиги, аҳолиси тижорат билан ҳам шуғулланиши айтилган. Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" сида мазкур жой шаҳар ва вилоят сифатида қайд этилган.

Амир Темур салтанатида шаҳар қайта барпо этилди ва олдинги шаҳар харобалари ўша давр манбаларида "Кўҳна Термиз" деб тилга олинади. Темурийлар даврида Термиз халқаро савдо йўлидаги асосий шаҳарлар қаторида турарди. Мовароуннаҳр орқали юрган аксари карвонлар Термиз ёнида Амударёдан ўтган.

Ғарбий Европанинг Кастилия қироллигидан Самарқандга Амир Темур ҳузурига йўл олган элчилар Термиз орқали юрганлар. Бу ҳақда мазкур элчилик вакили Руи Гонсалес де Клавихо ўз "Кундалиги"да жумладан шундай ёзади: "Пайшанба куни (1404 йил 21 август) элчилар ана шу катта дарё (Амударё) бўйига етиб келдилар... қайиқларда дарёдан ўтиб Термит (Термиз) деб аталмиш бир йирик шаҳарга кирдилар.

Термит (Термиз) шаҳри жуда катта ва аҳолиси кўп... (янги яратилган шаҳарнинг) девори ҳам ёки бирор ҳимоя тўсиғи ҳам йўқ. Атрофида боғ-роғлар барпо этилган... Бутун йўл давомида одамлар гавжум кўчалар ва майдонлардан юриб бордик, уларда турли моллар билан савдо қилинади ".

1419 –1422 йилларда Темурийлар давлатидан Хитойга борган элчиларнинг Ҳирот гуруҳи Буюк Ипак йўлининг Кошғар – Қоратегин – Ҳисори Шодмон – Чағониён йўналиши бўйича юргани ва Термизга келиб Жайҳундан ўтгани, сўнгра Ҳирот йўналишида ғарбга сафарини давом эттиргани ҳақида ушбу элчилик аъзоси Ғиёсиддин Наққошнинг сафарномасида қайд этилган.

"Бобурнома"да XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари, шу жумладан Термиз шаҳри ва вилояти Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд мирзонинг (857/ 1453 - 900 / 1495) мулки бўлган дейилади: "Тирмиз ва Чағониён ва Ҳисор ва Хуталон ва Қундуз ва Бадахшон Ҳиндукуш

тоғиғача Султон Маҳмуд мирзонинг тасарруфида эди" (Б.48). Сўнгра мазкур жойлар Хусравшоҳ ихтиёрига ўтди. Бойсунғур мирзо Самарқандни етти ойлик қамалдан сўнг ташлаб чиқиб кетгач, Қундузга Хусравшоҳ ҳузурига йўл олади ва Термиз яқинида Амударёдан ўтади. 909 (1503- 1504) йили Термизни Хисравшоҳнинг иниси Боқий Чағониёний бошқарган .

Термиз шаҳрида анча илгаридан сайидлар (Муҳаммад пайғамбар хонадонига мансуб шахслар) яшаб келгани ҳам манбаларда таъкидлаб ўтилади. Улар Амир Темур давлатида аҳоли таркибида катта ҳурматга сазовор табақа саналган.

Тийл (Тал) –Кобул вилоятидан жанубда Бангаш ва Нағар тоғлари этагидаги тоғ олди текислигида жойлашган мавзе. "Бобурнома"да афғон қабилалари яшаган ҳудуд сифатида тавсифланган. Заҳириддин Бобур мазкур жойлардаги афғон қабилаларини бўйсундириш учун Кобулдан бир неча марта юришлар қилган."Бангашнинг оёғи Тийл деган ерга тушулди. Мунда ҳам черик эли бу гирд-навоҳидағи афғонларни чопа бориб эдилар",- деб ёзилган "Бобурнома"да 909(1503– 1504) йил воқеалари баёнида (Б.118).

Ток – "Бобурнома"да хозирги Сулаймон тоғларининг бир қисми шундай аталган, яна Дашт ва Бозор тоғлари номлари билан эслатилади. "[Баннунинг] ғарби Даштким, Бозор ва Ток ҳам дерлар" (Б.119). Ўт-ўланлари сийрак, сув танқис, умуман табиати кўримсиз жойлар сифатида таърифланади. Афғон қабилаларидан қароний, кивий, сур, исо хайл, ниёзий қабилалари яшаган.

Толиқон (Толуқон) – Қундуз дарёсининг Толиқон ўнг ирмоғи бўйида жойлашган шаҳар, Афғонистоннинг шимолидаги Тоҳар вилоятининг маъмурий маркази. Буюк Ипак йўлида жойлашган қадимий шаҳар, ўрта асрларда Тўхористон ўлкасининг пойтахти бўлган. Унинг мустаҳкам қўрғони бор эди. Сиёсий мавқеи ва савдо аҳамияти жиҳатдан Балхдан кейинги ўринда турган. XV асрда Темурийлар давлати таркибига кирарди. "Бобурнома"да 899/1494 йил воқеалари баёнида Бадиуззамон мирзонинг отаси Султон Ҳусайн мирзо топшириғи билан Қундуз томонга Хисравшоҳ устига юриши муносабати билан эслатилган. Бадиуззамон мирзо қўшини билан Толиқон яқинига келиб жойлашади, икки ўртада сулҳ тузилади.

Тошкент – Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарлардан, Тошкент вилоятининг маркази. Темурийлар даври манбаларида "Тошкент" ва "Тошканд"шаклларда қайд этилган; "Бобурнома" да ёзилиши: "Тошканд"; шаҳардан икки шаръий фарсах масофада Чир суйи (Чирчиқ дарёси) оқиб ўтиши айтилган. Тошкент Амир Темур ва Темурийлар давлатининг Мўғулистон ва Дашти Қипчоқ билан муносабатлари ҳамда Хитой билан савдо-элчилик алоқалари тарихида муҳим ўрин эгаллаган; шу даврда халқаро муҳим савдо йўли – Амир Темур қайта тиклаган Буюк Ипак йўли Тошкент шаҳри орқали ўтган. Тошкент 890/1485 йили Шоҳрухияда тузилган сулҳдан бошлаб, дастлаб Юнусхон, вафотидан (892/1487 й.) кейин эса, ўғли Султон Маҳмудхон ҳукмида бўлган ва маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Мўғулистон таркибига кирган. Бошқача қилиб айтганда, Тошкент шаҳри қисқа муддат, аниқроғи 890 / 1485 – 908 / 1503

йиллар оралиғида, Мўғулистон хонининг қароргоҳи шу ерда бўлгани сабабли, Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди.

"Бобурнома" даги маълумотларга кўра, Заҳириддин Бобур, Самарқанд ва Фарғона вилоятида содир бўлган сиёсий воқеликлар натижасида бир неча марта Тошкентга хон тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига қисқа муддат келиб кетган. Жумладан, Бобур 1501 йили Самарқандда Шайбонихон билан жангда енгилгач, тўрт ой қамалда қолгани ва ноилож ўша йилнинг кузида шаҳарни тарк этиб, Тошкентга хон тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузурига келгани айтилган.

Асардаги 908/1502-1503 йил воқеалари баёнида эса, Шайбонихонга қарши кучларни бирлаштириш мақсадида, Мўғулистондан кичик хон Султон Аҳмадхон (Алачахон) Тошкентга келгани ёзилган. Бироқ бу тадбир ижобий натижа бермади ва Шайбонихон мазкур бирлашган кучни енгиб, Тошкент ва Шоҳрухияни эгаллади. Султон Маҳмудхоннинг Тошкент шаҳри ва вилоятидаги ҳукмронлиги то Шайбонихон бу шаҳарни олгунга (908 / 1502-1503 й.) қадар давом этган.

Тошкент (Тошканд) вилояти – Мовароуннаҳрнинг шимоли- шарқий қисмидаги вилоят, кўлами жиҳатдан тахминан ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудига тўғри келади. "Бобурнома" да унинг қадимда яна Шош ва Чоч номлари бўлганлиги ҳам эслатилган:"Китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирлар". Шоҳрухия билан биргаликда ёзилган шакли ҳам бор: "Тошканд ва Шоҳрухия вилояти".

Йирик шаҳарлари – **Тошкент** ва **Шоҳрухия**. "Бобурнома" да Тошкент вилоятининг XV аср охирги чорагидаги маъмурий-ҳудудий ҳолати ҳақида қисқа маълумот мавжуд. Унда қайд этилишича Султон Аҳмад мирзо Тошкент , Шоҳрухия ва Сайромни эгаллаб, кейинроқ уни Умаршайх мирзога беради.

Тошкент вилояти 890/1485 йили Шоҳрухияда тузилган сулҳдан бошлаб, дастлаб Юнусхон, вафотидан (892/1486 – 1487 й.) кейин эса, ўғли Султон Маҳмудхон ҳукмида бўлган. Умаршайх мирзо ва Султон Аҳмад мирзонинг 893/1487-1488 йили Тошкент вилоятини қайтариб олиш учун ҳаракатлари ҳеч бир натижа бермади. Шу йилларда Тошкент вилояти Мўғулистон таркибига кирган ва Султон Маҳмудхоннинг ҳукмронлиги то Шайбонихон бу ерларни олгунга (908 / 1502-1503 й.) қадар давом этган.

Тошработ йўли – Мурғоб водийсидан Ҳирот шаҳрига борадиган йўл. "Бобурнома"да 912(1506– 1507) йил воқеалари баёнида қайд этилган. Заҳириддин Бобур 1506 йили Бобур кучларни жамлаб шайбониларга қарши жанг қилиш маслаҳати учун Кобулдан қўшин билан Мурғоб дарёси водийсига келади ва Султон Ҳусайн мирзо фарзандлари билан учрашади.Уларнинг илтимоси билан Ҳиротга боради. "Мирзолар юзига йўқ деёлмадук, мундоқ подшоҳлар ўзлари келиб, турмоқ таклифини қилдилар. Яна Ҳириниким рубъи маскунда андоқ шаҳр йўқтур ва Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий қилиб эди, кўрмак орзуси хейли бор эди. Бу жиҳатлардин турмокни қабул қилдук... Бадиуззамон ва Музаффар мирзо Ҳирига азимат

қилдилар, икки-уч кундин кейинроқдин Чилдухтарон ва Тошработ йўли била мен ҳам Ҳирига мутаважжих бўлдум"(Б.143).

Тўл – Ҳиндукуш тоғларидаги довон. "Бобурнома" да Кобулдан шимол томонга боришда Ҳиндукуш тизмасида жойлашган еттита асосий довондан бири сифатида қайд этилган, номнинг этимологияси ҳам берилган. "Бу тоғ (Ҳиндукуш)дин етти йўл ошар, уч йўл Панжҳирдадур. Юқорироқ Хавок кўталидур, андин қуйироқ Тўл, андин қуйироқ Бозорак. Бу уч кўталдин яхшироғи Тўлдур. Вале йўли бир нима узунроқдур. Ғолибо бу жиҳаттин Тўл дерлар" (Б.108).

Туркистон – XV аср манбаларида Фарғона водийсидан шимолдаги жойлар ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ўнг соҳил ерлар шундай аталган. "Бобурнома"да XV аср иккинчи ярми воқеалари баёнида шаҳар (Яси шаҳри) ва ўша атрофдаги вилоят шу ном билан қайд этилган. "Тарихи Рашидий" асарида Туркистон ўлка номи тарзида (Мовароуннаҳр ва Туркистон шаклида) келади.

"Бобурнома"да Султон Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад Самарқанд тахтида ҳукмронлиги чоғида Туркистон ҳокимлигига таниқли амирларидан бўлмиш Муҳаммад Мазид тархонни тайинлагани, сўнгра ундан мазкур вилоятни Шайбонихон олгани, 903(1497– 1498) йили Заҳириддин Бобур Андижондан Самарқанд тахтини эгаллагани келганида Шайбонихон темурий ҳукмдор Бойсунғур мирзонинг илтимоси билан Туркистондан Самарқандга келгани ва Бобур қўшинидан енгилиб қайтиб кетгани ёзилган. "Шайбонихон Туркистондин илғаб бизнинг юртумиз устига келиб турди. Бизнинг черикимиз яқин эмас эди. Қишлоқ маслаҳатиға баъзи Работи Хожаға, баъзи Кобудға, баъзи Шерозға бориб эдилар. Бовужуд ҳозир черик киши била ясаб чиқилди. Шайбонихон туруш бермай, Туркистонға мурожаат қилди" (Б.58). Шунингдек, 906(1500– 1501) йил воқеалари баёнида Шайбонихоннинг Туркистондан яна Самарқандга бостириб келгани, муваффақиятсизликка учраб, Бухоро томон чекингани ҳам айтилган.

Тутум дара суви – Кобул яқинидаги кичик дарё. Заҳириддин Бобур 935(1528) йили Ҳиндистондан Кобулга ўғли Ҳумоюнга мактуб йўллайди ва унда ўзи бошлаган қатор ободончилик ишларини давом эттиришни топширади. Жумладан Тутумдара сувидан ариқ қаздириб янги ерлар очгани ва боғ-роғлар яратганини ёзган. "Яна Хожа Бастанинг ғарби-жануб тарафида Тутум дара сувини бир пушта устига келтуруб ҳавз қилиб, ниҳоллар тиктуруб эдим. Гузаргоҳнинг муқобаласида тушган учун ва яхши мадди назари бор учун, "Назаргоҳ"ға мавсум бўлуб эди, мунда ҳам яхши ниҳоллар тикмак керак. Тарҳ била чаманлар қилиб, чаманлар атрофида хушранг ва хушбўй гул ва раёҳин тикмак керак" (Б.249-250).

Тўн – Хуросондаги вилоят."Бобурнома"да 912(1506– 1507) йил воқеалари баёнида қайд этилган. Заҳириддин Бобур 1506 йили Султон Ҳусайн мирзо таклифи билан шайбониларга қарши жанг қилиш маслаҳати учун Кобулдан Хуросонга келади. Темурий кучлар Мурғоб дарёси водийсида йиғиладилар. "Бодғисга етганда Чилдухтаронда Абулмуҳсин мирзо Марвдин келиб қўшулди.

Ибни Ҳусайн мирзо ҳам андин сўнг Тўп ва Қойиндин келди" (Б.142),- деб ёзган эди Бобур бу ҳақда.

Тўп – Балх вилоятидаги кент. Заҳириддин Бобур бошқа темурийлар билан бирлашиб, шайбониларга қарши жанг қилиш мақсадида Кобулдан Хуросонга келади. У Ҳиндукуш тоғларидан ўтгандан сўнг, Тўп, Мандағон, Балхоб, Кўҳи Соф орқали юриб, Мурғоб водийсига келади. "Султон Ҳусайн мирзонинг фавтининг ғабари эди. Бовужуд бу хонаводанинг номусини қоралаб Хуросон жнибиға мутаважжиҳ бўлдук. Ажар дарасининг ичи била ўтуб Тўп ва Мандағон била Балхоб била иниб, Кўҳи Софқа чиқилди" (Б.141).

Тўққуз ўлум гузари – Жайҳун (Амударё)даги гузар. "Бобурнома"да 909(1503– 1504) йил воқеалари баёнида, Термиз, Келиф ва Карки гузарларидан кейин асосий гузар сифатида санаб ўтилган.

Уйғур (Уйғур Мажам) - Андижон шаҳри атрофидаги тоғ олди ҳудудда жойлашган мавзе. "Бобурнома"да 905 (1499 - 1500) йил воқеалари баёнида эслатилган. Унда қайд этилишича, Уйғур Мажамнинг улуғларидан бўлмиш Сайид Юсуф Мажам беклик даъвоси қилгани, Заҳириддин Бобур бир неча марта Султон Аҳмад Танбал билан жанг-жадаллар қилиб юрган вақтларда гоҳ бу томонга, гоҳ у томонга огиб юргани айтилган.

Улобату - "Бобурнома"да Кобул вилоятидан жанубдаги чўл, афғон қабилалари (ғилжи, маҳманд) яшайдиган юрт сифатида қайд этилган. Бобур ушбу чўл манзарасини аниқ тасвирлаган, Қутб юлдузига қараб йўлни белгилаганини ёзган. "Қоп-қоронғу кеча, туп-туз ер, не тоғ ва пушта кўрунадур, не йўл ва из маълум бўладур, ҳеч ким [йўл] бошлай олмади. Охир мен ўқ бошладим, бир-икки қатла бу навоҳиға етиб эдим, ўшул қиёс била қутбни ўнг ёғринимға олиб тебрадим, тенгри рост келтурди" (Б.152-153). Бобур Улобату атрофидаги Каттавоз чўлида кийик ва қулонлар кўплигини, лашкар билан чарға (жирға)қўйиб, ов қилганини , ўзи ҳам битта қулонни овлаганини айтади."Ғариб семиз қулон эди. Мўғулистон кийигини кўрганлар таажжуб қилиб, дедиларким, Мўғулистонда ҳам мунча семиз кийик кам кўрубтурбиз. Ушбу овда тушган қулон ва кийик аксари семиз эди, вале ҳеч қайсиси мен ўлтурғон қулонча семиз эмас эди" (Б.153).

Улуғбу – Кобул вилоятидаги мавзе. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобур 925 йил зулҳижжа ойининг бошида (1519.24.XI) Кобулдан отланиб Ламғон томон саёҳатга чиқади ва 926 йил муҳаррам ойида (1519 йил, декабрь) Ўғбу мавзеига етади. "Келиб Бадровға тушдук. Андин отланиб, Ўғбуға туштук. Борон сувида сайёдлар бир пора балиқ туттилар" (Б.181)

Улуғнур - Кобулдан *Ламғон*га борадиган йўлда жойлашган мавзе. Мазкур йўл Кобулдан бошланиб Қўруқсой, Қўрғату, Улуғнур, Борон суви, Бодпеч довони орқали ўтиб Ламғонга борган.

Урганч (Урганж) - Хоразмнинг пойтахти. Темурийлар даври манбаларидан фақат "Бобурнома"да Хоразм пойтахтининг номи "Урганч" деб аниқ берилган. Қолган манбаларда у "Хоразм шаҳри"("Мадинаи Хоразм") шаклида ёзилган. "Бобурнома"да яна Султон Ҳусайн мирзо хонадони Андхуд сайидларига қиз бериб қариндошлашгани, ундан Сайид Барака исмли ўғил

дунёга келгани ва у маълум вақт Самарқандда Заҳириддин Бобур хизматида бўлгани, кейинчалик Урганчга кетгани , сўнгра Астрободга бориб, ўша ерда қизилбошлар томонидан ўлдирилгани ҳақида ҳам маълумот бор (Б.130).

Ургут - Самарқанд вилоятидаги қўрғон. Ҳозирда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги шаҳар, туман маркази. Самарқанддан 35 км жануби-шарқда жойлашган. Шаҳар ўртасидан Ургутсой оқиб ўтади.

"Бобурнома"да Заҳириддин Бобур 902 (1496 – 1497) йили Андижондан Самарқандга черик тортиб келгани, дастлаб Самарқанд шаҳри яқин-атрофидаги қўрғонларни, жумладан, Ургут қўрғонини олиб, сўнгра 903 йил раби ал-аввал ойининг охирлари (1497 йил, ноябр) да пойтахтни эгаллагани қайд этилган. "Шовдор тоғининг доманасида Ургут отлиқ қўрғонни бир жамоат беркиттилар. Зарурат бўлуб бу юрттин кўчуб Ургут устига борилди. Тоқат келтура олмай Хожа Қозини ораға солиб кирдилар. Биз доғи гуноҳларини афв қилдук" (Б.56).

Уштуршаҳр – Кобулдан шимол томонга борадиган йўлда жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур 909 (1503 - 1504) йили Моваройннаҳрдан биринчи марта Кобулга келишида, 912 (1506 - 1507) йили Хуросонга сафарида ва мазкур сафардан Кобулга қайтишида унинг йўли Уштуршаҳр орқали ўтган.

Уштургардан - Самарқанд шаҳри девори ташқарисида , шимол томонда, Хожа Хизр масжиди яқинида жойлашган мавзе. "Бобурнома"да 906 (1500 - 1501) йили Шайбонихон лашкарининг Самарқанд шаҳрига ҳужуми воқеалари баёнида тилга олинган. Душман қўшинининг бир гуруҳи Уштургардан томондан ҳужумга ўтгани ҳақида ёзилган.

Уқобайн - Кобул шаҳри жойлашган тоғнинг жануби-ғарб қисми. Заҳириддин Бобур 909 (1503 - 1504) йил воқеалари тафсилотида Кобул шаҳрининг географик ўрни ва табиати ҳақида тўхталган. "Атроф ва жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоғқа пайвастдур. Қалъанинг ғарб-жануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубтур, Шоҳи Кобул дерлар. Шоҳи Кобул тоғидин бир тумшуқ айрилиб келибтур, Уқобайн дерлар" (Б.107).

Фаркат - "Ҳудуд ул-олам"да (X аср) "Фарнкас " ("Фарнкат"), ҳозирги ёзилиши "Паркент", Тошкент вилоятидаги шаҳар, Паркент туманининг маркази. Паркентсой ва Паркент каналидан сув ичади. "Бобурнома"да Тошкент вилоятидаги кент сифатида қайд этилган. 907 (1501-1502) йили Шайбонихон Самарқандни қамал қилади ва Заҳириддин Бобур қамалдан чиқиб, хон тоғаси Султон Маҳмудхондан ёрдам олиш ниятида, Дизак (Жиззах), Пашоғар, Ўратепа орқали Тошкентга келади. "Умидвор эрдимки, хон додам риоят ва иноят мақомида бўлуб, вилоят ва паргана (туман) бергайлар. Ўратепани ваъда қилдилар, Муҳаммад Ҳусайн мирзо бермади"(Б.87). Сўнгра Бобур Самарқанддан Фаркатга келган ҳазрати Хожаго Хожани зиёрат қилиш учун Фаркатга боради.

Фармул - Кобул вилоятининг жанубий қисмида жойлашган туман. "Бобурнома"да мазкур туманнинг табиати, хўжалиги ва халқаро савдодаги ўрни ҳақида маълумот бор. Ҳиндистондан келадиган тўртта асосий йўлнинг биттаси Фармул орқали ўтган. "Яна бир Фармул туманидур. Муҳаққар ередур. Олмаси ёмон бўлмас. Мўлтон ва Ҳиндустонға элтарлар (Б.114). [Синд дарёсидан]

Чупора гузари била ўтганлар агар Фармул била келсалар, Ғазни келурлар ва агар Дашт била борсалар, Қандаҳор борурлар" (Б.109).

Фаррухзодбекнинг чорбоғи - Қандаҳор шаҳридаги ўрда жойлашган эски чорбоғ. "Бобурнома"да 913 (1507-1508) йили, Заҳириддин Бобурнинг Қандаҳорга юриши ва у ердаги жанглари тафсилотида эски чорбоғнинг ўрни сифатида эслатилган. "Қандаҳор сори юруб, Фаррухзодбекнинг чорбоғиғаким, бу тарихта андин асаре қолмайдур, келиб туштук" (Б.158).

Фарғона вилояти– "Бобурнома" да ҳудудий жиҳатдан Фарғона водийси назарда тутилган. Унда Фарғона вилояти, ундаги шаҳарлар, қишлоқлар, халқлар, дарёлар ва б.лар ҳақида маълумот бор. "Бобурнома"да "Фарғона вилояти" ва "Андижон вилояти" деган иборалар бир-бирига синоним сифатида параллель ишлатилади.

Дастлаб унинг чегаралари кўрсатилган: шарқда – Кошғар, ғарбда – Самарқанд, жанубда – Бадахшондаги тоғлар, шимолда – Олмолиқ, Олмоту, Янги шаҳарлари ("Бобурнома"да кейинги учала шаҳар мўғул истилоси даврида хароб этилгани таъкидланган). Демак "Бобурнома"да қайд этилган Фарғона вилояти таркибига Фарғона водийси ва унга ёндош анчагина жойлар киритилгани маълум бўлади. Водийнинг тоғлар билан ўралгани, ғарб томони очиқлиги, уни шарқдан ғарбга дарё – Сайхун дарёси (Сирдарё) кесиб ўтиши айтилган.

Маъмурий таркибида 7 та қасаба кўрсатилган. Пойтахти – Андижон шаҳри.

Тарихи. Ўз вақтида Султон Абусаид мирзо бу вилоятни энг кичик ўғли Умаршайх мирзога (855/1451 – 900/1494) берганди. Вилоят маркази – Андижон шаҳри, ёзги қароргоҳи – Сирдарё бўйида жойлашган Ахси қўрғони саналган.

Умаршайх мирзо 1494 йили Ахси қўрғонининг тепасидан йиқилиб ҳалок бўлади, ўрнига 12 ёшли ўғли Заҳириддин Бобурни тахтга ўтқазадилар.

Фарғона водийсида Заҳириддин Бобур тахтга келгач, айрим ички маъмурий ўзгаришлар қилади ва мардлик намойиш этган баъзи бекларни тақдирлайди; вилояти Хўжанд бўлган Қанбар Алига Исфара ва Кандибодомни ҳам қўшиб беради. Умаршайх мирзо бекларидан Ҳасан Яъқубни Андижон, Қосим қавчинни Ўш, Узун Ҳасанни Ахси, Али Дўст тағойни Марғинон шаҳарларига ҳоким этиб тайинлайди. Шунга ўхшаш яна бир қанча жойларни бекларга бошқаришга беради.

Бобурнинг Фарғона вилоятини бошқаришида Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал қаттиқ қаршилик кўрсатадилар ва Бобурнинг укаси Жаҳонгир мирзони ўзларига қўшиб оладилар. Улар 1498 йили Андижонни қамал қиладилар ва Бобур Самарқандни тарк этиб, қайтишга мажбур бўлади. Салкам икки йилча жанг- жадаллар олиб бориб Андижонни қўлга киритади. Низолар давом этади ва охирда Бобур сулҳ тузиб, Хўжанд суви (Сирдарё) нинг Ахси томондаги вилоятларини укасига қолдиради. Шу тарзда Фарғона вилоятида Умаршайх мирзога тегишли мулк маъмурий жиҳатдан иккига бўлинади.

Бобур Самарқандда Шайбонихондан мағлуб бўлгандан кейин ҳам Андижонга қайтган ва укаси Жаҳонгир мирзо ва Султон Аҳмад Танбалга қарши

жанглар қилган, Андижонни эгаллаган. Шайбонихон таҳдиди кучайгач, Мовароуннаҳрни тарк этган. "Муҳаммад Шайбонихон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йилға ёвуқ танқислиқ била ўткариб, Кобул азимати қилдим" (Б.35), - деб ёзади Бобур бу ҳақда. Мовароуннаҳрда маъмурий-ҳудудий бошқарув Шайбониларга ўтади.

Феруза дарвозаси – Самарқанд шаҳри деворига жануби-ғарб томондан ўрнатилган дарвоза. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобурнинг 906 (1500-1501) йили Самарқанд шаҳрини эгаллаш ҳаракатлари ва Шайбонихон билан жанглари баёнида тилга олинган. "[Темурбек] Самарқанднинг шарқида икки боғ солибтур, бириким йироқроқтур, Боғи Бўлдудур, ёвуқроғи Боғи Дилкушодур. Андин Феруза даврозасиғача хиёбон қилиб, икки тарафида терак йиғочлари эктурубтур" (Б.59).

Фон - Фондарё водийси ва атрофлари. Фондарё – Зарафшон дарёсининг чап ирмоғи, ўз навбатида иккита ирмоқ – Ҳисор тоғ тизмасининг шимолий ён бағирларидан бошланган Яғнобдарё ва мазкур тизманинг шимолий ён бағрида жойлашган Искандаркўлдан бошланган Искандардарё қўшилишидан хосил бўлади. "Бобурнома" да 906 (1500-1501) йил тарихий воқеалари баёнида эслатилган. Самарқандни Шайбонихон олгандан сўнг, Бобур жанубга Ҳисор томонга кетади. Бироқ у ердан тоғлар оша яна Самарқандга келади. Унинг йўли Фон водийси орқали ўтган, Искандаркўлга ҳам борган. "Фон навоҳисиға келдук. Фон тоғларининг орасида бир улуғ кўл тушубдур, муҳити тахминан бир шаръий бўлғой, тавр кўлидур, ғаробаттин холи эмас" (Б.78).

Форс - Эроннинг жанубий қисмидаги вилоят, маркази Шероз шаҳри. Заҳириддин Бобур 932 (1525-1526) йил воқеалари баёнида Ҳиндистондаги ўз қурилишлари ҳақида ҳикоя қилганда эслатиб ўтган. "Нечукким "Зафарнома"да Темурбекнинг "масжиди сангин" (Жоме масжид) иморатини қилурда Мулло Шараф (Шарафиддин Али Яздий) мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбайжон ва Форс ва Ҳиндустон ва яна ўзга мамолик сантарошларидин ҳар кунда икки юз киши масжидда иш қилурлар эди. Бир Аграда ушбу Агранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз сексон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрийда ва Байанада ва Дўлпурда ва Гвалийарда ва Кўйилда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди" (Б.209).

Фулул – Бадахшондаги кент ва тоғ. "Бобурнома" да 901 (1495-1496) йил, Хисравшоҳнинг Султон Ҳусайн мирзога қарши Хатлон, Ишкамиш, Қундуз вилоятларида чиқишлари воқеалари баёнида эслатилган. Заҳириддин Бобурнинг 909 (1503-1504) йили Мовароуннаҳрдан Кобул томонга сафари ҳам Ишкамиш ва Фулул орқали ўтган.

Хаволи Қутий - Ҳиндукуш тоғлари орқали Хуросондан Бомиён йўналишида Кобулга борадиган йўлда жойлашган дара. Заҳириддин Бобур 1506 йилнинг қиш фаслида Ҳиротдан Кобулга қайтишда Хаволи Қутийда тўхтаган. "Ушбу тариқ била қор тепиб Хаволи Қутий деган хаволға келдук. Ушбу кун

ғариб чопқун била қор ёғар эди. Андоққим, борчаға ўлум ваҳми бўлди. Ул тоғдаги ғор ва ковокларни хавол дерлар; бу хаволға етганда чопқун (қор-довул) беҳад тез бўлди. Ушбу хавол қошида-ўқ тушулди...Мен хаволнинг оғзида курак олиб, қор кураб, ўзумға бир такия миқдори ер ясадим, қорни кўкусгача (кўкракгача) қоздим, ҳануз ерга етмайдур эди. Бир нима елга панох бўлди, ўшанда-ўқ ўлтурдим" (Б.147). Панароқ жой топиб Бобурни ўша ерга таклиф қиладилар, бироқ у рози бўлмайди. "Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса турайин, бир форсий масал бор: "Марг бо ёрон сур аст" ("Дўстлар билан бирга ўлим тўйдир")"(Б.147). Кейинроқ бир мунча кенгроқ ғор топадилар ва Бобур одамлари билан ўша ерга ўтади (яна қ. *Инжукон*).

Хавос (ҳозирги ёзилиши "Ховос") - Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани ҳудудидаги қишлоқ. "Бобурнома"да 899(1494) йил воқеалари баёнида Шоҳрухия билан Ўратепа оралиғида жойлашган кент сифатида қайд этилган. Бу ерда Султон Абусаиднинг ўғиллари Султон Аҳмад мирзо билан Умаршайх мирзо ўртасида жанг бўлгани ва Умаршайх мирзо бу жангда мағлубятга учрагани айтилган.

Хайбар тоғлари – ҳозирги Спингар тизмаси, ундаги довон ҳам шу ном билан аталган (баландлиги 1030 метр), Афғонистон билан Покистон чегарасида. Ушбу тоғдан ўтган йўл Хайбар тоғ йўлаги деб аталади. "Бобурнома"да Кобулдан Ҳиндистонга бориш учун тўрт йўл борлиги ва улардан бири Хайбар довонидан ўтиши қайд этилган: "Ҳиндустон тарафидин тўрт йўл чикар, бир йўл Ламғонот била. Бу йўлда Хайбар тоғларида озроқча кўтал бор" (Б.109). Заҳириддин Бобур Ҳиндистон томонга сафарларида ва у ердан Кобулга қайтганида бир неча марта Хайбар довонидан ўтган.

Халилия кенти - "Бобурнома"да Дизак қўрғони яқинидаги кент сифатида қайд этилган. Заҳириддин Бобур 907(1501-1502) йили Самарқандни Шайбонихонга қолдириб Андижон томонга йўл олганида Халилия кенти орқали ўтган. "Кеч намози дигар Илонўттида тушуб, от ўлтуруб этини шишлаб, кабоб килиб, отни лаҳза тиндуруб отландук. Тонгдин бурунроқ Халилия кентига келиб туштук. Халилиядан Дизак келилди" (Б.86).

Харгирд (Харжирд) - Хуросондаги мавзе, Жом (ҳозирги номи Турбати Жом) билан Машҳад оралиғида. "Бобурнома"да Эрон шоҳи шаҳзода Таҳмосп қирқ минг кишилик лашкар билан юриш бошлаб, Машҳаддан ўтиб, Жом ва Харгирд атрофларида Шайбониларнинг кўп сонли лашкари билан жангга киришгани ва зафар қозонгани қайд этилган.

Хожа Дийдор - Самарқанд вилоятида, Самарқанд шаҳридан шимолишарқ томонда жойлашган қўрғон. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобурнинг 1497 - 1501 йилларда Темурийлар салтанатини эгаллаш эчун курашлари воқеаларида эслатилган. Бобур 903(1497)йили маълум муддат Самарқанд шаҳрини қамал килиб, сўнгра қишлов учун Хожа Дийдор қўрғонига боради; 1500 йили Самарқандни қайта олганида, Шайбонихон дастлаб Хожа Дийдорда турган, сўнгра Бухорога чекинган. Бобур 1501 йили, тўрт ойлик қамалдан сўнг, ўша

йилнинг кузида шаҳарни тарк этади. У Шайхзода дарвозасидан чиқиб, Хожа Дийдор орқали юриб Дизак (Жиззах)га боради.

Хожа Дийдор қўрғони - қ. *Хожа Дийдор.*

Хожа Катта – Андижон шаҳри атрофидаги мавзе. Заҳириддин Бобур 908(1502-1503) йили Танбалга қарши жанглар олиб борганида, ғанимнинг пароканда бўлганини эшитиб, Андижонга қараб юради. Султон Аҳмад Танбалнинг иниси Муҳаммад Калпук шаҳардан чиқиб, икки ўртада тўқнашув бўлади. Калпук шаҳарга чекинади. Мазкур жангларнинг бир қисми Хожа Катта мавзеида кечган.

Хожа Кафшир – Самарқанд шаҳри атрофидаги мавзе, шаҳарнинг жанубий томондаги деворига ўрнатилган Сўзангарон дарвозасидан чиққан йўналишда жойлашган. "Бобурнома"да 901(1495-1496) йил воқеалари баёнида Самарқандда тархонлар исёни, Бойсунғур мирзо билан Султон Али мирзо ўртасидаги уруш-талашлар, Бойсунғур мирзонинг қочиб Хожа Кафширга Хожаго Хожанинг уйига боргани ҳақида сўз боради. Асарда 906(1500-1501) йил воқеалари тафсилотларида эса, Бобур аскарлари билан Шайбонихон аскарлари ўртасидаги тўқнашувлар бир қисми Хожа Кафширда юз бергани айтилган. "Яна бир навбат Қосимбек йигитларни бошлаб Сўзангарон дарвозасидин чиқиб, ўзбакларни Хожа Кафширғача қавлаб, бир неча ўзбакни тушуруб бош кесиб келди" (Б.85).

Хожа Кордзан – Самарқанд шаҳри атрофида жануби-ғарбий йўналишда жойлашган мавзе. "Бобурнома"да 901(1495-1496) йил воқеалари баёнида Бойсунғур мирзо билан Султон Али мирзо ўртасида Самарқанд тахти учун кураш муносабати билан эслатилган. Сўнгра 906(1500-1501) йил воқеалари баёнида, Султон Али мирзо Самарқандни Шайбонихонга бергани ва Шайбонихон Хожа Кордзан мавзеида Хожа Аҳрорнинг ўғли Хожа Яҳёни ва унинг иккита ўғлини ўлдиртиргани айтилган. "Хожа Яҳёдин чун Шайбонихон мутаваҳҳим эди, икки ўғли Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқий била Хуросон сари рухсат берди. Кейнидин бир неча ўзбак бориб, ҳазрати Хожани ики йигит ўғли била Хожа Кордзан навоҳисида шаҳид қилдилар" (в.80б).

Хожа Рўшноий – қ. *Хожа Абдуссамад*

Хожа тоқ– "Бобурнома"да Ҳирот шаҳридаги обидалардан бири сифатида қайд этилган. Заҳириддин Бобур 1506 йил декабрида Ҳирот темурийлари таклифи билан йигирма кун мазкур шаҳарда меҳмон бўлган ва унинг топографияси (қўрғони, дарвозалари, кўшклари, мисжидлари, мадрасалари ва ҳ.к.) ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдирган.

Хожа Чангол – Қундуз вилоятидаги мавзе. "Бобурнома"да 901(1495-1496) йил воқеалари баёнида Хожа Чангол атрофларида Хисравшоҳ билан Султон Ҳусайн мирзо қўшинлари ўртасида тўқнашув бўлгани қайд этилган.

Хожа Хизр қадамгоҳи – "Бобурнома"да ёзилишича Кобул шаҳри қалъасидан жануби-ғарб томонда жойлашган Шоҳи Кобул аталмиш тоғдан учта булок Кобулга оқиб келган ва улардан бирининг бошланиш жойи Хожа Хизрнинг қадамгоҳи номи билан машҳур бўлган. Мазкур жойлар шаҳарликларнинг сайлгоҳ жойи саналган (яна қ. *Хожа Абдуссамад*).

Хожа Хованд Саид – Кобул вилоятидаги тоғ олди ҳудудида жойлашган мавзе. "Бобурнома"да узумзорлари кўп жой сифатида таърифланган.

Хожа Шаму – Кобул шаҳри атрофидаги мозор. "Бобурнома"да ёзилишича Кобул шаҳри қалъасидан жануби-ғарб томонда жойлашган Шоҳи Кобул аталмиш тоғдан учта булоқ Кобулга оқиб келган ва улардан бири Хожа Шаму мозоридан бошланган (яна қ. *Хожа Абдуссамад*).

Хожа Шиҳоб – Кобул вилоятидаги мавзе. Заҳириддин Бобур 925 йилнинг кузи зулқаъда ойида (1519 йил октябрь-ноябрь) Кобул вилоятида Бомиён тоғлари этагида жойлашган машҳур кентлардан бўлмиш Исталиф кенти томонга куз манзаралари сайли – хазон сайри ниятида саёҳатга чиқади. Бобур Исталиф кентида жуда катта боғ барпо этган. Ушбу сафарда у Хожа Шиҳоб мазеида тунаб ўтган. "Офтоб чиқа Исталиф боғиға тушуб, узум еб, отланиб, Истарғач тавобидин Хожа Шиҳобға тушуб уйқуладук. Ота мирохўрнинг уйи ул орада экандур. Уйғонғунча ош пишируб, бир кўза чоғир ҳозир қилибтур. Хейли яхши хазон эди. Бир неча пиёла ичиб, отландук" (Б.180).

Хожа Ҳасан – Кобул вилоятидаги мавзе. Бомиён тоғлари этагида, Исталиф кентидан қуйироқда жойлашган. Заҳириддин Бобур Исталифда боғ-роғлар барпо этган ва у ерга тез-тез саёҳат қилиб турган. Жумладан, 925 (1519) йил кузида хазон сайрига борганида Хожа Ҳасанда тўхтаб ўтганини ёзади, ул жойлардаги кузги манзараларни теран тавсифлайди. "Фарз вақтида Исталифнинг оёғи Хожа Ҳасанға еттук. Бир замон тушуб, маъжун еб хазон сайри қилдук... Истарғачнинг оёғидаги подшоҳий боғини сайр қилилди. Бир олма ниҳоли яхши хазон бўлуб эди, ҳар қайси шохида беш-олти барг сиёқ била қолиб эди, андоқким, агар нақкошлар такаллуф била тортсалар, онча торта олмағай эдилар. Истарғачдин отланиб, Хожа Ҳасанда ош еб, намози шом Бехзодий келиб... сешанба куни Кобул чорбоғиға келилди"(Б.180).

Хон юрти – Самарқанд шаҳридан тахминан 6-7 км жануби-шарқда жойлашган ўланг, Сиёб ариғи мазкур ўлангни кесиб ўтиб, сўнгра Конигилга борган. "Бу ўланг (Конигил)дин юқорроқ шарқи-жануб сари яна бир ўланг воқиъ бўлубтур: Хон юртиға мавсум, Самарқанднинг шарқидур, Самарқандтин бир йиғоч бўлғай" (Б.60). Заҳириддин Бобур Самарқанд тахти учун курашлари чоғларида кўпинча чериги билан Хон юрти ўлангида жойлашган. Жумладан, 902 (1496-1497) йили Самарқандга юриш қилиб келганида Хон юрти ўлангида тўхтаганини ёзади.

Хоразм – XV асрда Темурийлар давлати таркибидаги вилоят. Шу давр манбаларида унинг пойтахти ҳам одатда "Хоразм" номи билан аталган (яна қ. *Урганч*). Заҳириддин Бобур Хоразмни Мовароуннаҳрнинг ғарбий чегараси деб ёзади. Ғазни билан Хоразм иқлимини қиёслайди. "Бобурнома"да Хоразмнинг XVI аср бошларидаги тарихи билан боғлиқ воқеалар ҳам акс этган. Жумладан, Муҳаммад Шайбонихон Қундузни олгандан сўнг, Самарқандга қайтгани, сўнгра Хоразмга Чин Сўфининг устига юриш қилгани ва қаттиқ жанглар бўлиб, мазкур вилоятни забт этгани ҳақида ёзилган.

"Ушбу йил (911 /1505-1506) Шайбонихон Чин Сўфини Хоразмда ўн ой муҳосара қилиб олди, бу муҳосарада қалин урушлар бўлди. Хоразм йигитлари

бисёр мардоналиклар қилдилар, хеч тақсир қилмадилар, андоқ тийрандозлиқ қилдиларким, борлар қалқондин, жибадин, баъзи маҳалда икки жибадин ўткара-ўткара отибтурлар. Ўн ой қабалдорлиқ торттилар, хеч ердин умидворлиқ бўлмади. Баъзи йигит-ялангги бедиллиқ қилиб ўзбак била сўзлашиб, ўзбакни қўрғонга чиқордилар. Чин Сўфи хабардор бўлуб, ўзи келиб қўрғонга чиққонларни уруб тушурур маҳалда шиба ўқи тегиб ўзининг чуҳраси кейиндин ўқ била урди, ўлди. Урушур киши қолмади, қўрғонни олдилар. Раҳмат Чин Сўфиға: мардоналиқ била жон тортмоқда дақиқайи номаъри қўймади. Шайбонихон Хоразмни Кўпакбийга бериб, ўзи Самарқанд келди" (Б.127).

Хослар – Хўжанд вилоятида Хўжанд дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 907 (1501-1502) йил воқеалари баёнида Шайбонихоннинг қиш ўртасида Хўжанд сувидан муз устидан ўтиб Шоҳрухия ва Бискентга чопқин ясаганини эшитиб, Ўратепанинг Даҳкат кентида қишлаб турган жойидан шошилинч йўлга отланиб, Хослар кенти тўғрисида Хўжанд дарёсидан муз устидан ўтади ва Бискентга келади. "Бобурнома"да ўша йили қиш қаттиқ келгани ҳақида нодир маълумотлар қайд этилган. "Хўжанднинг қуйиғи кентлари Ҳаштияк тўғриси била мутаважжиҳ бўлдук. Маҳкам зарб совуқ эди. Бу навоҳида Ҳодарвеш ели ўксумас , ҳамиша тунд қўпар. Ул мартабада совуқ эрдиким, ўшул икки-уч кунда икки-уч киши бу орада совуқнинг шиддатидин ўлуб эди. Манга ғуслға эҳтиёж эди. Бир ариқ суйидаким, ёқалари қалин муз тўнгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги жиҳатидин ях боғламайдур эди, бу сувға кириб ғусл қилдим. Ўн олти қатла сувға чўмдум, сувнинг совуқлуғи хейли таъсир қилди" (Б.87).

Хост (Хуст) – Ҳиндукуш тоғларининг шимолий ён бағрида, Андароб яқинида жойлашган кент ва туман. Қадимда Тоҳаристон вилояти таркибида бўлган. Темурийлар салтанатида маъмурий жиҳатдан Балх вилоятига қарашли эди. "Бобурнома"да 925 (1518-1519) йил воқеалари баёнида Хост Заҳириддин Бобур давлати таркибидаги жой сифатида қайд этилган. Бобур Мовароуннаҳрдан Кобулга дастлабки боришида Андароб ва Хост орқали юрган. "Якшанба куни жумодиулаввал ойининг ўн бешида (1519.15.05) Хожа Муҳаммад Али Хосттин келди. Бир эгарлиқ от пешкаш қилиб, тасаддуққа ёрмоқ ҳам келтурди. Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзолари ҳам Хожа Муҳаммад Али била келиб, мулозамат қилдилар... ойнинг ўн еттисида (1519.17.05) ...Хожа Муҳаммад Али била Тенгрибердига ҳам вилоятлариға – Хост била Андаробқа бормоққа ушбу кун рухсат бўлди" (Б.173,174).

Хўбон – Андижон шаҳри яқинидаги кент. "Бобурнома"да 905 (1499-1500) йил воқеалари баёнида Заҳириддин Бобур Хўбон кенти ва унинг атрофларида Султон Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзога қарши жанг қилгани ёзилган. "Танбал Жаҳонгирни олиб, ўнг ёнимиздин эврулуб Хўбон деган кентгаким, Андижон сари ёнимизда биздин уч йиғоч бўлғай эди, келиб кирди... Хўбоннинг шарқи-жануб тарафидан Сақо отлиқ кентгаким, Хўбондин бир шаръий бўлғай, етишиб эдукким, ғаним кишиси Хўбон кентидин ясаб чиқти. Биз ҳам илдамроқ-ўқ юрудук... Хўбон кентига-ўқ туштук. Менинг аввал масоф уруши урушқоним

ушбу эди. Тенгри таоло ўз фазл ва карами била фатх ва зафар рўзий қилди" (Б.72).

Хузор – ҳозирги номи Ғузор, Қашқадарё вилоятидаги шаҳар ва туман. "Бобурнома"да вилоят мақомида Хузор вилояти деб қайд этилган ва маъмурий жиҳатдан пойтахт Самарқандга бўйсунган. Шунингдек, Заҳириддин Бобур 1500 йили Самарқанд шаҳрини Шайбонихондан олганида, Хузор вилояти ҳам маълум вақт унинг ихтиёрига ўтган.

Хум (Боғоти Хум) – Кобул вилоятида, Бомиён тоғлари этагида жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур 925 йил 8-шаъбонда (6.08.1519) Хожа Сеёронга саёҳат қилиш мақсадида Кобулдан йўлга чиқади. У Борон, Исталиф, Хожа Сеёрон, Парвон суви, Гулбаҳордан ўтиб Боғоти Хумда бир кун тўхтаган.

Хумор – Кобул вилоятидаги кент. "Бобурнома"да Султон Абусаид мирзонинг ўғиллари Улуғбек мирзо билан Абобакр мирзо ўртасида мазкур жойда бўлган жанг воқеаси баёнида эслатилган (яна қ.*Такона)*.

Хурд Кобул – Кобул вилоятининг шарқий қисмида, Ҳиндистон томонга борадиган йўлда жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур Кобул вилоятини тавсифлаганда Хурд Кобул томонларда қулонлар борлигини айтган. 913 (1507-1508) йил воқеалари баёнида, Бобур, Шайбонихон Қандаҳорга бостириб келганини эшитгач, Кобулдан чиқиб Ҳиндистон томонга йўл олганида, Хурд Кобул орқали юрган. Унинг Кобул вилоятида ободончилик ишлари қилган жойлар қаторида Хурд Кобул ҳам бор. Чунончи 935(1528) йили Бобур Ҳиндистондан Кобулга ўғли Ҳумоюнга мактуб йўллаб, ўзи бошлаган бунёдкорликни давом эттиришни топширганида, Хурд Кобулдаги тўғонни таъмирлашни ҳам таъкидлаган. "Яна Хурд Кобулнинг бандиким, тангининг Хурд Кобул сари чиқарида Бутҳоқ суйиға боғлақлуқтур" (Б.249).

Хуросон – мамлакат, тарихий ўлка. Маъмурий жиҳатдан XV асрда Темурийлар давлати таркибида бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросон маъмурий-худудий жиҳатдан XV асрнинг 50-йилларида маълум вақт ва Султон Абусаид вафотидан (1468 й.) сўнг узил-кесил иккита сиёсий-маъмурий бирликка бўлиниб кетди.

Заҳириддин Бобур сиёсий майдонга чиққанда Хуросонни Султон Ҳусайн мирзо, яъни Ҳусайн Бойқаро (1469 - 1506) бошқарарди. У ота томондан мирзо Умаршайх ва она томондан мирзо Мироншоҳ авлоди саналарди. "Бобурнома"да бу ҳақда: "Султон Ҳусайн мирзо каримут-тарафайн эди, асл подшоҳ эди, дейилган" (Б.128).

Умуман олганда "Бобурнома"да Хуросон ўлкасининг XV аср иккинчи ярми – XVI аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихи билан боғлиқ анчагина муҳим тафсилотлар мавжуд. Темурийлар давлатининг Хуросондаги ҳукмдори Султон Ҳусайн мирзонинг давлатдорлик бобида олиб борган сиёсати ва амалдаги ишлари, вилоятдаги ички низолар, феодал тарқоқлик, Заҳириддин Бобур 1506 йили Султон Ҳусайн мирзо таклифи билан шайбониларга қарши жанг қилиш маслаҳати учун Кобулдан Хуросонга келиши, Султон Ҳусайн мирзонинг вафоти, ундан кейин унинг ўғиллари Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо шерикликда подшоҳ бўлганлари, Бобурнинг Ҳирот

темурийлари билан Мурғоб дарёси водийсида учрашуви, уларнинг таклифига биноан қисқа муддат, 1506 йил декабрнинг дастлабки йигирма куни Ҳиротда бўлгани ва Ҳирот шаҳри топографияси ҳақида ёзиб қодирган нодир маълумотлари, Шайбонихоннинг 1507 йили Хуросонга юриш қилиб Ҳиротна эгаллагани, Сафавийлар билан Шайбонилар муносабатлари, жумладан, Марвда Шайбонихон билан Шоҳ Исмоил ўртасида бўлган жанг ва Шайбонихоннинг ўлими, 932/1525-1526 йил воқеалари баёнида Бухородан Убайдуллахон черик тортиб келиб Марв шаҳрини эгаллагани, 935/1528 йил воқеалари баёнида Шайбонилар давлатидан Марвда 105 минг кишилик лашкар йиғилгани ва Шаҳзода Таҳмоспнинг Ироқдан қирқ минг аскарни бошлаб келиб, Домғонда, сўнгра Жом атрофида жанглар қилгани, ғалабага эришгани тафсилотлари ана шулар жумласидандир. Заҳириддин Бобур Хуросоннинг Султон Ҳусайн мирзо салтанати давридаги маданий-маънавий ҳаёти ҳақида ҳам нодир маълумотлар келтирган. "Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажиб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай" (Б.136-137).

Хуррам – Балх вилоятидаги кент. "Бобурнома"да 933 (1526-1527) йил воқеалари, Ҳумоннинг Бадахшондан Балхгача бўлган ҳудудларда Шайбониларга қарши олиб борган жанглари тафсилотларида эслатилади.

Хуталон (Хатлон) – Панж ва Вахш дарёлари орасидаги вилоят, Тожикистондаги ҳозирги Хуталон вилояти. Маркази Хуталон шаҳри бўлган. "Бобурнома"да Хуталон (Хатлон) вилояти орқали оқиб ўтган ҳозирги Вахш дарёси вилоят номи билан "Хатлон суйи" деб аталган. Ўнинчи асрда ёзилган "Ҳудуд ул-олам" номли китобда Хуталон – катта тоғлар бағридаги ноҳият, обод, экинзорлари ва аҳолиси кўп, ноз-неъмат мўл; у ерда кўплаб бедов отлар боқилади, деб ёзилган.

"Бобурнома"да Мовароуннаҳрнинг жанубий ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари, жумладан, Хуталон вилояти ҳам то Ҳиндукуш тоғларигача темурий Султон Маҳмуд мирзо (857/ 1453 - 900 / 1495) ҳукми доирасида бўлган, дейилади.

Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтига ўтиргач, Хуталонни бошқариш унинг катта ўғли Султон Масъуд мирзога ўтади (Б.65) . 901 (1495) й. кузида Хуросондан Султон Ҳусайн мирзо бостириб келади ва Султон Масъуд мирзо Самарқандга қочади. Султон Ҳусайн мирзо аскарлари қисқа муддат Хуталонни қўлга киритадилар ва 1496 й. баҳорда қайтиб кетишга мажбур бўладилар (Б.65-66).

Кейинроқ бу вилоят Хисравшоҳ, ундан Шайбонилар ихтиёрига ўтади. Заҳириддин Бобур 1511 йили Кобулдан Мовароуннаҳрга юриши чоғида Амударёдан ўтиб, дастлаб Хуталон вилоятини, сўнгра Ҳисор вилоятини, ундан ўтиб Самарқандни Шайбони султонлардан олди. Бироқ Ғиждувондаги жангда мағлуб бўлгач, у бутунлай Кобулга қайтди ва Хуталон вилоятини яна Шайбонилар эгаллади.

Хўжанд – Сайҳун (Сирдарё) бўйидаги шаҳар ва вилоят. "Бобурнома"да Фарғона вилояти таркибидаги кичик вилоят ва Мовароуннаҳрнинг қадим шаҳарларидан, дейилган. Сайҳун суви шимолдан, бир ўқ отим масофадан оқиб ўтиши, қўрғони борлиги, мевали боғлари кўплиги, айниқса анор яхши бўлиши, яқин-атрофларида қушлар бисёрлиги ва у ерда ов қилиш имконияти кенглиги таъкидланган. "Анори яхшилиққа машҳурдур... Вале бу тарихда Марғинон анори кўп ортуқдур" (Б.35).

Заҳириддин Бобурнинг ёзишича, Хўжанд маъмурий жиҳатдан ўз вақтида отаси Умаршайх мирзога тегишли бўлган, сўнгра Султон Аҳмад мирзо ихтиёрига ўтган, Бобур тахтга келгач, уни қайтариб олган. У Самарқандга юришлари ва у ердан қайтишларида баъзан маълум муддат Хўжандда қолган, бироқ унинг иқтисодий имконияти чекланганидан нолийди: "Хўжанд бир муҳаққар ердур. Бир бекнинг авқоти анда ташвиш била ўтар" (Б.67). Сайҳун (Сирдарё) Темурийлар салтанати тарихига оид ёзма манбаларда мазкур шаҳар номи билан "Хўжанд дарёси"деб аталган. "Бобурнома"да ҳам "Сайҳун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдир" (Б.34), деб қайд этилган.

Шайбонихон Тошкент вилоятига юриш қилиб Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон ва унинг укаси Султон Аҳмадхоннинг бирлашган лашкарини тор-мор қилади, хонларни асир олади, сўнгра уларни озод қилади ва улар Мўғулистонга кетадилар. Мирза Ҳайдар "Тарихи Рашидий"да ёзишича, маълум вақтдан сўнг Султон Маҳмудхон қайтиб келади, бироқ Шайбонихон шафқат қилмайди ва уни оиласи билан қатл эттиради. "Бобурнома"да бу мудҳиш воқеа Хўжандда содир бўлгани қайд этилган: "Ўзбаклар хонни Хўжандта шаҳид қилғонда, ани ва яна андоқ неча норасидани зойиъ қилдилар" (Б.44).

Чакман– *Андхуд* яқинидаги мавзе. "Бобурнома"да 900 (1494-1495) йил воқеалари баёнида эслатилган.Унда Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд мирзо билан Султон Ҳусайн мирзо ўртасида Чакман мавзесида жанг бўлгани ва Султон Маҳмуд мирзо мағлубиятга учрагани айтилган.

Чакрак – "Бобурнома" да Андижондан жанубдаги тоғларда яшовчи элат сифатида қайд этилган ва мазкур элат яшаган жойлар шу ном билан аталган ҳамда аниқ маълумот келтирилган. "Андижон вилоятининг саҳронишинларидин бир Чакрак элидур, қалин элдур. Беш-олти минг уйлук эл бордур. Фарғона била Кошғар орасидаги тоғларда бўлурлар, отлари кўп ва қўйлари қалиндур. Ул тоғларда ўй (сигир) ўрниға қўтос сахларлар. Қўтослари ҳам бисёр бўлур" (Б.51). Бобур яна мазкур жойдаги элатлар, тоғлар орасида бўлгани сабабли, бирор-бир ҳукмдорга солиқ тўламаганини, 904 (1498-1499) йиллар воқеалари баёнида эса, уларни бўсундирганини ёзган (яна қ. *Ашпориён*).

Чандавал жулгаси – Кобул вилоятидаги водий. "Бобурнома" да маъмурий жиҳатдан Кобул вилояти таркибидаги *Бажур* кичик вилоятига қарашли жой сифатида таърифланган. Мазкур водийдан оқиб ўтувчи дарё Чандавал руди (Чандавал суйи) деб аталган. 925 (1518-1519) йил воқеалари баёнида Бобур Чандавалдаги тоғда ов қилганини ёзади. "Бу тоғнинг буғу, марали қоп-қора ранглик бўладур. Қуйруғу яна бир ўзгача ранглик, ғолибо мундин қуйи Ҳиндустон буғу, марали тамом қоп-қора бўлур. Ушбу кун яна бир

сарик қуш тушти, ул даги қора эди. Кўзлари ҳам қора эди. Ушбу кун бургут бир кийик олди" (Б.163).

Чармгарон дарвозаси – Кобул шаҳри қўрғонининг деворига ўрнатилган дарвоза. "Бобурнома"да 909 (1503) йили Кобул шаҳрининг Заҳириддин Бобур томонидан эгалланиши воқеалари тафсилотида эслатилган. Унда ёзилишича, қўшиннинг бир қисми Чармгарон дарвозаси томондан ҳужум қилган.

Чароғдон – Хуросондаги мавзе. Заҳириддин Бобур 1506 йилнинг қиш фаслида Ҳиротдан Кобулга қайтишда унинг йўли Чароқдон орқали ўтган. Шу йили Хуросонда қор жуда кўп ёққанини таъкидлаб ёзади. "Чахчарондин икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуғ бўлди, узангудин юқорроқ эди, балки аксар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди. Чароқдондин ўтгач ҳам қор кўп улуғ бўлди, ҳам йўл номаълум бўлди"(Б.146). Шунга қарамасдан, Бобур сафарни давом эттиради (қ. *Инжукон*; *Хаволи Қутий*).


Чарх – Кобул вилоятидаги кент. "Бобурнома"да Лаҳугар туманининг энг катта кенти (маркази) сифатида тавсифланган. Мазкур кент нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси мавлоно Яъқуб Чархийнинг ватани дейилган. "Яна Лаҳугар туманидур. Улуғ кенти Чархдур. Ҳазрати Мулло Яъқуб қуддиса сирраҳу бу Чархдиндур. Чархнинг боғоти қалиндур. Лаҳугарнинг ўзга кентларида боғ бўлмас" (Б. 113).

Чарғолонг – Ҳирот шаҳридаги обида. Заҳириддин Бобур 1506 йили Хуросонга сафари чоғида Ҳиротдаги темурий ҳукмдорлар таклифи билан декабрнинг дастлабки йигирма куни Ҳирот шаҳрида меҳмон бўлади. Шаҳарнинг диққатга сазовор муҳим жойларини бориб кўради ва уларни "Бобурнома" асарида келтирган. Мазкур обидалар ичида Чарғолонг ҳам эслатиб ўтилган.

Чату – Кобул вилоятидан жануби- ғарб томонда (ҳозирги Вардак вилоятида) жойлашган кент. Заҳириддин Бобур 909 (1503-1504) йили ҳазораларнинг бош кўтаргани, савдо йўлларида карвонларни талаётгани ҳақида хабар олади ва қисқа муддатга улрнинг устига чопқин ясаб боради. "Султон Масъуди ҳазорани чопа отланилди. Майдон йўли била келиб, Нирх кўталидин тунлаб ўтуб, фарз вақтида Чату навоҳисида ҳазораларни чопилди" (Б.117).

Чахчарон – "Бобурнома"да ёзилишича Ҳирот вилоятидаги тоғ олди кичик вилояти; 911 (1505-1506) йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо мазкур вилоятни бошқаришни Зуннунга бергани айтилган. "Охир мен Хисравшоҳни тутуб навкар-савдаридин айириб, Кобулни Зуннуннинг кичик ўғли Муқимдин олғон йили (1503 йил 22.IX) Зуннун, Хисравшоҳ менинг жиҳатимдин бечора бўлуб бориб, Султон Ҳусайн мирзони кўрдилар. Ҳирининг домани кўҳ вилоятларини, мисли Ўба ва Чахчарон мунга бердилар" (Б.133).


Чашмаи Пара (Тара) – Кобулдан жануби-ғарбда Гардиз чегарасида жойлашган довон. Ҳозирги номи Кўтали Тера, Гардиз шаҳридан шимол томонда. Заҳириддин Бобур 925 (1519) йил баҳорида Гардиз томонлардаги афғон қабилалари устига юриш қилади."Абдураҳмони афғон Гардиз сарҳадида ўлтурурлар эди, мол ва муомалада ройиж эмас эдилар, борур-келур корвонийлар ҳам булардин мутазаррир эдилар. Чаҳоршанба куни ражаб




1




2







5



6







9




10








13



14


santosh namb



ойининг йигирма тўққузида (22.03.1519) бу афғонларни чопа отланилди... пушталарда ва даштларда хейли саргардонлиқ тортилди... Чашмаи Паранинг кўталидин ошиб, Гардиз сари боқишлиқ қўлидин фарз вақтида (тонгда) тузга чиқиб чопқун йиборилди"(Б.175). Ушбу юришдан қайтишда Бобур қўшинининг бир гуруҳи Чашмаи Пара орқали юрган ва у ердаги тоғларда қирғовул овлаган.

Чағониён (Чағониён вилояти) – ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Сурхондарё вилоятининг шимолий қисмига тўғри келади. Сурхондарё (унинг эски номи Чағонруд) ҳавзасидаги, тахминан ҳозирги Жарқўрғон шаҳридан дарёнинг бошланиш қисмигача бўлган ҳудуд қадимда Чағониён давлати деб аталган. Унинг пойтахти, археологик тадқиқотлар хулосаларига кўра, ҳозирги Денов шаҳридан олти километр жанубда жойлашган Будрачтепага тўғри келади.

XIV аср ўрталарида Чиғатой улусининг хони Қозон Султонхон билан амир Қазаған ўртасидаги ҳокимият учун жанг-жадалларнинг бир қисми Чағониён вилоятида кечган. Амир Темур 1370 йили Балхга Амир Ҳусайн устига юришида Чағониёнда тўхтаб, шу ерда лашкар тўплаган.

Чағониён буюк Ипак йўлидаги вилоят бўлган. Мирзо Шоҳрух салтанатида 1419 –1422 йилларда Темурийлар давлатидан Хитойга борган элчилар қайтишда Ҳиротга борувчи бир гуруҳи Кошғар – Қоратегин – Ҳисори Шодмон – Чағониён йўналиши бўйича юргани ва Термизга келиб Жайҳундан ўтгани, сўнгра Ҳирот йўналишида ғарбга сафарини давом эттиргани маълум.

Темурийлар даврида Чағониён вилояти Мовароуннаҳрнинг маданий-маърифий гўшаларидан саналган. XIV асрнинг 90-йилларида нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси хожа Алоуддин Аттор Бухородан Чағониённинг Деҳнав қишлоғи (ҳозирги Денов шаҳри) га кўчиб келади ва шу ерда муқим яшаб, нақшбандия тариқатини тарғиб қилади.Вафотларидан сўнг ўша ерда дафн этилганлар ва қабрлари ҳозиргача катта зиёратгоҳдир.

"Бобурнома"да XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари – Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хуталон, Қундуз, Бадахшон то Ҳиндукуш тизмасигача Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд мирзонинг (857/ 1453 - 900 / 1495) мулки бўлган, дейилади. Сўнгра мазкур жойлар Хисравшоҳ, кейинчалик Шайбонилар ихтиёрига ўтади.

Заҳириддин Бобур Мовароуннаҳрда ҳукмронликни эгаллаш учун кураш йилларида бир неча марта Чағониёнда бўлган. У 1511 йили Кобулдан Мовароуннаҳрга юриши чоғида Ҳисорни эгаллайди, сўнгра Чағониён орқали юриб, Самарқандни Шайбонилардан олади ва 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида енгилгач, яна Чағониён орқали Ҳисор томон чекинади. У ердан мазкур йўналишда янги ҳужум бошлаб, Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлади ва Кобулга қайтади.

Чағонсарой – Кобул вилоятининг шарқида, Кунар ва Нургил туманлари ҳудудида жойлашган булук. "Яна бир булук Чағонсаройдур, бир кенттур, муҳаққар ередур, кофиристоннинг оғзидадур. Эли кофирлар била омихта учун , агарчи мусулмондур, вале куффор русумини бажо келтурурлар" (Б.111). Заҳириддин Бобур 925 (1519) йили Чағонсаройни олганда, Сайид Али Ҳамадонийнинг бу ердаги рамзий қабрини зиёрат қилганини ва у ердаги

жойлар – Нингнаҳор тумани, Мандировар, Дарайи Нур, Кунар, Нургил, Чағансаройни бошқаришни Носир мирзога топширганини ёзган.

Чағонсарой суйи – Кобул вилоятининг шарқида, Кунар ва Нургил туманлари ўртасидан оқиб ўтувчи дарё. "Бобурнома"да дарёнинг Кунар ва Нургил ҳудудидаги водийси Чағонсарой булуки деб аталган. "Чағонсарой суйи шарқ-шимолий тарафидин кофиристоннинг ичи била келиб, бу вилоятнинг ораси била ўтуб, Кома булукида Борон суйиға қўшулуб, шарққа боқа оқар. Нургил бу сувнинг ғарб тарафидур, Кунар шарқ тарафи" (Б.111).

Чаҳоряк – қ. *Сону-чаҳоряк*.

Чечакту– Хуросоннинг Бодхиз вилоятидаги кент. Ҳозир ҳам шу номда, Афғонистоннинг Фарёб вилояти ҳудудида. "Бобурнома"да 900 (1494-1495) йил воқеалари баёнида Заҳириддин Бобур Гурзувон, Алмор, Қайсор, Чечактудан ўтиб, Фахриддин ўлими мавзеси орқали юриб, Бодғисга тобе Дараи Бом деган жойгача боргани, 1506 йили эса, шайбониларга қарши жанг қилиш маслаҳатига Султон Ҳусайн мирзо фарзандлари билан учрашмоқ учун Мурғобга боргани, ўша вақтда Шайбони аскарларининг бир гуруҳи Чечакту ва унинг атрофларига чопқин ясагани айтилган.

Чилдухтарон – 1)Андижон шаҳри яқинидаги мавзе, Ўшга борадиган йўналишда. "Бобурнома"да 904(1499) йили Заҳириддин Бобур билан Султон Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзо ўртасида салтанат учун кураш воқеалари баёнида эслатилган.

"Танбал Жаҳонгирни олиб келиб, Андижоннинг бир шаръиси Пуштайи Айшнинг олидағи ўлангга тушти. Бир-икки қатла Чилдухтарон била ясаб, Пуштайи Айшнинг доманасиға келди"(в.66а). Бобур 908(1502-1503) йили Самарқандда Шайбонихондан мағлуб бўлганда Андижонга қайтади, укаси Жаҳонгир мирзо ва Султон Аҳмад Танбалга қарши урушиб, Андижонни эгаллаган. " Ўшдин отланиб, ярим кеча Андижоннинг бир куруҳида Чилдухтарон рўбарўйиға келдук"(Б.91); сўнгра вазият оғирлашиб, Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлган.

2) Мурғоб водийсидан Ҳирот шаҳрига борадиган йўлда жойлашган мавзе. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобур 1506 йили шайбониларга қарши жанг қилиш мақсадида Султон Ҳусайн мирзо фарзандлари билан учрашиш учун, Кобулдан қўшин билан Мурғоб дарёси водийсига келади ва уларнинг илтимоси билан Чилдухтарон орқали юриб Ҳиротга боради.

Чилсутун (Чиҳилсутун) – Мирзо Улуғбек томонидан Самарқанд шаҳри яқинидаги Пуштаи Кўҳак (Чўпон ота) тепалигининг этагида барпо этилган иморат. Заҳириддин Бобур "Бобурнома"да 903(1497-1498) йил воқеалари баёнида бу ҳақда аниқ тафсилотлар ёзиб қолдирган. "Яна Пуштайи Кўҳакнинг доманасида ғарб сори [Улуғбек мирзо] боғе солибтур, Боғи Майдонға мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур, Чилсутун дерлар; ду ошёна, сутунлари тамом тошдин. Бу иморатнинг тўрт бурчида тўрт манордек буржлар қўпорибтурларким, юққориға чиқар йўллар бу тўрт бурждиндур. Ўзга тамом ерларда тошдин сутунлардур. Баъзини морпеч хиёра қилибтурлар. Юққориғи

ошёнининг тўрт тарафи айвондур, сутунлари тошдин, ўртаси чордара уйдур. Иморат курсисини тамом тошдин фарш қилибтурлар"(Б.60).

Чилту (Ҳилту) ўланги– "Бобурнома"да 906 (1500-1501) йил тарихий воқеалари баёнида, Чағониён вилоятининг шарқий қисмида жойлашган ўланг сифатида тилга олинган. Самарқандни Шайбонихон олгач, Бобур Кеш орқали юриб Чағониёнга, ундан Ҳисор томонга кетади. Сўнгра Ҳисор тоғларидан ошиб, яна Самарқандга қайтади. "Самарқандни ўзбак олгач, Кешдин Ҳисор сари мутаважжиҳ бўлдук. Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарканд беклари кўч ва аҳлу аёллари била бизинг била тебрадулар. Чағониённинг Чилту ўлангига тушганда, Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари айрилиб бориб, Хисравшоҳка навкар бўлдилар" (Б.78).

Чин (Хитой) – мамлакат. "Бобурнома"да мазкур жой мамлакат номи сифатида "Хитой" ва "Чин" шаклларда учрайди. Бобур 909 (1503-1504) йил воқеалари баёнида Кобул шаҳрини тавсифларкан, уни халқаро савдо маркази сифатида кўрсатади, Хитойдан ҳам бу ерга мол олиб келинишини таъкидлайди. "Хуросон ва Ирок ва Рум ва Чин матои Кобулда топилур" (Б.108).

Чинорон – Хуросондаги мавзе. Машҳад шаҳридан шимоли-ғарбда, Кашафруднинг юқори ҳавзасида жойлашган. Ҳозир у ерда Чинорон қишлоғи бор, Эрон. "Бобурнома"да Султон Ҳусайн мирзо салтанат тахтини эгаллагандан сўнг, Чиорон мавзеида Ёдгор Муҳаммад мирзо билан урушиб ғалаба қозонгани айтилган.

Чир суйи – ҳозирги Чирчиқ дарёси, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи, Тошкент вилояти ҳудудида. "Бобурнома"да турли тарихий воқеалар баёни муносабати билан бир неча марта эслатиб ўтилган. Бобур ёзганидан, ҳозир Тошкент ҳудудига кирувчи Чирчиқ дарёси, ўтмишда шаҳардан 13 км узоқликда оққанини биламиз. "Чир суйиниким, Тошкандтин икки шаръий йўл бўлғай" (Б.38). Асарда 893/1487-1488 йили Султон Аҳмад мирзо Тошкент вилоятини Султон Маҳмудхондан қайтариб олиш учун юриш қилгани ва Чир (Чирчиқ) дарёси бўйида бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учрагани ҳам айтилган. "[Султон Аҳмад мирзо] Тошканд навоҳисида Чир суйининг ёқасида Султон Маҳмудхон била , агарчи масоф йўқ эди, мўғулнинг чопқунчиси бирин-икин черикнинг кейинидин келиб парталға илик қўйғон била, мунча қалин черик уруш йўқ, талош йўқ, бири-бириға боқмай бузулдилар. Кўпрак черик эли Чир суйида ғарқ бўлдилар"(Б.44).

Чиҳл Қулба – Кобул вилоятидаги мавзе. Заҳириддин Бобур 925 йил зулҳижжа ойининг охири (22.12.1519) да Кобулдан отланиб Ламғон томонга саёҳатга чиқади. Хожа Сеёрондан ўтиб, бир ҳафтадан сўнг Чиҳл Қулбага етиб боради. "Одина куни Чиҳл Қулба била Борон сувининг орасидаги тоғни овладук, хили кийик тушти. Илигим озурда бўлғали ўқ отмайдур эдим. Бир нармдек ёй била бир кийикнинг қўлтуғига оттим. Ўқ пархонасининг яримиғача кирди. Намоз дигар овдин ёниб, Нижровга келдук" (Б.181).

Чолок ўланги – Кобул шаҳри яқинидаги ўланг (дашт). Заҳириддин Бобур Кобул шаҳри ва вилоятини тавсифлаганда, шаҳар яқин-атрофида тўртта ўланг (шимоли-шарқда –Сўнак қўрғон ўланги, шимоли-ғарбда – Чолок ўланги, ғарбда

– Деврин ўланги, шарқда – Сияҳсанг ўланги) борлигини таъкидлаб ўтган. "Ўланглар сабзалиқ маҳалида бисёр яхши кўрунур... Ғарби-шимоли Чолок ўлангидур, Кобулдин бир куруҳдур, кенг ўлангдур, ёзлар чибини отқа ташвиш берур" (Б.107-108).

Чоржў гузари – Мовароуннаҳр билан Хуросонни боғлаб турган Амударёдаги асосий гузарлардан бири. Хуросондан Бухорога борадиган энг яқин йўл ушбу гузар орқали ўтган. Гузарда ташкил топган аҳоли маскани IX-XII асрлар ёзма манбаларида Амул, Амул аш-шатт, кейинроқ Омўя номлари билан аталган. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида келтирилган маълумотга кўра, XIV аср 2-ярмида Омўя Амударёнинг ўнг соҳилида бўлган (ҳозирги Фороб қишлоғи). "Бобурнома"да Хусравшоҳ Султон Маҳмуд мирзонинг тўнғич ўғли Султон Масъуд мирзони тутиб, кўзларини кўр қилдиргани, уни дастлаб Кешга, сўнгра у ердан Чоржў гузари орқали Ҳиротга Султон Ҳусайн мирзо ҳузурига олиб борганлари ҳақида хабар берилади.

Чорраҳа дарвозаси – бошқа номи "Чорсу дарвозаси". Самарқанд шаҳри деворига ғарбий томондан ўрнатилган дарвоза. "Бобурнома"да 903 (1497-1498) йили Самарқандда юз берган тархонлар исёни воқеалари баёнида эслатилган ва исён сабабчиларидан бўлмиш Муҳаммад Мазид тархон Чорраҳа дарвозаси орқали қочиб Бухорога боргани айтилган. Шунингдек, 905 (1495-1496) - 906 (1495-1496) йиллар воқеалари баёнида Султон Али мирзо онасининг гапига кириб, Чорраҳа дарвозасидан чиқиб Шайбонихон ҳузурига бош эгиб боргани ва ҳалок этилгани айтилган. "Султон Али мирзонинг онаси Зуҳрабеги оға беақллиғидин махфий Шайбонихонға киши йиборур, бу мазмун билаким, Шайбонихон ани олур бўлса, ўғли Шайбонихонға Самарқандни бергай. Отасининг вилояти [Ҳисор]ни олғондин сўнг Султон Али мирзоға бергай... Султон Али мирзо...кенгашмай бир неча ёвуғидаги кичик-кирим била Чорраҳа дарвозасидин Боғи Майдонға Шайбонихон қошиға борди... Бу бедавлат хотун чун ноқиси ақл эди, эрга тегар ҳавоси била ўғлининг хону монин барбод берди... Тўрт-беш кундин сўнг Қулба ўлангида ўлтурдилар…Бу беш кунлук ўлар жон учун ёмон от била борди" (Б.77-78).

Чорсу – Ҳирот шаҳридаги бозор. Заҳириддин Бобур 1506 йил декабр ойида у ердаги темурий ҳукмдорлар таклифи билан йигирма кун Ҳиротда меҳмон бўлган. Шу вақт ичида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўради ва уларни "Бобурнома"да санаб ўтган. Унда бозорлар (Бозори Малик, Чорсу)ҳам эслатиб ўтилади.

Чоштўба – Кобул вилоятида, Кобул шаҳридан шимоли-ғарб томонда тоғ этагида жойлашган дашт. Бобурнома"да 912 (1506-1507) йил воқеалари баёнида Чоштўба дашти деб эслатилган. Бобур бу томонларга бир неча марта саёҳат қилган. "Баҳорлар Борон ёзиси ва Чоштўба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур. Сабза (майса)си Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хили яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур" (Б.152); (яна қ. *Гулбаҳор доманаси*).

Чўпон кўпруги – Ўратепа яқинидаги кўприк. Заҳириддин Бобур 912 (1506-1507) йили Кувадан Самарқанд сафарига азм қилади. Марғилон, Исфара,

Маҳан кенти, Хусбон дашти орқали юриб, Чўпон кўпригидан ўтиб Ўратепага келади.

Чўпора гузари – Синд (ҳозирги Ҳинд) дарёсидан ўтадиган гузарлардан бири. "Бобурнома"да мазкур гузардан шимол томонда жойлашган тоғлар ҳам Чўпора тоғлари деб қайд этилган. Қандаҳор ва Ғазни орқали Ҳиндистонга борадиган карвонлар одатда Чўпора гузари орқали ўтганлар. "Чўпора гузари била ўтганлар агар Фармул била келсалар, Ғазни келурлар ва агар Дашт била борсалар, Қандаҳор борурлар" (Б.109); (яна қ. *Нилоб гузари).* .Заҳириддин Бобур 910 (1504-1505) йил воқеалари баёнида Кобул вилоятидан жанубдаги тоғ ва тоғ олди ҳудудларда яшовчи афғон қабилаларини, жумладан, Чўпора тоғларидаги Исохайл бошлиқ афғонларни бўйсундириш учун сафар қилганини ёзади.

Чўтоли (Қандаҳор) – ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмида жойлашган Сулаймон тоғларининг бир қисми саналмиш Дуки тоғи ва ўша ердаги шу номдаги кичик вилоят таркибидаги кент. Заҳириддин Бобур 910 (1504-1505) йили Ғазни томонга юриш қилганда Дуки вилоятидан, ундаги Чўтоли кентидан ўтган.

Шайхзода дарвозаси – Самарқанд шаҳри деворига шимолий томондан ўрнатилган дарвоза. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобур 906 (1501) йили Шайбонихон билан жангда енгилганида Шайхзода дарвозаси орқали шаҳарга қайтгани ва тўрт ой Самарқандда қамалда қолгани воқеалари баён қилинган. Қамал чоғида ғаним билан қисқа тўқнашувлар кўпроқ Шайхзода дарвозаси атрофларида юз берган, ҳимояда Бобур ўзи ҳам қатнашган. "Бир кун Шайбоқхон Оҳанин дарвозаси билан Шайхзода давозаси орасида уруш келтурди, менким кўмак эдим, уруш мунда бўлғоч мунда келдим... Ул куни Шайхзода дарвозасининг устидин ўқ учида бир бўз отлиқнинг отини новак ўқи била яхши оттим" (Б.84). Бобур Самарқандни ташлаб кетишида ҳам Шайхзода дарвозасидан чиққан. "Шайхзода дарвозасидин чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқтим. Яна икки хотун чиқти:бири Бичка халифа эди, яна бири Минглик кўкалдош эди. Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиққонда Шайбоқхоннинг илигига тушти"(Б.86), - деб ёзади Бобур бу ҳақда.

Шамту – қ.*Самту.*

Шаҳри Сафо – "Бобурнома"да иккита жой шу ном билан аталган: 1)Чағониён билан Термиз оралиғида жойлашган аҳоли маскани. "Қабодиёнға етганда Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёнийким, Чағониён ва Шаҳри Сафо ва Тирмиз анда эди, Хатиб Қаршийни йибориб давлатхоҳлиқ изҳори қилиб, бизга қўшулмоқ бўлди" (Б.102);

2) Афғонистоннинг жанубий қисмида Қалот кенти билан Қандаҳор шаҳри оралиғида, Қандаҳордан шимоли-шарқ томонда жойлашган аҳоли маскани. Ҳозирда Қалот вилояти таркибидаги қишлоқ. Заҳириддин Бобур 913 (1507-1508) йили Қандаҳор волийлари Шоҳбек билан Муқимнинг илтимос мактубига кўра, Шайбонихонга қарши бирлашиб курашиш мақсадида, Кобулдан лашкар билан отланиб Қандаҳор томонга йўл олган. Унинг йўли Шаҳри Сафо орқали ўтган.

Шероз – Эрондаги шаҳар, Форс вилоятининг маркази. XV аср биринчи ярмида Форс вилояти Мирзо Шоҳрух ҳукми доирасида бўлган ва у мазкур вилоятни бошқаришни ўғли Иброҳим Султонга, унинг вафотидан сўнг ўғли Абдулло мирзога белгилаган. "Бобурнома"да Мўғулистон хони Юнусхоннинг ёшлик йилларидаги ҳаёти тафсилотлари баёнида эслатилган. Унда Юнусхоннинг дастлаб Самарқандга, у ердан Ҳиротга келгани, сўнгра Мирзо Шоҳрух буйруғи билан Шерозга юборилгани айтилган.

Шероз қўрғони – Самарқанд вилоятидаги қўрғон. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобурнинг Темурийлар салтанатини эгаллаш учун жанг-жадаллари чоғида Самарқанд шаҳри ва вилоятидаги кечинмалари баёнида қайд этилган. Заҳириддин Бобур 902 (1496-1497) йил рамазон ойида Самарқандни эгаллаш учун Андижондан йўлга чиқади. Ёряйлоқдан ўтиб Шероз қўрғонига келади. "Биз бир-икки кундин сўнг Шероз қўрғониға еттук. Шероз Қосим дўлдойда эди. Доруғаси Шерозни сақлай олмай, қўрғонни берди. Шероз қўрғони Иброҳим соруға уҳда бўлди" (Б.55). Шайбонихон Самарқандга бостириб келган 903(1497-1498) йили Бобурнинг бир қисм қўшини Шерозда қишлагани маълум.

Шибарту – Ҳиндукуш тоғларидаги довон. Ҳозирги номи Кўтали Шибар. "Бобурнома"да мазкур довон Ҳиндикуш тоғ тизмасидан шимолий ҳудудларга ўтиладиган еттита асосий довондан бири сифатида қайд этилган.

"Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи тушубтур. Бу тоғдин етти йўл ошар... бир йўл Шибарту кўталидур. Ёзлар сув улғайса, Шибарту кўталидин ошиб, Бомиён ва Сайғон била юрурлар. Қишлар Обдара била юрушурлар. Қишлар тўрт-беш ой жамиъ йўллар боғланур, бир Шибарту йўлидин ўзга. Бу кўталдин ошиб, Обдара била юрурлар" (Б.108). Заҳириддин Бобур 912 (1506-1507) йили Хуросондаги темурийлар билан бирлашиб Шайбонихонга қарши жанг қилиш мақсадида, Кобулдан отланиб Шибарту довони орқали юрган ва қайтишда ҳам шу йўл билан келган.

Шибирғон – Афғонистоннинг шимолий қисмидаги шаҳар, Жузжон вилоятининг маъмурий маркази. X араб географик манбаларида ҳам ушбу вилоят маркази мақомида қайд этилган. XV-XVI асрларда, дастлаб Темурийлар давлати таркибида, сўнгра Шайбонилар тасарруфида, унинг салоҳияти ортган, мустаҳкам қўрғони бўлган ва вилоят ҳам, ҳудуди кенгайиб, Шибирғон деб аталган. Бироқ XVII асрдан яна кичик вилоят маркази мақомини олди. "Бобурнома"да 903 (1497-1498) йил воқеалари баёнида Шибирғон Султон Ҳусайн мирзо ҳукми доирасида бўлгани ва Хисравшоҳ аскарлари шу йили Шибирғонни муваффақиятсиз қамал қилгани айтилган.

Шовдор тумани – Самарқанд вилоятидаги туман, Самарқанд шаҳридан жануб ва жанубий-ғарб томонда жойлашган. "Бобурнома"да унга аниқ тавсиф берилган. "Яна Шовдор туманидур. Шаҳр ва маҳаллотқа пайвасттур. Хейли яхши тумандур. Бир тарафи Самарқанд била Шаҳрисабз орасидан тоғ воқиъ бўлубтур, кентлари аксар бу тоғнинг доманасида тушубтур. Яна бир тарафи Кўҳак дарёсидур, хушҳаво ва пурсафо, суйи фаровон. Неъмати арзон хейли яхши туман тушубтур. Миср ва Шом кўрган равандалар мунча чоғлик ер

нишон бермайдурлар"(Б.61). Туманнинг маъмурий маркази (доруғанишини) сифатида *Работи Хожа* кўрсатилган.

Заҳириддин Бобур 903-906(1497-1500) йиллар давомида пойтахт Самарқандни эгаллаш учун, шунингдек, Шайбонихонга қарши ҳарбий ҳаракатлари пайтида ўз қўшини билан кўпинча Шовдор тумани ҳудудидаги қўрғонларда, жумладан, унинг маркази Работи Хожада тўхтаган.

Шол – Қандаҳор вилоятидаги мавзе. "Бобурнома"да 913 (1507-1508) йили Заҳириддин Бобур Қандаҳор шаҳри яқинида Шоҳбек ва Муқим билан жанг қилиб ғалаба қозонгани, ғанимнинг Шоҳбек бошчилигидаги чериги Шол томонга, Муқим эса, Сеистонга қочгани айтилган. "Шоҳбек ва Муқимким қочтилар, Қандаҳор қалъасиға кира олмадилар. Шоҳбек Шол ва Мастунг сори чиқти. Муқим *Замини Довар* тарафи борди. Қўрғон беркитгунча киши қўймайдур эди (Б.158).

Шом (Сурия) – ўрта асрларда Сурия ва унга ёндош ерлар шундай аталган. "Бобурнома"да мамлакат номи сифатида келади. Заҳириддин Бобур Самарқанд вилоятидаги *Шовдор тумани* табиатини қиёсларкан, кўрган-билганлар уни Шом табиатидан ҳам гўзалроқлигини таъкидлаганларини ёзади.

Шохидон – Бадахшондаги аҳоли маскани. "Бобурнома"да унинг ўрни Бадахшоннинг ўша пайтдаги маъмурий маркази Кишм шаҳридан қуйироқда деб кўрсатилган; 912(1506-1507) йил воқеалари баёнида Носир мирзо Шохидон атрофларида Шайбони қўшинлар билан жанглар қилгани, ғалаба қозонгани айтилган. "Шоядки, минг-минг беш юз ўзбак ўлди экан. Носир мирзонинг бир яхши фатхи бу эди, бу хабарни Коҳмард жулгасида эканда Носир мирзонинг кишиси келтурди" (Б.141).

Шоҳобод – Ҳиндистондаги аҳоли маскани. Заҳириддин Бобур 932йил сафар ойида (1525. XI-XII) Кобулдан чиқиб Ҳиндистон томон юриш қилади, Синд дарёсидан ўтиб, Деҳли томон юради ва 28-жумода ал-аввалда (1526.12.03) Шоҳободга етиб келади.

Шохрухия – XV асрда Тошкент вилоятидаги йирик шаҳар, Сайҳун дарёси (Сирдарё)нинг ўнг қирғоғида жойлашган. "Бобурнома" да унинг қадимги номи Банокат эканлиги таъкидланган:"Тошканд ва Шоҳрухияким, Шош ва Банокат битирлар" (Б.59). Банокатни Чингизхон лашкари вайрон қилди. Амир Темур бу ерда янги мустаҳкам қўрғон барпо этди ва у "Шоҳрухия"деб номланди. Мовароуннаҳрда Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги йилларида Шоҳрухия савдо карвонлари Хитойга бориб келадиган Буюк Ипак йўлида жойлашган халқаро аҳамиятга молик муҳим шаҳар бўлган; карвонлар Сайҳун дарёсидан шу ердан ўтган.

Шоҳрухия XV асрда Мовароуннаҳрда кечган кўпгина сиёсий ва ҳарбий воқеликларга дахлдор бўлган. "Бобурнома" да қайд этилишича Султон Аҳмад мирзо Тошкент, Шоҳрухия ва Сайромни эгаллаб, кейинроқ уни Умаршайх мирзога беради. XV аср охирги чорагида Шоҳрухияда тарихий аҳамиятга молик сулҳ тузилади ва бу ҳақда Мирза Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарида муҳим маълумотлар бор. Унда ёзилишича, 890/1485 йили Темурий шаҳзодалар - Андижондан Умаршайх мирзо (ваф.899/1493-1494) ва Самарқанддан Султон

Аҳмад мирзо (ваф. 899/1493-1494), шунингдек Мўғулистон хони Юнусхон Тошкентдан йўлга чиқиб, Шоҳрухияга келадилар. Улардан ҳар бири Шоҳрухияни эгаллашни мақсад қилган эди. Темурийлар салтанати маънавий ҳамда сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Хожа Аҳрор валий Самарқанддан етиб келиб, учала ҳукмдорни ўз ҳузурига чорлайди ва томонларни яраштиришга эришади; 890/1485 йили Шоҳрухияда тузилган ушбу сулҳ шартига кўра Тошкент вилояти Юнусхонга берилади. Шунга кўра Шоҳрухия дастлаб Юнусхон, вафотидан (892/1486 – 1487 й.) кейин эса, ўғли Султон Маҳмудхон ҳукмида бўлган ва маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Мўғулистон таркибига кирган. Султон Маҳмудхоннинг ҳукмронлиги то Шайбонихон бу вилоятни олгунга (908 / 1502-1503 й.) қадар давом этган. "Муҳаммад Шайбонихон Султон Маҳмудхон била Олачахонға шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олғон маҳалда, ушбу Сўх била Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йилға ёвуқ танқислиқ била ўткариб, Кобул азимати қилдим" (Б.35), - деб ёзади Бобур бу ҳақда.

Шунқорхона тоғи – Туркистон тизмасининг бир тармоғи. "Бобурнома"да 906(1500-1501) йил воқеалари баёнида Самарқандни Шайбонихон олгач, Заҳириддин Бобур Кеш орқали Ҳисор томон чекинади, сўнгра тоғлар оша яна Самарқандга қайтади. Бунда у Камруд дараси орқали Зарафшон дарёси ҳавзасига, ундан Шунқорхона тоғи орқали юриб Ёряйлоққа келган.

Эгриёр – Кобул вилоятининг шимолий қисмида, Кобул шаҳри яқинида жойлашган мавзе. Заҳириддин Бобур 909(1503) йили Мовароуннаҳрдан Кобулга йўл олади. Андароб ва Ғурбанд орқали юриб, Ҳиндикуш тизмасининг Ҳубён довонидан Кобул томонга ошиб ўтади. Қорабоғ яқинида Эгриёр мавзесида душман қўшини билан кичик тўқнашув бўлган.

Ядабир – Кобул вилоятидаги мавзе, Ҳиндистон томон борадиган йўлда жойлашган. Заҳириддин Бобур 925(1518-1519) йили Ҳиндистонга биринчи сафаридан қайтишда, шу йили яна Юсуф Али афғон устига юриши ва 932(1525-1526) йили Ҳиндистонга асосий юриши чоғларида Ядабирдан ўтган.

Яккаўланг – Афғонистоннинг шимолий қисмида Бомиён вилоятидаги аҳоли маскани, ҳозирда вулусволий (туман) маъмурий маркази. Заҳириддин Бобур 912 (1506-1507) йили Хуросондаги темурийлар билан бирлашиб Шайбонихонга қарши жанг қилиш мақсадида, Кобулдан Хуросонга борганида ва у ердан қайтишда унинг йўли Яккаўлангдан ўтган. Қайтишдаги сафар айниқса жуда оғир кечган. Улар Ҳерируд дарёси водийси бўйлаб юқорига юриб, Ҳиндикушнинг баланд ғарбий тизмаларидан, Кўтали Заррин довонидан ошиб Яккаўлангга келадилар. "Ҳеч қари-улуқ ёд билмаским, бу кўтал (Кўтали Заррин довони) нинг мундоқ улуқ қори бор эрконда киши убур этмиш (ошиб ўтган) бўлғай, балки бу фаслда маълум эмаским, бу кўталдин убур этмак кишининг кўнглига етмиш бўлғай. Агарчи улуғ кордин неча кун хейли ташвиш кўрдук, вале охир ушбу улуғ қор сабабидин ўзумизни манзилга еткурдук. Нечукким агар мундоқ улуғ қор бўлмаса, андоқ бераҳ учма ва секиртмадин ким

ўта олғай эди, балки агар улуғ қор бўлмаса аввалги учмада-ўқ элнинг от ва теваси тамом қолғай эди...

Намози хуфтан бўлуб эдиким, Яккаўлангга келиб туштук. Яккаўланг эли биз келиб тушганда-ўқ хабар топтилар. Иссиқ уйлар, семиз қўйлар, отқа ўт ва бўрсу бениҳоят, ўт ёқмоққа ўтун ва тезакка не ҳад ва не ғоят, андоқ совуқ ва кордин қутулуб, мундоқ кенг ва иссиқ уйлар топмоқ, андоқ машаққат ва балодин халос бўлуб, мундоқ қалин нон ва семиз қўйлар топмоқ ҳузуредурким, мундоқ машаққатларни кўрганлар билур, фароғатедурким, мундоқ балолар кечурганлар фаҳм қилур. Хотиржамъ ва кўнгул тинч бир кун Яккаўлангда тавақкуф қилдук" (Б.148).

Якланга пуштаси – Кобул шаҳри яқинидаги тепалик. Заҳириддин Бобур Ҳиндистон сари юриш қилиб 932 йил сафар ойининг бошида (17.XI. 1525) Кобулдан йўлга чиқади ва Якланга пуштаси орқали юради. "Якланга пуштасидин ўтуб, Деҳи Яъқуб сувининг ғарбий тарафидаги ўлангга тушулди"(Б.184).

Янги – Қозоғистоннинг жанубий қисмидаги шаҳар ва вилоят, ҳозирги номи Тароз. Амир Темур етти йиллик юришдан қайтгандан сўнг, Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудларни, жумладан, Янги вилоятини Мирзо Улуғбекка суюрғол қилгани маълум. Мирза Ҳайдар "Тарихи Рашидий"асарида Янги вилоятини маъмурий жиҳатдан Мўғулистонга киритади. Заҳириддин Бобур Янгини Фарғона вилоятидан шимол томонда жойлашган шаҳар сифатида қайд этган. "[Фарғона вилоятининг] шимолида агарчи бурун шаҳарлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким, кутубда Тароз битирлар, мўғул ва ўзбак жиҳатидин бу тарихда бузулубтур, асло маъмура қолмабдур"(Б.34). "Бобурнома"нинг мавжуд нусхаларида бу сўз "Ўтрор" ёзилган. Бу котибнинг хатоси. Тўғриси –Тароз.

Янги йўл кўтали – довон, Ҳиндукуш тизмасида. "Бобурнома"да Кобул вилоятидан Ҳиндукуш тизмаси орқали ошиб ўтиладиган йўллардаги довонлардан бири сифатида тилга олинган. "Уч йўл Ғурбандтадур. Парвон йўлига ёвуқроқ йўл Янги йўл кўталидур, Валиён ва Ҳинжоға инар" (Б.108-109).

Яссикечит – Иламиш дарёси (Қорадарё)даги гузар. "Бобурнома"да ёзилишича, Заҳириддин Бобур 905 (1499-1500) йили Жаҳонгир ва Танбалга қарши жанглари чоғида Андижон яқинидаги Работак ўрчинига қарашли *Армиён* ва *Нўшоб* кентларида қишловни ўтказган. У ердан Бобурнинг Қосимбек бошчилигидаги чериги Иламиш дарёси (Қорадарё)дан Яссикечит гузари орқали ўтиб, Султон Аҳмад Танбал ва унга қўшилган мўғуллар билан қаттиқ жанглар қилган.

Яфтал – Бадахшон вилоятидаги аҳоли маскани. "Бобурнома"да 912 (1506-1507) йил воқеалари баёнида Бадахшон беклари мазкур вилоятни бошқариб турган Носир мирзога қарши бош кўтаргани, Кўкча дарёси билан Яфтал оралиғидаги яланглиқларда жанглар бўлгани, Носир мирзо енгилгани айтилган. "Носир мирзо ёвуғидағилари била бостуруб, талатиб, Ишкамиш ва Норин била Келогой келиб, Қизилсув юққори -ўқ юруб, Обдара йўли била

кириб, Шибарту кўталидин ошиб, Кобулга етмиш-сексон талатгон, олдургон, оч-яланғоч навкар-савдари била келди" (Б.152).

Ўзганд – кўргон ва кичик вилоят, маъмурий жиҳатдан XV аср иккинчи ярмида Фарғона вилояти таркибида бўлган ва ўша давр манбаларида "Ўзжанд" шаклида ҳам ёзилган. Буюк Ипак йўлида Кошғар билан Фарғона водийси оралиғида жойлашган муҳим аҳоли маскани саналади. Андижон билан Ўзганд оралиғидаги тоғ Олатоғ деб аталган.

"Бобурнома"да Умаршайх мирзо ўлимидан (1494 й.) сўнг Кошғар ҳокими Абубакр дуғлат Ўзгандни қамал қилгани айтилган. Унда яна Бобурнинг 1498-1502 йилларда Султон Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзонинг чиқишларига қарши олиб борган жанг-жадаллари, Ўшга Султон Аҳмад устига юришлари ёв Ўзганд қўрғонига чекингани ва Бобур ўша томонга чопқин қилиш учун қўшин жўнатгани ҳақида ҳам ёзилган.

Бобур 905 (1499-1500) йили укаси Жаҳонгир мирзо билан сулх тузиб, Ахси вилояти томонни укасига ва Андижон томонларни ўзига тегишли эттанда Ўзганд ҳам унинг ҳукми доирасига кирган.

Ўратепа – кўрғон ва вилоят. "Бобурнома"да тарихий маълумотнома ҳам берилган: "Ўратепаким асл оти китобларда Усрушанадур"(Б.38).

Ўратепа XV аср 2-ярмида Султон Абусаид, унинг ўлимидан сўнг ўғли Султон Аҳмад мирзо ҳукмида бўлган. Султон Аҳмад мирзо Тошкентга юриш қилиб Чир суви бўйида, унинг лашкари таркибида қатнашган Шайбонининг сотқинлиги туфайли, мағлуб бўлади (1487 й.). Шундан сўнг Ўратепа Умаршайх мирзо ихтиёрига ўтади. Бироқ Умаршайх мирзо вафоти йили уни яна Султон Аҳмад мирзо эгаллайди. Аниқроғи, шу йили – 899(1494) йили Султон Аҳмад мирзо Андижонга юриши чоғида Ўратепани олган. Қайтишда Ўратепага қарашли Оқсув деган жойда вафот этади (899/1494 й.). Бобур уни қайтариб олиш учун юриш қилади, лекин қиш келиб қолганлиги сабабли, қайтиб кетади.

"Бобурнома" да ёзилишича, Тошкентни пойтахт қилган Мўғулистон хони Султон Маҳмудхон 900 йил қишида (1494 йил декабрь - 1495 йил январь) Ўратепани эгаллайди ва уни бошқаришни Муҳаммад Ҳусайн кўрагонга топширади. Мазкур шаҳар 900/1494-1495 –908 /1502-1503 йиллар орасида, яъни Шайбонилар эгаллагунга қадар, унинг ҳукмида бўлган .

Заҳириддин Бобур Самарқанд тахти учун кураш йилларида бир неча марта Ўратепада маълум муддат яшаган, ушбу вилоятнинг тоғ-тошларида кезган, унинг табиатини ўрганган. У Ўратепага қарашли Даҳкат кентидаги кечмишлари ҳақида шундай ёзади: "Даҳкатда эканда Даҳкатнинг гирд ва навоҳисидағи тоғларни ҳамиша яёқ юруб, сайр қилур эдим. Аксар яланг оёқ юрур эдим. Яланг оёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлуб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эди" (Б.87).

Ўба – Ҳирот вилоятидаги тоғ олди кичик вилояти. "Бобурнома"да 911 (1505-1506) йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо Ўба ва Чахчарон вилоятларини бошқаришни Зуннунга бергани айтилган (яна қ. *Чахчарон*).

Ўнжутўба – Ўш вилоятидаги кент. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобур 1499 йил охирларида Ўш шаҳри ва вилоятида Султон Аҳмад Танбалга қарши

олиб борган жанглари чоғида Ўнжутўба кентини ўз черигн билан қароргоҳ қилгани айтилган.

Ўтрўлий – Ҳиндистонда Ганг дарёсининг ўрта ўнг ҳавзасида жойлашган аҳоли маскани. Заҳириддин Бобур 934 йил муҳаррам ойининг бошида (1527.27.09) Аградан чиқиб, Кўйил ва Санбал вилоятлари томонларга саёҳати чоғида Ўтрўлийда тўхтаб ўтган.

Ўш – шаҳар-қўрғон (қасаба) ва кичик вилоят, маъмурий жиҳатдан XV аср иккинчи ярмида Фарғона вилояти таркибида бўлган. "Бобурнома"да табиати кўркам жой сифатида алоҳида тавсифланган ва бу жиҳатдан Косон билан қиёсланган: "Яна бир Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи-жанубий тарафидур... Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Қўрғонининг шарқи-жанубий жонибида бир мавзун тоғ тушубтур, Барокўҳға мавсум... Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар қилурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йўқтур" (Б.35). Шаҳар чеккасидаги кўркам жойда меъморий обида Масжиди Жавзо борлиги эслатилган.Шаҳар ичидан оқиб ўтган дарё Андижонгача етиб борган ва "Андижон суйи" деб аталган (ҳозирги номи Оқбура): "Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур" (Б.35).

"Бобурнома"да Ўш вилояти ҳудудида тарихий воқеалар баёни муносабати билан Работи Сарҳанг ўрчини (тумани), Мозу (Моду) қўрғони, Обихон, Лотканд ва Унжутўба кентлари номлари ҳам қайд этилган.Бобур ҳокимиятга келганда Ўш шаҳрини бошқаришни Қосим қавчинга топширди. Ундан кейинги йилларда Бобурнинг Султон Аҳмад Танбал ва Жаҳонгир мирзонинг чиқишларига қарши олиб борган жанг-жадаллари бир қисми Ўш шаҳри ва вилоятини ҳам қамраб олган. Султон Аҳмад Танбал асли Ўш вилоятидан бўлгани сабабли, жангда енгилган пайтларда кўпинча ўша томондан паноҳ топган ва Бобур унинг ортидан таъқиб қилиб боришига тўғри келган. Айниқса 1499 йил охирларида Ўш шаҳри ва ўш вилоятидаги мустаҳкам қўрғонлардан бўлмиш Мозу (Моду қўрғони) қамал қилиниб эгалланганида, шунингдек, 1503 йил юришларида қаттиқ жанглар бўлган.

Қабодиён (Кубодиён) – Амударёнинг юқори ҳавзасидаги ўнг ирмоқлари –Кофарниҳон ва Вахш дарёларининг қуйи қисмида жойлашган вилоят ва аҳоли маскани. Ҳозир у ерда мазкур номда қишлоқ сақланган. Заҳириддин Бобур 909(1503-1504) йили Фарғона водийсидан чиқиб Кобул томон кетишида унинг йўли Қабодиён орқали ўтган. "Бобурнома"да 935 (1528) йил воқеалари баёнида Ҳиндистонга Бобур ҳузурига Кобулдан мактуб келгани ва унда Ҳумоюн 40-50 минглик черик билан Самарқандни олиш ниятида юриш бошлагани, Қабодиённи қўлга киритгани ҳақида хабар қилингани қайд этилган.

Қаёқту – "Бобурнома"да Кобул вилоятидан жанубдаги чўлда, афғон қабилалари (ғилжи, маҳманд) яшайдиган юрт сифатида қайд этилган (яна қ. *Улобату*).

Қайсор – Хуросоннинг Бодхиз вилоятидаги кент. Ҳозир ҳам шу номда, Афғонистоннинг шимолий кисмида Фарёб вилояти ҳудудида, вулусволий

(туман) маъмурий маркази. Заҳириддин Бобур 912 (1506) йили темурийлар билан бирлашиб Шайбонихонга қарши курашиш мақсадида Хуросонга сафар қилади. Кобулдан отланиб, Гунбазак ва Дандоншикан довонлари орқали Ҳиндукуш тизмасидан ошади, сўнгра Гурзувон ва Алмордан ўтиб Қайсорга боради. У ердан Балхоб ва Чечакту орқали Мургоб водийсига, Ҳирот темурийлари йиғилган жойга ўтади.

Қалъайи Дабусий – манбаларда Дабусия ва Дабусқалъа шаклларда ҳам қайд этилган. Самарқанд вилоятидаги қадимий шаҳар. Унинг қолдиқлари Окдарё ва Қорадарёнинг туташган жойида, Зиёвуддин шаҳридан 7 км шимоли-ғарбда аниқланган. 9-10 асрларда Суғднинг йирик шаҳри саналган. Дабусия 13-аср бошида мўғуллар томонидан вайрон қилинган, кейинчалик қўрғон сифатида қайта тикланган. Темурийлар даври тарихчи-географ олими Ҳофизи Абру "География" асарида уни Бухоро билан Самарқанд оралиғида жойлашган кичик шаҳар деб ёзади.

"Бобурнома"да 905(1499-1500) йили Шайбонихон Қалъайи Дабусийни эгаллаб турган Боқи тархон билан жанг қилиб, уни мағлуб этгани, сўнгра Бухоро томон ўтиб кетгани айтилган. Заҳириддин Бобур 906(1500-1501) йили Самарқандни иккинчи марта эгаллаганида, Шайбонихон Қалъайи Дабусини босиб олади. "Қалъайи Дабусида Иброҳим тархоннинг Аҳмад тархон отлиқ иниси эди. Шайбоқхон келиб қабади. Биз черик йиғиб истиъдод тайёр қилгунча, зўрлаб олди. Элни тамом қатли ом қилди" (Б.82).

Қалот – Афғонистоннинг *Зобул* вилоятидаги шаҳар, ушбу вилоятнинг маъмурий маркази. "Бобурнома"да Қалот ва Тарнук вилояти бирга ёзилган шакли ҳам бор. Ғазни вилоятининг жунуби-ғарбий қисми шундай аталган. Тарнук (ҳозирги аталиши Тарнак) дарёси водийсида жойлашган. Заҳириддин Бобур 911/1505-1506 йили Қандаҳор томонга қисқа муддатли юриш қилиб, Қалот қўрғони, Савосанг ва Олатоғ кентларидаги афғонлар устига чопқин ясаган. Кейинроқ, 913 (1507-1508) йили Қандаҳор волийлари Шоҳбек билан Муқимнинг илтимос мактубига кўра, Шайбонихонга қарши бирлашиб курашиш мақсадида, Кобулдан лашкар билан отланиб Қандаҳор томонга йўл олади. Бироқ улар қарши чиқадилар ва икки ўртада Қалот ҳамда ўша атрофларда жанглар бўлади, Бобур чериги ғалаба қилади.

Қандаҳор – ҳозирги Афғонистоннинг жанубий қисмидаги вилоят ва шаҳар. Ўз вақтида бу вилоятни Амир Темур невараси мирзо Пирмуҳаммад ибн Мирзо Жаҳонгирга берганди. Ҳиндистон забт этилгач, уни ҳам мазкур шаҳзода ҳукмига киритди. Марказ Қандаҳор шаҳри бўлган.

XV аср 2-ярмида Темурийлар давлати Султон Абусаид ҳукмига ўтгач, у Хуросон ва Эронзаминни ҳам ўз тасарруфига киритди; Кобул, Ғазнин ва Афғон мамлакатини ўғилларидан бири бўлмиш мирзо Улуғбекка берди ва Шимолий Ҳиндистон то Мўлтонгача жойлар ҳам унга қарарди; Гармсер ва Қандаҳор вилоятини бошқа ўғли мирзо Султонмуродга суюргол қилди.

"Бобурнома"да Қандаҳор маъмурий жиҳатдан Ғазни вилояти таркибидаги Зобулистонга киритилган: "Баъзи Қандаҳорни ҳам Зобулистон дохили тутубтурлар"(Б.113). Заҳириддин Бобур Қандаҳорнинг халқаро

савдодаги аҳамиятини Кобулга тенглаштиради: "Хуросондин корвон Қандаҳорға келур, Ҳиндустон била Хуросонға восита бу вилояттур" (Б.107-108). Шу сабабдан, Ҳирот шаҳрида Қандаҳор йўналиши бўйича қурилган дарвоза Қандаҳор дарвозаси деб аталган.

Қандаҳор вилояти – Афғонистоннинг жанубий қисмидаги вилоят. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Амир Темур ва Темурийлар давлати таркибига кирган. Мазкур жойларни Амир Темур суюрғоли асосида Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир, ундан сўнг унинг авлодлари, XV аср 2-ярмида Султон Абусаид авлодлари бошқарган. Қандаҳор Заҳириддин Бобур давлати таркибига кирган. Маркази *Қандаҳор* шаҳри. "Бобурнома"да мазкур вилоят орқали Ҳиндистондан Хуросонга борадига халқаро савдо йўли ўтгани ва у Қандаҳор йўли деб аталиши айтилган. Вилоят ҳудудидаги тоғ -Қандаҳор тоғи деб тилга олинган (яна қ. *Қандаҳор*). Бобур Кобулни эгаллаганда, унинг ҳукмдори Муқим Қандаҳор томонга, кейинроқ, бу жойлар Бобур ҳукмига ўтганда эса, Сеистонга қочган.

Қарангрик (Қаромонгрик) – Кобул шаҳридан Ламғон томонга *Нингнаҳор* туманига борадиган йўлда жойлашган мавзе. "Яна бир йўл Қўруқсой қуйи Қўратудин ўтуб Улуқнурдин Борон суйини кечиб Бодипеч кўталидин ўтуб Ламғон борур. Агар Нижров била келсалар, Бадровдин ўтуб Қарангрикдин ўтуб Бодипеч кўталига борур"(Б.110).

Қарокўба кўтали – Кобул вилоятининг шарқий қисмидаги тоғ довони. Заҳириддин Бобур 925 (1519) йили *Бажур* қўрғонини эгаллаш учун юриш қилганида, у ердан зарур юкларни Жарғоту, Дарвоза, Қарокўба кўтали орқали Кобулга жўнатган.

Қарши – ҳозирги Қарши шаҳри. Унинг ўз вақтида Амир Темур томонидан барпо этилган мустаҳкам қўрғони бўлган. "Бобурнома"да ҳам унинг номи Қарши қўрғони деб қайд этилган ва Бобур мазкур номнинг этимологиясини, манбаларда "қўрғон" деб кўрсатилганидан фарқли ўлароқ, "гўрхона" ("мақбара") деб изоҳлайди ҳамда Насаф ва Нахшаб аталишлари борлигини ҳам эслатиб ўтади. "Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили била "қарши" дерлар. Ғолибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлғондур"(Б.61).

Заҳириддин Бобур 906(1500-1501) йили Самарқандни иккинчи марта эгаллаганида Қарши, Ғузор, Қоракўл вилоятлари унинг тасарруфига ўтган. "Тенгри инояти била Сўғд ва Миёнкол қўрғонлари уч тўрт ойда аксар бизга ружуъ қилдилар. Боқи тархон ҳам фурсат топиб келиб, Қарши қўрғонига кирди. Хузор ва Қарши ҳам ўзбак тасарруфидан чиқти" (Б.81). Бироқ тўрт ойлик қамалдан сўнг 1501 йилнинг кузида Бобур Самарқандни тарк этади.

Бобур Кобулда ўрнашгача, қайта Мовароуннаҳрга юриш қилади ва 1511 йил баҳорида Ҳисорни, Қарши орқали юриб, ёзида Бухорони , октябрь бошида Самарқандни эгаллайди. "Тарих 917 / 1511 да Самарқандни олдим",- деб ёзади Бобур (в.174б). Мирза Ҳайдар бу санани аниқроқ берган: 917 йил, ражаб (1511 йил, сентябрь), 8 ой ҳукмронлик қилган. Бироқ 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ Шайбонилардан енгилади ва Ҳисор томон

чекинади. Ўша йилнинг кузида Ғузор ва Қаршини қайта эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Гиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади.

Қарши вилояти – ҳозирги Қарши шаҳри ва унга ёндош ҳудудлар, "Бобурнома"да Самарқандга тобе вилоят сифатида қайд этилган. Заҳириддин Бобур бу вилоятнинг табиати ва хўжалигини тавсифлаган, "Яна Қарши вилоятидурким, камоброқ ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқанддин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, ўн секкиз йиғоч йўлдур. Бағриқаро йўсунлиқ қушқина бўлурким, қилқуйруқ дерлар, Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қарши дерлар" (Б.61).

Қарғабулоқ пушталари – Кобул шаҳри якинидаги тепаликлар. "Бобурнома"да 912(1506-507) йил воқеалари баёнида эслатилган. Заҳириддин Бобур Шайбонихонга қарши темурийлар билан бирлашиб курашишга кетганда, Кобулда қолган Муҳаммад Ҳусайн мирзо бир гуруҳ мўғуллар билан фитна қўзғайди ва Мирзохонни ҳукмдор эълон қилади. Бобур етиб келиб, фитнани бостиради. Муҳаммад Ҳусайн мирзони кечиради, бироқ Хуросонга жўнатиб юборади. Қочиб улгурган Мирзохонни Қарғабулоқ пушталаридан тутиб олиб келадилар. Бобур уни ҳам Хуросон томонларга жўнатади.

Қаҳлаға – қ. *Дарбанди Оҳанин.*

Қаҳқа – тўғриси Қаҳлаға (қ. *Дарбанди Оҳанин).*

Қизилсув – ҳозирги номи Сурхоб. Ҳиндикуш тизмасининг шимолий ён бағридан оқиб тушувчи дарё. Амударёга чап томондан қуйиладиган Қундуз дарёсининг сўл ирмоғи. Заҳириддин Бобур 909(1503) йил ёзида Мовароуннаҳрдан Кобул томон йўл олганда, Қизилсув бўйлаб юқорилаб юрган. "Бобурнома"да шунингдек, 912 (1506 – 1507) йил воқеалари баёнида Носир мирзонинг Бадахшондан қувилгач, Қизилсув бўйлаб юриб Кобулга келгани ҳам айтилган.

Қипчоқ йўли – қ. *Қипчоқ кўтали*

Қипчоқ кўтали – Ҳиндикуш тизмасидаги довонлардан бири. "Яна бир йўл Қипчоқ кўталидур. Андароб суйи била Қизилсувнинг қотилишиға инар. Бу йўл даҳи яхши йўлдур" (Б.109). Заҳириддин Бобур 909(1503) йил ёзида Мовароуннаҳрдан Кобул томон йўл олганда, Қизилсув бўйлаб юқорилаб Қипчоқ довонидан ошиб ўтган.

Қорабоғ – Кобул яқинидаги мавзе. Заҳириддин Бобур 909(1503) йил ёзида Ҳидикуш тизмасидан Қипчоқ довони орқали ошиб Ғурбандга келади, сўнгра Ҳубён довонидан ошиб Санжиддарага келади. Унинг илғор қисмлари Қорабоғнинг этагида Эгриёр мавзеида душман қўшини билан тўқнашади. Бобур Қорабоғ ёнидаги Оқсарой ўлангига жойлашади.

Қорабулоқ – Самарқанд Суғдидаги мавзе, Самарқанддан Илонўтти томон борадиган йўлда. Заҳириддин Бобур Самарқанд тахти учун курашлари вақтларида Қорабулоқда бўлган. Жумладан, 902 йил рамазон ойида (1497.05) Андижондан Самарқандга сафар қилади. Шероздан ўтиб Қорабулоқда тўхтайди.У ердан отланиб Ёмга боради.

Қоракўл – Мовароуннаҳрдаги вилоят. Ҳозирги Бухоро вилоятининг жануби- ғарбий қисми. "Бобурнома"да унинг ўрни аниқ кўрсатилган ва Кўҳак (Зарафшон) дарёси Қоракўл вилоятини сув билан таъминлаши айтилган. "Яна Қоракўл вилоятидур. Борчадин поёноброқдур. Бухородин етти йиғоч... Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдур" (Б.59).

Заҳириддин Бобур 906(1500-1501) йили Самарқандни иккинчи марта эгаллаганида Қоракўл вилояти қисқа муддат темурийлар тасарруфига ўтган. "Қоракўлни ҳам Марвдин Абулмуҳсин мирзонинг кишиси келиб олди. Ишимиз бисёр тараққий устида бўлди... Марвдин келиб Қоракўлни олғонлар тўхтата олмадилар. Қоракўл яна ўзбаклар тасарруфиға кирди" (Б.81- 82).

Қоракўл вилояти – к. *Қоракўл*

Қоратегин – Тожикистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги тарихий-географик вилоят. "Бобурнома"да 901 (1495–1496) йил воқеалари баёнида Султон Ҳусайн мирзо Ҳисорга черик тортиб келганда, у ерда бар вақтлар Султон Маҳмуд мирзо хозматида бўлганларнинг бир қисми Қоратегин томонга кетгани ҳақида ёзилган. "Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон неча йил эрдиким, Шайбонихондин айрилиб келиб, Султон Маҳмуд мирзо мулозаматида эдилар. Жамиъ ўзбаклари била Муҳаммад дуғлат Султон Ҳусайн дуғлат ва жамиъ Ҳисор вилояти ўлтурушлуқ мўғуллар била бу бузуғлуқта Қоратегин сари торттилар" (Б.52).

Қорату (Кўрату) – Кобул шаҳридан Ламғонотга борадиган йўлда жойлашган мавзе. "Яна бир йўл Кўруқсой куйи Кўратудин ўтуб Улуқнурдин Борон суйини кечиб Бодипеч кўталидин ўтуб Ламғон борур" (Б.110). Заҳириддин Бобур мазкур йўлдаги қароқчилар таҳдидини йўқ қилган. "Бу йўлни урарлар эрди. Бу орада маъмура йўқ эди.Кўруқсойнинг оёғи Коратуни мен маъмура қилдурдум. Бу жиҳаттин йўл эмин бўлди" (Б.109). Бобур 925 (1518–1519) йили Кобул вилоятининг шарқий қисмларига сафари чоғида Коратуда тўхтаган. "Ўзум Коратуни сайр қилиб келдим. Ушбу юртта йиғочдин асал топилди" (Б.177).

Қорбуғ пуштаси – Самарқанд вилоятининг шарқий қисмидаги тепаликлар. Заҳириддин Бобур Самарқанддан қамалдан чиққач, тунда йўл босиб, Хожа Дийдордан ўтиб, тонг отарда Қорбуғ пуштаси орқали Илонўтти томон юрган.

Қубо (ҳозирги Кува шаҳри) – XV аср охирги чорагида Фарғона вилоятидаги йирик кент(қишлоқ)лардан бири. "Бобурнома"да Қубога оқиб келадиган сув "Қубо суви"(ҳозирги Кувасой, унга Каркидон сув омбори қурилган) ҳам эслатилган. Мазкур сой текисликдан ўтган қисмида ўт-ўланлар орасидан оққан ва ботқоқлик ҳосил қилган: "Қубонинг ботқоқлик қора суйи бор, кўпругидин ўзга ердин кечиб бўлмас, қалин черик келиб кўпрукда тиқилиб, қалин от ва тева бу қора сувга йиқилиб зойиъ бўлди"(Б.43).

"Бобурнома"да ёзилишича, Бобурнинг Фарғона вилоятида Султон Аҳмад Танбал исёнларини бостириш учун олиб борган жанг-жадалларида унинг йўли Қубо орқали ўтган ва шу ерда тўхтаган.

Қундуз вилояти – ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ҳудудидаги вилоят ва шаҳар, Қундуз вилояти маркази (қадимги номи Валволиз).

"Бобурнома"да ёзилишича, XV аср 2-ярмида Қундуз Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуднинг мулки бўлган, ундан сўнг маълум муддат Хисравшоҳ ҳукмига ўтган ва унинг Султон Ҳусайн мирзо билан муҳорабалари Қундуз шаҳрини ҳам қамраб олган. Хисравшоҳ ўзининг ҳарбий ҳаракатларида Қундузни таянч қўрғон қилган.

Қутлуққадам гўрхонаси – Кобул шаҳри атрофидаги мавзе. Заҳириддин Бобур Кобул шаҳрини эгаллашда Қутлуққадам гўрхонасининг ортидаги ўлангга келиб тушади ва чериги шу томондан Қутлуққадам кўприги устидан ҳужумга ўтиб шаҳарни эгаллайди.

Қутлуққадам кўприги – қ. *Қутлуққадам гўрхонаси*

Ғазни вилояти. Заҳириддин Бобур Кобул вилояти билан Ғазни вилоятини яхлит битта маъмурий бирлик сифатида тавсифлаган (қ.Кобул вилояти). "(Ғазни вилоятини) баъзи туман ҳам дерлар. Сабуктигин бирла Султон Маҳмуднинг ва авлодининг пойтахти Ғазни экандур. Баъзи "Ғазнин" ҳам битибдурлар... Учунчи иқлимдиндур. Зобул (Зобулистон) ҳам дерлар... Баъзи Қандаҳорни ҳам Зобулистон дохили тутубтурлар. Кобулдин ғарбға боқа ўн тўрт йиғоч йўлдур...

Муҳаққар вилояттур. Руди тўрт-беш тегирмон суйи бўлғай. Ғазнининг шаҳри, яна тўрт-беш кенти ушбу сув била маъмурдур;яна уч-тўрт кенти кориз била маъмурдур... Кобул узумидин Ғазни узуми яхшироқ бўлур. Қовуни ҳам Кобул қовунидин ортуқроқтур. Олмаси ҳам яхши бўлур, Ҳиндустонға элтарлар. Экини бисёр пурмашаққаттур. Ҳар миқдор ерким, экарлар, юзига тамом янги туфроқ ҳар йил киюрурлар. Вале Кобул экинидин мунинг экинининг ҳосили ортуғроқдур. Рўян экарлар. Тамом Ҳиндустонға борур. Бу элнинг яхши маҳсули рўяндур.

Саҳронишини ҳазора ва афғондур. Кобулға боқа Ғазни ҳамиша арзонликтур. Эли ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ мусулмон элдур...

Султон Маҳмуднинг қабри Ғазнининг маҳаллотидадурким, султон қабри анда учун Равза дерлар, Ғазнининг яхши узуми Равзадиндур. Авлоди: Султон Масъуд била Султон Иброҳимнинг қабри ҳам Ғазнидадур. Мутабаррак мазорот Ғазнида бисёрдур"(Б.113).

Ғаржистон – 1) Кобул вилоятининг ғарб томонидаги тоғлар. "Ғарб тарафидаги тоғлар Дарайи Зиндон ва Дарайи Сўф ва Гурзивон ва Ғаржистон тоғлари бир йўсунлуқ тоғлардур. Ўтлоғи аксар жулгаларида бўлур, андоқ қалин йиғочи ва арчаси ҳам йўқтур, вале ўти отқа ва қўйға созвордур"(Б.115);

2)Ҳиндикуш тизмасининг ғарбий қисми – Паропамиз, Сафедкуҳ ва Бобо тоғлари. Заҳириддин Бобур 1506 йилнинг қишида Ҳиротдан Кобул томонга сафар қилади ва Ҳерируд дарёси водийси билан юқорилаб юради. Қаттиқ қишда Ғаржистон тоғларидан ошиб ўтишга мажбур бўлади.

Ғиждувон – Бухоро вилоятидаги қўрғон. "Бобурнома"да Заҳириддин Бобур Кобулдан Мовароуннаҳрга охирги юриши тавсифида тилга олинган. Бунда у Эрон ҳукмдори шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиб,

унинг ёрдамида 1511 йил кузида Самарқандни эгаллайди ва саккиз ой давлатни бошқаради. Бироқ 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида Убайдулла Султон бошлиқ Шайбонилардан енгилади ва Ҳисор томон чекинади. Ўша йилнинг кузида Ғузор ва Қаршини қайта эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади.

Ҳазора – вилоят, хозирги Афғонистоннинг жанубида, Гармсер ва Қандаҳор атрофлари; Ҳазора – тоғ, Ғарбий Афғонистон; "Матлаи саъдайн" да Ҳазора вилоят номи сифатида келади. Ҳазораи Оқо – кичик вилоят номи.

"Бобурнома" да ҳазоралар хозирги Афғонистоннинг жанубий қисмидаги этнос сифатида қайд этилган. Ҳазоралар йўлтўсарлик ва қарокчилик билан шуғулланганлари сабабли, Бобур уларнинг устига Дараи Хуш томонга қўшин тортади. "Бобурнома" да мазкур қабила туркман ҳазораси дейилган (Б.126-128).

«Тарихи Рашидий» да ҳазора икки хил маънони англатади: 1) лашкар таркибидаги минглик –қозоқлар ҳазораси ва 2)Бадахшондаги қабила. "Тарихи Рашидий" да Бадахшонда ҳазоралар бош кўтариб, Шайбониларга бўйсунмадилар, жанг қилиб ғалаба қилдилар, дейилади. Бироқ кейинги ҳолат ҳам лашкар таркибидаги минглик билан боғлиқ, яъни этнос номи ҳарбий тузилма номидан олинганини англатади.

Ҳерируд – Афғонистон ва Туркманистондаги дарё, қуйи қисмида чўлда қумларга сингиб тугайди. "Матлаи саъдайн"да Ҳиротруд вилоят номи - Ҳиротруд вилояти сифатида келади. Демак дарё ҳам шу номда бўлган ва Ҳиротруд гидроними Х1У – ХУ асрларда дарёнинг барча қисмига тегишли саналган. Хозирда дарё Афғонистон ҳудудида Ҳерируд, Туркманистон ҳудудида Тажан деб аталади. Тажан деган ном ХУ асрда ҳам бор эди. Чунончи Яздий «Зафарнома»сида ва "Матлаи саъдайн"да ушбу дарёнинг қуйи қисмидаги мавзе Тажан деб аталган. Демак вақт ўтиши билан мавзе номи дарёнинг қуйи қисмидаги номига айланган.

Ҳилманд дарёси (русча адабиётларда Гильменд) - Афғонистоннинг жанубидаги дарё. Темурийлар даври ёзма манбаларида дарё номи Ҳирман суви (Оби Ҳирман), "Бобурнома"да Ҳирманд суйи шаклларда берилган: "Яна Бомиён тоғидур, бу тоғ берк тоғ воқиъ бўлубтур. Ҳирманд ва Синд ва Дуғобаи Қундуз ва Балхоб суйи бу тоғдин чиқар. Дерларким, бир кунда ҳар тўрт дарё суйидин ичса бўлур" (Б.112).

Ҳималай тоғлари – "Бобурнома" даги номи "Саво лак парбат" ва у кўплаб тоғларни ўз таркибида мужассам этган тизма сифатида қайд этилган. "Кашмирдан ўтгач, бу тоғда бениҳоят эл ва улус ва паргана ва вилоятлардур... Бу тоғни Ҳинд эли "Савалак парбат" дерлар; ҳинд тили била "сава" – рубъ, "лак" – юз минг, "парбат" – тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай. Бу тоғларда қор ўқсумас... Бу тоғнинг ва бу номаълум улусларнингким, "кас" дерлар, шимоли Тибат вилоятидур. Бу тоғдин қалин (кўп) дарё чиқиб, Ҳиндустоннинг ичи била оқар" (Б.197).

Ҳинд – дарё (қ. *Синд дарёси*).

Ҳиндистон – Жанубий Осиёда Ҳиндистон ярим оролида жойлашган давлат. 1526 йили апрелда Заҳириддин Бобур Панипатдаги жангда Иброҳим

Лўдийни енгиб, Дехли султонлигини эгаллади ва Бобурийлар давлатига асос солди (бу давлат 1858 йилгача давом этган).

"Бобурнома"да Ҳиндистон билан боғлиқ маълумотлар 926 (1518) йилдан кейинги воқеалар баёнида қайд этилган.Ҳиндистон деганда, асосан, Синд (Ҳинд дарёси)дан жанубдаги ерлар назарда тутилган, унинг маъмурий таркиби, аҳолиси, табиати (хусусан ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси), хўжалиги, тарихи, урф-одатлари ҳақида муҳим маълумотлар ёзилган. Заҳириддин Бобур Ҳиндистонни ўрта асрларда мавжуд етти иқлим тушунчаси бўйича дастлабки учта иқлимга киритган ва унинг ўзига хос томонларига эътибор қаратган:

"Ҳиндустон мамолики васиъ ва пурмардум (аҳолиси кўп) ва пурҳосил вилоят воқиъ бўлубтур. Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Мухит дарёси (океан)ға мунтаҳи бўлур. Шимоли бир тоғ (Ҳималай) дурким, Ҳиндукуш ва Кофиристон ва Кашмир тоғлари била пайвасттур. Ғарби-шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқиъ бўлубтур. Жамиъ Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Дехли эрмиш" (Б.196).

"Ғариб мамлакате воқиъ бўлубтур. Бизнинг вилоятларға бока ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал (ўрмон) ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқиъ бўлубтур... Синд (ҳозирги Ҳинд) сувини ўтгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тариқидадур"(Б.197).

Ҳозирги Ҳималай тизмаси, ундан бошланган дарёлар аниқ берилган. Заҳириддин Бобур Ҳималай тизмасининг номини "Саволак Парбат"деб қайд этган: "Бу тоғ (Ҳималай тизмаси) дин қалин (кўп дарё) чиқиб, Ҳиндустоннинг ичи била оқар. Сиҳриддин шимол сари бока олти дарёким, Синд ва Баҳат ва Чоноб ва Ровий ва Биёҳ ва Сатлуж бўлғай, ушбу тоғдин чиқиб, Мўлтон навоҳисида борча бир ерда қотилур. Борча бир ерда қотилғонда ҳам Синд дерлар; ғарб сари оқиб Татта вилоятининг ичи била ўтуб, Уммон (океан)ға қотилур. Бу олти дарёдин ўзга дарёлар: Жўн ва Ганг ва Раҳаб ва Гўмти ва Гагар ва сиру ва Гандак ва яна қалин (кўп) дарёлардурким, бори Ганг дарёсиға қотилиб, Ганг-ўқ (бевосита Ганг) атанур. Шарқ сари оқиб, Бангола вилоятининг ораси била ўтуб, Мухитқа (океанга) тўкилур. Борининг манбаи ушбу Саво лак парбат (Ҳималай тизмаси) тур"(Б.197).

Тарихи. Заҳириддин Бобур Ҳиндистоннинг ўзи яшаган даврдаги тарихига оид ёзганлари жуда муҳимдир. "Султон Шиҳобиддин Ғурийдин сўнг, Султон Фирузшоҳнинг охир аҳдиғача аксар Ҳиндустон Дехли салотинининг таҳти забтида экандур.

Бу тарихдаким, мен Ҳиндустонни фатҳ қилим, беш мусулмон подшоҳ ва икки кофир (подшоҳ) Ҳиндустонда салтанат қилурлар эди. Агарчи кичик-кирим рой ва рожа тоғ ва жангалда хили бор эдилар, вале муътабар ва мустақил булар эдилар... Дехли Султон Алоуддиннинг илигида эди.Бу табақа сайидтур. Темурбек Дехлини олғонда Дехли ҳукуматини буларнинг оталариға бериб, бориб эди. Султон Баҳлул Лудий афғон ва ўғли Султон Искандар Дехли пойтахти била Жунпур пойтахтиға қобиз бўлдилар. Ҳар икки пойтахт бир подшоҳнишин бўлди. Иккинчи – Гужарот, Султон Музаффар (ҳукмида) эди...

Учунчи – Дакан, Баҳманийлар (ихтиёрида) эди... Тўртунчи – Молва вилояти, Мандов ҳам дерлар, Султон Маҳмуд (ҳукмида) эди... Бешинчи – Бангола вилояти, Нусратшоҳ (қўлида эди). Отаси Банголада подшоҳ бўлуб эди, сайид эди ва Султон Алоуддинга мулаққаб эди... Улуқ муътабар ва мусулмон ва қалин (кўп) чериклик ва бисёр вилоятлиқ бу беш подшоҳ эдиким, мазкур бўлди.

Кофирлардин улуғроғи вилоят ва черик била Бижонагар рожасидур. Яна Роно Сангодур...

Яна Ҳиндустоннинг атроф ва жавонибида ғалаба (кўп) рой ва рожадур, баъзи мутиъ ул-ислом, баъзи йироқлигидин ё ери берклигидин ислом подшоҳларига итоат қилмайдурлар" (Б.196 – 197).

Ҳиндукуш тоғи –Осиёдаги йирик тоғ тизмаси, узунлиги 800 км чамаси, эни 350 км гача. "Бобурнома"да тоғ номи Ҳиндукуш ва Ҳиндукуш тоғи шаклларда берилган: "Ушбу тоғ Кобулда Ҳиндукушқа мавсумдур" (Б.197). Тизмадаги довонлардан бири эса Ҳиндукуш кўтали деб аталган. Кобул вилояти билан шимол томондаги вилоятлар ўртасида чегара сифатида қайд этилган: "[Кобул вилоятининг] шимоли – Қундуз ва Андароб вилоятидур, Ҳиндукуш тоғи воситадур"(Б.107). "Бобурнома"да Ҳиндикуш тоғлари шимолда бошқа тоғларга уланиб кетганлиги айтилган ва бир нечта довонлар санаб ўтилган: Бозарак ёки Порандий кўтали; Гунбазак; Дандоншикан кўтали; Жавак кўтали; Кўтали Заррин; Панжҳир (Панжшер); Тўл - "Йўли бир нима узунроқдир. Ғолибо бу жиҳатдин Тўл дерлар" (108); Қипчоқ кўтали; Ҳафтбача (Етти бола).

Ҳирот ("Бобурнома"да ёзилиши: **Ҳири**) – Хуросондаги шаҳар, XV асрда Темурийлар давлатининг пойтахти. Заҳириддин Бобур 1506 йил декабрнинг дастлабки йигирма куни Ҳиротда бўлган: "Йигирма кунким, Ҳирида эрдим, ҳар кунда кўрмаган ерларни отланиб сайр қилур эдим", деб ёзади у мазкур ташрифи ҳақида (Б.145).

Бобур Ҳиротнинг Султон Ҳусайн мирзо салтанатида ривожланганини таъкидлаган: "Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин Ҳирининг зеб ва зийнати бирга ўн, балки йигирма тараққий килиб эди" (Б.143). Шайбонихон Ҳиротни олгач, уни талон –торож қилгани ҳақида Бобур куйиниб ёзади: "Шайбоқхон Ҳирини олғондин сўнг, бу подшоҳларнинг зоҳ ва зоди била ёмон маош қилди, не ёлғуз бу жамъ била, бори халойиқ била. Рустойи ва нодида киши, беш кунлук ўтар дунё учун мундоқ ёмон от қозғонди" (Б.154).

Заҳириддин Бобур Ҳиротда Алишер Навоий номи билан боғлиқ жойларга алоҳида эътибор қаратган ва уларнинг номларини қуйидагича изоҳлайди: "Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, "Унсия" дерлар, мақбара ва масжиди жомеиниким, "Қудсия"дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким, "Халосия" ва "Ихлосия"дерлар, ҳаммом ва дорушшифосиниким "Сафоия" ва "Шифоия"дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим" (Б.145-146). Ҳиротдаги истеҳком қалъа – Ихтиёриддин ҳақида: "Ҳирининг қалъайи Ихтиёриддинига ким, ҳоло Олақўрғонга машҳурдур", – деб ёзади Бобур (Б.149). "Бобурнома"да яна Ҳирот шаҳридаги кўшк – Оқсарой ("Султон Абусаид Дарвозаи Ирокнинг тошида солғон" (Б.145)), боғлар (Боғи Жаҳоноро–подшоҳ

Бадиуззамоннинг қароргоҳи, Боғи Зоғон, Боғи Зубайда, Боғи Нав, Боғи Сафид, Боғи Хиёбон, Боғи Шаҳр), мадраса ва масжидлар (Шоҳрух мирзо мадрасаси, Султон Мирзо Ҳусайн мадрасаси,Бадиуззамон мирзо мадрасаси, Инжил ариғи бўйида, Масжиди жоме), шаҳар дарвозалари (Дарвозаи Ирок, Дарвозаи Малик, Дарвозаи Фирузобод, Дарвозаи Хуш, Дарвозаи Қипчоқ), бозорлар (Бозори Малик, Чорсу), сувлар (Жўйи Инжил, Ҳавзи моҳиён), хиёбон (Гозургоҳ хиёбони) кабилар ҳам эслатиб ўтилган (Б.145).

"Бобурнома" да Султон Ҳусайн мирзо девони акобирлари ҳақида сўз борган сатрларда, ўша пайтларда Ҳиротда ижод қилган бир қанча шоирлар (Абдураҳмон Жомий, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфий Бухорий, Абдуллоҳи маснавийгўй, Мир Ҳусайн муаммоий, Мулло Муҳаммад Бадахший, Юсуф бадиий, Оҳий, Муҳаммад Солиҳ, Шоҳ Ҳусайн Комий, Ҳилолий, Аҳлий), мусаввирлар (Беҳзод, Шоҳ Музаффар), мусиқачилар (Хожа Абдулло Марворий, Қул Муҳаммад Удий, Шайхий Нойи, Шоҳқулий Ғижжакий, Ҳусайн Удий), бастакорлар (Ғулом Шодий, Мир Азу, Биноий, Паҳлавон Муҳаммад Бусаид) тўғрисида ҳам маълумот берилган (Б.136–140)

Ҳисор (Ҳисори Шодмон; Ҳисор вилояти) – Темурийлар даври манбаларида икки хил маънони англатган: 1) вилоят номи –Ҳисор вилояти; 2) шаҳар - қўрғон, Ҳисор вилоятининг маркази. "Тарихи Рашидий"да Амударёнинг ўнг ирмоқларидан бири "Ҳисор" деб аталган (ҳозирги номи: Кофарниҳон дарёси). Ҳозирги вақтда Помир-Олой тизимидаги шарқ-ғарб йўналишида ястанган учта йирик тоғ тизмасидан жанубдагиси "Ҳисор тизмаси", ушбу тизмадан жанубдаги водий "Ҳисор водийси" деб аталади, Тожикистон ҳудудида.

Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сида акс этган тарихий воқеалар баёнида XIV асрда Чағониён, Ҳисор водийси ва Балх вилоятида сулдузлар яшаганлиги қайд этилган. Амир Темурнинг 1370 йили Балхга Амир Ҳусайн устига юришида, унинг лашкарида Чағониён ва Ҳисор водийсида яшовчи сулдуз қабилаларидан ҳам қўшин бор эди. XV асрда Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳрни бошқаришга Мирзо Улуғбекни тайинлаганда Ҳисори Шодмонни Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонга суюрғол қилади. Худди шу йилларда Буюк Ипак йўлининг Кошғардан Мовароуннаҳрга ўтган бир тармоғи орқали савдо карвонлари Қоратегин орқали Ҳисори Шодмонга келган, сўнгра у ердан ғарбга юриб, Термизда Жайҳундан ўтган ва Ҳирот йўналишида ғарбга сафарини давом эттирган.

XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда бошқарув тизими Султон Абусаид ва унинг авлодларига ўтганда, Ҳисор вилоятини Султон Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд мирзо (857/ 1453 - 900 / 1495)бошқарган. "Бобурнома"да Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари – Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хуталон ва Амударёдан сўл томонда Қундуз ва Бадахшон то Ҳиндукуш тоғларигача унинг тасарруфида бўлгани, Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида Туркистондан бир гурух қипчоқлар Хисравшоҳ билан Ҳисор ва Қундуз томонларга боргани ва

кейинчалик мазкур ҳудудлар Хисравшоҳ ҳукми доирасига ўтгани тафсилотлари ёзилган.

Умуман олганда XV аср охирги ўн йиллиги ва XVI аср бошларида Самарқандда марказий ҳокимиятни эгаллаш учун темурийлар ўртасида кечган курашларда воқеалар бир қисми Ҳисорни ҳам қамраб олган ва бу тарихий кечинмалар тафсилотлари "Бобурнома"да анча муфассал ёритилган. Унда келтирилишича, Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтига ўтиргач, Ҳисорни бошқаришни катта ўғли Султон Масъуд мирзога қолдиради . 901 (1495) й. кузида Хуросондан Султон Ҳусайн мирзо бостириб келади ва Султон Масъуд мирзо Самарқандга кочади. Султон Ҳусайн мирзо аскарлари билан кишда Ҳисорни қамал қилади, бироқ у ердаги беклар шаҳарни қаттиқ ҳимоя қиладилар ва у 1496 й. баҳорда қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Султон Масъуд мирзо кўп ўтмай яна Ҳисорга қайтади ва 902 (1496-1497) йили Хисравшоҳ юборган аскарларга қарши туриб қўрғонни яхши ҳимоя қилади. Хисравшоҳ 903 (1497-1498) йили Ҳисор вилоятини Султон Масъуд мирзодан олади ва у ерни бошқаришга Бойсунғур мирзони қўяди.

"Бобурнома"да 909 (1503) йил воқеалари тафсилотларида, Заҳириддин Бобур Андижондан чиқиб Кобул сафарига азм қилганида, унинг йўли Ҳисор вилояти орқали ўтгани айтилган: "[909 йил] муҳаррам ойида (1503 йил июнь-июль) Фарғона вилоятидин Хуросон азми била Илок яйлоғигаким, Ҳисор вилоятининг яйлоқларидиндур, келиб туштум... Улуғ-кичик мени умидворлик била ирашиб юруйдурганлар икки юздин кўпрак, уч юздин озроқ бўлғай эди... Илоқтин уч-тўрт кўч била Ҳисор навоҳисига Хожа Имод деган ерга келиб тушулди" (Б.102).

Заҳириддин Бобур 1511 йили Кобулдан Мовароуннаҳрга юриши чоғида Ҳисорни, ундан ўтиб Самарқандни Шайбонилардан олади ва 1512 йил баҳорда Кўли Малик жангида енгилгач, Ҳисор томон чекинади. У ердан янги ҳужум бошлаб, Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлади ва узил-кесил Кобулга қайтади.

Ҳубён кўтали – Ҳиндикуш тизмасидаги довон. Заҳириддин Бобур 909(1503) йил ёзида Ҳидикуш тизмасидан Қипчоқ довони орқали ошиб Ғурбандга келади, сўнгра Ҳубён довонидан ошиб Санжиддарага келади. У ердан отланиб, Қорабоғ ёнидаги Оқсарой ўлангига келиб жойлашади.

"БОБУРНОМА"ДАГИ ТОПОНИМЛАР РЎЙХАТИ

اباپور (کینت)	Абапур (кент)	Abapur (kent)
ابا قوروغی	Або қўруғи	Abo qo'r ug'i
~ قوروقی	~ қўруқи	~ qo'ruqi
ابو الولید (بلوری)	Абулвалид (Биллурий)	Abulvalid (Billuriy)
ابوالفتح (حمام)	Абулфатҳ (ҳаммоми)	Abulfath (hammomi)
ابون (کینت)	Абун (кент)	Abun (kent)
الون ~	*(ЕК): Алун*	*(YeK): Alun*
آتون ~	*(П): Атун*	*(P): Atun*
ابوهه	Абуҳа	Abuha
اود	Авад	Avad
اوباج کذری	Авбож гузари	Avboj guzari
اوباج	*Авбож;*	*Avboj;*
	Убож, Уёч, Уёж	*Uboj, Uyoch, Uyoj*
ایواج	*(К): Эвож*	*(K): Evoj*
اوتاج	*(Е): Этож*	*(Ye): Etoj*
اوماج	*(П): Умож*	*(P): Umoj*
اکره	Агра	Agra
اکره باغلاری	Агра боғлари	Agra bog'lari
اکره قلعه سی	Агра қалъаси	Agra qal'asi
ادوسه	Адуса	Adusa
اجر	Ажар	Ajar
آجر	Ожар	Ojar
آجردره سی	Ажар дараси	Ajar darasi
اجر قورغاتی	Ажар қўрғони	Ajar qo'rg'oni
اجین	Ажин	Ajin
ایبک	Айбақ	Aybak
ایلامیش دریاسی	Иламиш (Айламиш) дарёси	Aylamish, Ilamish daryosi
	(К): Ирамиш	(K): Iramish
عیش	Айш	Aysh
اکریا	Акрийа	Akriya
	(ЕҲ): Олай вилояти	*(EH): Olay viloyati*
اله سای	Аласой	Alasoy
اله سای بلوکی	Аласой булуки	Alasoy buluki
الور	Алвар	Alvar
	– қ. Унвар	*– q. Unvar*
الور قورغاتی	Алвар қўрғони	Alvar qo'rg'oni
الغتو	Алғату	Alg'atu

افتو	(К): Афиту	(K): Afitu
علی مسجد	Али Масжид (Хайбар)	Ali Masjid (Xaybar)
علی مسجد سویی	Али Масжид суйи	Ali Masjid suyi
النکار	Алингор	Alingor
النکار رودی	Алингор руди	Alingor rudi
علیاباد	Алиобод	Aliobod
علیشنک	Алишанг	Alishang
علیشنک رودی	Алишанг руди	Alishang rudi
علیشنک تومانی	Алишанг тумани	Alishang tumani
علیشیربیک نینک باغچه سی	Алишербекнинг боғчаси	Alisherbekning bog‘chasi
علیشیر بیک نینک دار الشفاسی	Алишербекнинг дорушшифоси – қ. *Шифоия*	Alisherbekning dorushshifosi – q. *Shifoiya*
علیشیر بیک نینک مدرسه سی	Алишербекнинг мадрасаси – қ.*Халосия*	Alisherbekning madrasasi – q.*Xalosiya*
علیشیر بیک نینک مقبره سی	Алишербекнинг мақбараси – қ. *Қудсия*	Alisherbekning maqbarasi – q. *Qudsiya*
علیشیر بیک نینک مسجد جامعی	Алишербекнинг масжиди жомеъи	Alisherbekning masjidi jome’i
علیشیر بیک نینک اویلاری	Алишербекнинг уйлари – қ. *Унсия*	Alisherbekning uylari – q. *Unsiya*
علیشیر بیک نینک حمام	Алишербекнинг ҳаммоми – қ. *Сафоия*	Alisherbekning hammomi – q. *Safoiya*
علیشیر بیک نینک خانقاهی	Алишербекнинг хонақоҳи – қ. *Ихлосия*	Alisherbekning xonaqohi – q. *Ixlosiya*
المار	Алмор	Almor
امله	Амла	Amla
امرهار	Амруҳар	Amruhar
آمو دریاسی	Аму дарёси	Amu daryosi
آمو سویی	Аму суйи	Amu suyi
آمو	Аму (Ому)	Amu (Omu)
انباله	Анбала	Anbala
عنبرکوه دامنه سی	Анбаркўҳ доманаси	Anbarko‘h domanasi
انباهر	Анбаҳир	Anbahir
انباهر کوتلی	Анбаҳир кўтали	Anbahir ko‘tali
اندری	Андарий	Andariy
اندراب	Андароб	Andarob
اندراب نواحی سی	Андароб навоҳиси	Andarob navohisi
اندراب سویی	Андароб суйи	Andarob suyi

اندراب تاغ لاری	Андароб тоғлари	Andarob tog‘lari
ازدراب ولایتی	Андароб вилояти	Andarob viloyati
اندکان	Андигон	Andigon
اندجان	Андижон	Andijon
اندجان ولایتی	Андижон вилояти	Andijon viloyati
اندجان قلعه سی	Андижон қалъаси	Andijon qal’asi
اندجان قورغانی	Андижон қўрғони	Andijon qo‘rg‘oni
اندجان رودی	Андижон руди	Andijon rudi
اندجان سویی	Андижон суйи	Andijon suyi
اندراب	Андароб	Andarob
اندرابه	*(ЕК): Андароба*	*(YeK): Andaroba*
اندرانه	*(Л): Андарона*	*(L): Andarona*
اندازانه	*Андозона*	*Andozona*
اندزار	Андзор	Andzor
اندارانه قورغانی	Андорона қўрғони	Andorona qo‘rg‘oni
اندخود	Андхуд	Andxud
عرب	Араб	Arab
عربستان	Арабистон	Arabiston
آری پرکنه سی	Арий парганаси	Ariy parganasi
ارند سویی	Аринд суйи	Arind suyi
ارک دروازه سی	Арк дарвозаси	Ark darvozasi
ارمیان	Армиён	Armiyon
ارس سویی	Арс (Арис) суйи	Ars (Aris) suyi
اروپر	Арўпар	Aro‘par
ارخیان	Архиён	Arxiyon
ارخیان قورغانی	Архиён қўрғони	Arxiyon qo‘rg‘oni
ارچه کینت یولی	Арчакент йўли	Archakent yo‘li
استراب	Астароб	Astarob
استراباد	Астробод	Astrobod
اسفیدک قورغانی	Асфидак қўрғони	Asfidak qo‘rg‘oni
اتر	Атар	Atar
افغانستان	Афғонистон	Afg‘oniston
اهار کذاری	Аҳар гузари	Ahar guzari
اخسی	Ахси	Axsi
اخسی ولایتی	Ахси вилояти	Axsi viloyati
اخسی دروازه سی	Ахси дарвозаси	Axsi darvozasi
اخسی قورغانی	Ахси қўрғони	Axsi qo‘rg‘oni
اخسی نواحی سی	Ахси навоҳиси	Axsi navohisi
اخسی سویی	Ахси суйи	Axsi suyi
اخسیکت	Ахсикат	Axsikat
اشپاریان	Ашпориён	Ashporiyon
بکیال لاریورتی	Багйаллар юрти	Bagyallar yurti
بکرام	Багром (Бигром)	Bagrom (Bigrom)
بکرام نینک نواحی سی	Багромнинг навоҳиси	Bagromning navohisi

بدخشان	Бадахшон	Badaxshon
بدخشان ولایتی	Бадахшон вилояти	Badaxshon viloyati
بدخشانات	Бадахшонот	Badaxshonot
بدخشانات تاغ لاری	Бадахшонот тоғлари	Badaxshonot tog‘lari
بدیع الزمان میرزا مدرسه سی	Бадиуззамон мирзо мадрасаси	Badi’uzzamon mirzo madrasasi
بدیع الزمان میرزا نینک دیوانخانه اویی	Бадиуззамон мирзонинг девонхона уйи	Badi’uzzamon mirzoning devonxona uyi
بداون	Бадовун	Badovun
بدراو	Бадров	Badrov
بدراو بلوکی	Бадров булуки	Badrov buluki
بیاوه پرگنه سی	Баёва парганаси	Bayova parganasi
بیاون ~	*(ЛЕК): Биёван*	*(LYeK): Biyovan*
بیاوه ~	*(Р): Биёва*	*(II): Biyova*
بجور	Бажур,	Bajur,
بجور ولایتی	Бажур вилояти	Bajur viloyati
بجور جلکاسی	Бажур жулгаси	Bajur julgasi
بجور قلعه سی	Бажур қалъаси	Bajur qal’asi
بجور قورغانی	Бажур қўрғони	Bajur qo‘rg‘oni
بجور سویی	Бажур суйи	Bajur suyi
بجور تاغلاری	Бажур тоғлари	Bajur tog‘lari
بکسر	Баксар	Baksar
بکسره	Баксара	Baksara
بلده محفوظه	Балдаи Маҳфуза	Baldai Mahfuza
بال نات جوکی	Балнат жўги	Balnat jo‘gi
بال نات جوکی تاغی	Балнат жўги тоғи	Balnat jo‘gi tog‘i
بلوجستان	Балужистон	Balujiston
بلوط	Балут	Balut
بولوط	*(ЕК): Булут*	*(YeK): Bulut*
بلوچ	Балўч	Balo‘ch
بلخ	Балх	Balx
بلخ ولایتی	Балх вилояти	Balx viloyati
بلخ قلغه سی	Балх қалъаси	Balx qal’asi
بلخاب	Балхоб	Balxob
بناس	Банас (дарё)	Banas (daryo)
بنکاله	Бангала	Bangala
بنکاله ولایتی	Бангала вилояти	Bangala viloyati
بنکرماوو	Бангармаву	Bangarmavu
بنکرماوو (کول)	Бангармаву (кўл)	Bangarmavu (ko‘l)
بنکش	Бангаш	Bangash
بنکش ولایتی	Бангаш вилояти	Bangash viloyati
بنکش رودی	Бангаш руди	Bangash rudi
بنکش تاغلاری	Бангаш тоғлари	Bangash tog‘lari
بنکش تومانی	Бангаш тумани	Bangash tumani

بند سخن	Банди Сихан	Bandi Sixan
بند سالار	Банди Солор	Bandi Solor
بندسالار یولی	Банди Солор йўли	Bandi Solor yo‘li
بنو	Банну	Bannu
بناکت	Банокат	Banokat
بنارس	Банорас	Banoras
بنارس قورغانی	Банорас қўрғони	Banoras qo‘rg‘oni
بنور	Баңўр	Bano‘r
برک	Барак	Barak
برکستان تاغی	Баракистон тоғи	Barakiston tog‘i
باری	Барий	Bariy
باری تاغ لاری	Барий тоғи	Bariy tog‘i
براکوه	Барокўҳ	Baroko‘h
براکوه تاغی	Барокўҳ тоғи	Baroko‘h tog‘i
براکوه تاغی دامنه سی	Барокўҳ тоғи доманаси	Baroko‘h tog‘i domanasi
بطلمیوس (رصد)	Батлимус расади	Batlimus rasadi
بخت	Бахат	Baxat
بخت سویی	Бахат суйи	Baxat suyi
بهجتخان نینک حوضی	Баҳжатхоннинг ҳавзи	Bahjatxonning havzi
بهلول پور	Баҳлўлпур	Bahlo‘lpur
بهادر خان سروانی	Баҳодирхон Сервоний	Bahodirxon Servoniy
کورخانه سی	гўрхонаси	go‘rxonasi
بهار	Баҳор (Кобул)	Bahor (Kobul)
بهرایج	Баҳрайиж	Bahrayij
بادل کر (عمارات)	Бадалгар иморати	Badalgar imorati
بیکتوت	Бектут	Bektut
بیتوی	Бетво	Betvo
بیتوی دریاچه سی	Бетво дарёчаси	Betvo daryochasi
بیتوی سویی	Бетво суйи	Betvo suyi
بهزادی	Беҳзодий	Behzodiy
بهزاد	*(ҚҲ): Беҳзод*	*(KH): Behzod*
بیبی ماه روی	Бибимоҳрўй	Bibimohro‘y
بیانه	Биёна (Байана)	Biyona (Bayana)
بیانه ولایتی	Биёна вилояти	Biyona viloyati
بیانه قورغانی	Биёна қўрғони	Biyona qo‘rg‘oni
بیانه ترکش بندلاری	Биёна тиркаш бандлари	Biyona tirkash bandlari
بیانه تاشی	Биёна тоши	Biyona toshi
بیانه تاشلاری	Биёна тошлари	Biyona toshlari
بیجانکر	Бижанагар	Bijanagar
بیاه	Бийаҳ	Biyah
بیاه سویی	Бийаҳ суйи	Biyah suyib
بیله (قصبجه)	Бийла (қасабача)	Biyla (qasabacha)
بیمروکری	Биймругирий	Biymrugiriy
بکرماجیت خیل خانه سی	Бикраможит хилхонаси	Bikramojit xilxonasi

بیلاور پرکنه سی	Биловар парганаси	Bilovar parganasi
بیلادر ~	*(К): Билодар*	*(К): Bilodar*
بلوه گذری	Билва гузари	Bilva guzari
بلگر	Билгар (Билган)	Bilgar (Bilgan)
ملگر	*(ПҲ): Милгар*	*(PH): Milgar*
بلکو	*(Е): Балку*	*(Ye): Balku*
بسطام	Бистом	Bistom
بیسوت	Бисут	Bisut
	(К): Биҳсут	*(К): Bihsut*
بتخاك رودی	Битхок руди	Bitxok rudi
بتخاک سویی	Битхок суйи	Bitxok suyi
بتخاك	Битхок (Бичок)	Bitxok (Bichok)
	(К): Типхок	*(К): Tipxok*
بهار	Биҳар	Bihar
بهار ولایتی	Биҳар вилояти	Bihar viloyati
بهار نواحی سی	Биҳар навоҳиси	Bihar navohisi
بهیه	Биҳия (Биҳар)	Bihiya (Bihar)
بیچر اتا	Бичрата	Bichrata
بیخر اتا	(К): Бихрата	(К): Bixrata
بابالولی یولی	Бобо Лўли йўли	Bobo Lo‘li yo‘li
بابا توکل لنکری	Бобо Таваккул лангари	Bobo Tavakkul langari
باباحسن ابدال	Бобо Ҳасан Абдол	Bobo Hasan Abdol
باباآللهی	Бобоилоҳий	Boboilohiy
باباالهی	Бобо Илоҳий	Bobo Ilohiy
باباقرا چشمه سی	Бобоқаро чашмаси	Boboqaro chashmasi
باباخاکی	Бобохокий	Boboxokiy
باغ بنفشه	Боғи Бинафша	Bog‘i Binafsha
باغ بهشت	Боғи Биҳишт	Bog‘i Bihisht
باغ بولدی	Боғи Бўлдо	Bog‘i Bo‘ldo
باغ وفا	Боғи Вафо	Bog‘i Vafo
باغ دلکشا	Боғи Дилкушо	Bog‘i Dilkusho
باغ جهان آر	Боғи Жаҳоноро	Bog‘i Jahonoro
باغ زاغان	Боғи Зоғон	Bog‘i Zog‘on
باغ زبیده	Боғи Зубайда	Bog‘i Zubayda
باغ کلان	Боғи Калон	Bog‘i Kalon
باغ میدان	Боғи Майдон	Bog‘i Maydon
باغ نو	Боғи Нав	Bog‘i Nav
باغ نوروزی	Боғи Наврузий	Bog‘i Navruziy
باغ نظرکاه	Боғи Назаргоҳ	Bog‘i Nazargoh
باغ سفید	Боғи Сафед	Bog‘i Safed
باغ صفا	Боғи Сафо	Bog‘i Safo
باغ فتح	Боғи Фатҳ	Bog‘i Fath
باغ خیابان	Боғи Хиёбон	Bog‘i Xiyobon
باغ خلوت	Боғи Хилват	Bog‘i Xilvat

باغ چنار	Боғи Чинор	Bog‘i Chinor
باغ شمال	Боғи Шимол	Bog‘i Shimol
باغ شهر	Боғи Шаҳр	Bog‘i Shahr
باغ يورونچقه	Боғи Юрунчқа	Bog‘i Yurunchqa
باغلان	Боғлон (Бағлон)	Bog‘lon (Bag‘lon)
باغات خم	Боғоти Хум	Bog‘oti Xum
بادغيس	Бодғис	Bodg‘is
بادغيس نواحی سی	Бодғис навоҳиси	Bodg‘is navohisi
بادپيچ	Бодпеч	Bodpech
بادپچ	*(ЕП): Бодпеж*	*(YeP): Bodpej*
بادیج	*(К): Бодиж*	*(K): Bodij*
بادپخ	*(ҲЕ): Бодпиҳ*	*(HYe): Bodpih*
بادپنج	*(ЕҚ): Бодпанж*	*(YeQ): Bodpanj*
باد پچ يولی	Бодпеч йўли	Bodpech yo‘li
بادپيچ كوتلی	Бодпеч кўтали	Bodpech ko‘tali
بادام چشمه	Бодомчашма	Bodomchashma
بادام چشمه كوتلی	Бодомчашма кўтали	Bodomchashma ko‘tali
بازار	Бозор	Bozor
بازار يولی	Бозор йўли	Bozor yo‘li
بازارک	Бозорак	Bozorak
بازارک كوتلی	Бозорак кўтали	Bozorak ko‘tali
بازار ملک	Бозори Малик	Bozori Malik
بای	Бой	Boy
دره بای =	*– қ. Дарайи Бой*	*– q. Darayi Boy*
باميان	Бомиён	Bomiyon
باميان تاغی	Бомиён тоғи	Bomiyon tog‘i
باندير	Бондир (Бандийр)	Bondir (Bandiyr)
باندور	*(Л): Бондур*	*(L): Bondur*
باره	Бора	Bora
باره سويی	Бора суйи	Bora suyi
باريک آب	Борикоб	Borikob
باران	Борон	Boron
باران يازيسی	Борон ёзиси (чўли)	Boron yozisi (chuli)
باران ياقاسی	Борон ёқаси	Boron yoqasi
باران سويی	Борон суйи	Boron suyi
باران توزی	Борон тузи (текислиги)	Boron tuzi (tekisligi)
بايزيد	Боязид	Boyazid
بولان	Булон	Bulon
برهانپور	Бурҳонпур	Burhonpur
برهانپور سويی	Бурҳонпур суйи	Burhonpur suyi
بساور	Бусовар	Busovar
بست	Буст, Баст	Bust, Bast
بتخانه	Бутхона	Butxona
بخارا	Бухоро	Buxoro

بودنه قوروغی	Бўдана қўруғи	Bo‘dana qo‘rug‘i
بوجپور	Бўжпур	Bo‘jpur
بولی	Бўлий	Bo‘liy
بورکه ییلاغی یولی	Бўрка яйлоғи йўли	Bo‘rka yaylog‘i yo‘li
بورکه ییلاقی	Бўрка яйлоқи	Bo‘rka yayloqi
بستان سرا	Бўстонсаро	Bo‘stonsaro
بستان سرای	Бўстонсарой	Bo‘stonsaroy
بهلسان	Бҳилсан	Bhilsan
بهره	Бҳира	Bhira
بهره ولایتی	Бҳира вилояти	Bhira viloyati
بهره کینت لاری	Бҳира кентлари	Bhira kentlari
بهره تاغلاری	Бҳира тоғлари	Bhira tog‘lari
ولیان	Валиён	Valiyon
ورالی	Варолий	Varoliy
والی	*(Х): Волий*	*(H): Voliy*
وراس	*(К): Варос*	*(K): Varos*
درالی	*(П): Даролий*	*(P): Daroliy*
ورسک صده سی	Варсак садаси	Varsak sadasi
وسمند	Васманд	Vasmand
وسمند قورغانی	Васманд қўрғони	Vasmand qo‘rg‘oni
واروخ	Ворух	Vorux
کبرک	Габрак (Гибрик; Кибрик)	Gabrak (Gibrik; Kibrik)
کهرشاد بیکیم مدرسه سی	Гавҳаршодбегим мадрасаси	Gavharshodbegim madrasasi
کهرشاد بیکیم مقبره سی	Гавҳаршодбегим мақбараси	Gavharshodbegim maqbarasi
ککر	Гагар	Gagar
ککر سویی	Гагар суйи	Gagar suyi
کزیو	Газев (Казев, Газю)	Gazev (Kazev, Gazyu)
کرنود	*(К): Карнуд*	*(K): Karnud*
کرنو	*(Е): Карну*	*(Ye): Karnu*
کربو	*(ЕКЛ): Карбу*	*(YeKL): Karbu*
کریو	*(П): Карю*	*(P): Karyu*
کمبیر سویی	Гамбир суйи	Gambir suyi
کنک	Ганг	Gang
کنک دریاسی	Ганг дарёси	Gang daryosi
کنک سویی	Ганг суйи	Gang suyi
کنکوته	Гангўта	Gango‘ta
کنکوته قورغانی	Гангўта қўрғони	Gango‘ta qo‘rg‘oni
کندک	Гандак	Gandak
کندک سویی	Гандак суйи	Gandak suyi
کندمک	Гандамак	Gandamak
کردیز	Гардиз	Gardiz

كرديز قورغانى	Гардиз қўрғони	Gardiz qo‘rg‘oni
كرم چشمه (كرمچشمه)	Гармчашма	Garmchashma
كرم سير	Гармсер	Garmser
كرم سير ولايتى	Гармсер вилояти	Garmser viloyati
كواليار	Гвалиор	Gvalior
كاليور	Галийур	Galiyur
كواليار بتخانه لارى	Гвалиор бутхоналари	Gvalior butxonalari
كواليار ولايتى	Гвалиор вилояти	Gvalior viloyati
كواليار قورغانى	Гвалиор қўрғони	Gvalior qo‘rg‘oni
كازركاه	Гозургоҳ	Gozurgoh
كازركاه خيابانى	Гозургоҳ хиёбони	Gozurgoh xiyoboni
كازر ستان دروازه سى	Гозуристон дарвозаси	Gozuriston darvozasi
كجرات	Гужарот	Gujarot
كجرات ولايتى	Гужарот вилояти	Gujarot viloyati
كزر	Гузар	Guzar
كلبهار	Гулбаҳор	Gulbahor
كلبهار دامنه سى	Гулбаҳор доманаси	Gulbahor domanasi
كلبهار سويى	Гулбаҳор суйи	Gulbahor suyi
كلكنه	Гулкина (маҳалла)	Gulkina (mahalla)
كلكنه نواحى سى	Гулкина навоҳиси	Gulkina navohisi
كنبذك كوتلى	Гунбазак кўтали	Gunbazak ko‘tali
كنبذ چمن	Гунбази Чаман	Gunbazi Chaman
كوره كترى	Гуракатрий	Gurakatriy
كركان سويى	Гургон суйи	Gurgon suyi
كرزوان	Гурзивон	Gurzivon
كوى سويى	Гўйи суйи	Go‘yi suyi
كومل	Гўмал	Go‘mal
كومل يولى	Гўмал йўли	Go‘mal yo‘li
كومل رودى	Гўмал руди	Go‘mal rudi
كومل سويى	Гўмал суйи	Go‘mal suyi
كومتى	Гўмтий (дарё)	Go‘mtiy (daryo)
كوسفند ليار	Гўсфандлиёр	Go‘sfandliyor
كهرام پرگنه سى	Гҳурам парганаси	Ghuram parganasi
دولت سرا	Давлатсаро	Davlatsaro
دكن	Дакан	Dakan
دلماو	Далмав	Dalmav
دلمود	*(Х): Далмуд*	*(H): Dalmud*
دلموط	*(К): Далмут*	*(K): Dalmut*
دلموو	*(П): Далму,*	*(P): Dalmu, Dalmuv*
دملود	*Далмув (Л): Дамлуд*	*(L): Damlud*
دلماو نواحى سى	Далмав навоҳиси	Dalmav navohisi
دندان شكن كوتلى	Дандоншикан кўтали	Dandonshikan ko‘tali
دره باى	Дарайи Бой	Darayi Boy

دره بام	Дарайи Бом	Darayi Bom
دره کز	Дарайи Гез	Darayi Gez
دره زنک	Дарайи Занг	Darayi Zang
دره زندان	Дарайи Зиндон (тоғ)	Darayi Zindon (tog‘)
دره کنر	Дарайи Кунар	Darayi Kunar
دره نور	Дарайи Нур	Darayi Nur
دره نور قورغانی	Дарайи Нур қўрғони	Darayi Nur qo‘rg‘oni
دره نور تاغ لاری	Дарайи Нур тоғлари	Darayi Nur tog‘lari
دره صوف	Дарайи Сўф (тоғ)	Darayi So‘f (tog‘)
دره خوش	Дарайи Хуш	Darayi Xush
دربند	Дарбанд	Darband
دربند اهنین	Дарбанди Оҳанин	Darbandi Ohanin
درویش محمد ترخان چارباغی	Дарвеш Муҳаммад тархон чорбоғи	Darvesh Muhammad tarxon chorbog‘i
دروازه یولی	Дарвоза йўли	Darvoza yo‘li
دروازه عراق	Дарвозаи Ироқ	Darvozai Iroq
دروازه قپچاق	Дарвозаи Қипчоқ	Darvozai Qipchoq
دروازه ملک	Дарвозаи Малик	Darvozai Malik
دروازه پیروزآباد	Дарвозаи Пирузобод	Darvozai Piruzobod
دروازه خوش	Дарвозаи Хуш	Darvozai Xush
درغم سویی	Дарғам суйи	Darg‘am suyi
درغم	Дарғам (Дарғам)	Darg‘am (Darg‘am)
دروته تنکی سی	Дарута тангиси	Daruta tangisi
دخکت کینتی	Дахкат кенти *(К): Дехкат*	Daxkat kenti *(К): Dexkat*
دهانه	Даҳона	Dahona
دهانه نواحی سی	Даҳона навоҳиси	Dahona navohisi
دشت	Дашт (Бозори Тоқ, домана)	Dasht (Bozori Toq, domana)
دشت دوکی	Дашти Дукий	Dashti Dukiy
دکی	Дукий	Dukiy
دشت خسبان	Дашти Хасбон	Dashti Xasbon
دشت شیخ	Дашти Шайх	Dashti Shayx
داورتین دادرتین	Довартин (Доварин) *(К): Додратин*	Dovartin (Dovarin) *(К): Dodratin*
داوربین	*(Е): Доварбин*	*(Ye): Dovarbin*
دیورین تنکی سی	Деварин тангиси	Devarin tangisi
دیورین اولانکی	Деварин ўланги	Devarin o‘langi
ده افغان	Деҳи Афғон	Dehi Afg‘on
ده افغان یولی	Деҳи Афғон йўли	Dehi Afg‘on yo‘li
ده غلامان	Деҳи Ғуломон	Dehi G‘ulomon
ده یعقوب	Деҳи Яъқуб	Dehi Ya’qub
ده یعقوب سویی	Деҳи Яъқуб суйи	Dehi Ya’qub suyi
ده یعقوب تنکی سی	Деҳи Яъқуб тангиси	Dehi Ya’qub tangisi

دهلی	Деҳли	Dehli
دهلی ولایتی	Деҳли вилояти	Dehli viloyati
دهلی قورغانی	Деҳли қўрғони	Dehli qo‘rg‘oni
دهلی پای تختی	Деҳли пойтахти	Dehli poytaxti
دزک	Дизак (Жиззах)	Dizak (Jizzax)
دیده پور (پرگنه)	Дийдапур (парғана)	Diydapur (pargana)
د له زاک	Дилазок	Dilazok
دلکشا باغی	Дилкушо боғи	Dilkusho bog‘i
دینکوت	Динкут	Dinkut
دینکوت ولایتی	Динкут вилояти	Dinkut viloyati
دینکوت کذری	Динкут гузари	Dinkut guzari
دیپالپور	Дибалпур	Dibalpur
دیری کوتلی	Дири кўтали	Diri ko‘tali
	(К): Дибри	*(K): Dibri*
دیول	Диюл	Diyul
دامن کوه	Домани кўҳ	Domani ko‘h
دامن کوه ولایت لاری	Домани кўҳ вилоятлари	Domani ko‘h viloyatlari
دامغان	Домғон	Domg‘on
دار المرز	Дорулмурз	Dorulmurz
	(Л): Дор-модор	*(L): Dor-modor*
دوازده برج	Дувоздаҳ бурж	Duvozdah burj
دوازده امام	Дувоздаҳ Имом	Duvozdah Imom
دکدکی	Дугдугий	Dugdugiy
دکی	Дуки	Duki
دکی ولایتی	Дуки вилояти	Duki viloyati
دون	Дун	Dun
دنکرپور	Дунгарпур	Dungarpur
	– қ. Удайпур вилояти	– q. Udaypur viloyati
درنامه	Дурнома	Durnoma
دوته	Дутаҳ	Dutah
دوشنبه	Душанба	Dushanba
دوشی نواحی سی	Душий навоҳиси	Dushiy navohisi
دوغابه قندز	Дўғобаи Қундуз	Do‘g‘obai Qunduz
دولپور	Дўлпур	Do‘lpur
دولپور باغی	Дўлпур боғи	Do‘lpur bog‘i
دولپور قورغانی	Дўлпур қўрғони	Do‘lpur qo‘rg‘oni
دولپور تاغی	Дўлпур тоғи	Do‘lpur tog‘i
دهار	Дҳар	Dhar
یام	Ём	Yom
یام نواحی سی	Ём навоҳиси	Yom navohisi
یانبولاغ یولی	Ёнбулоғ йўли	Yonbulog‘ yo‘li
یاری	Ёрий	Yoriy
تازی	*(К): Тозий*	*(K): Toziy*
باری	*(ЛЕ): Борий*	*(LYe): Boriy*

به یاری	*(П): Баёрий*	*(Р): Bayoriy*
یار ییلاق	Ёряйлоқ	Yoryayloq
ییتی کینت	Еттикент	Ettikent
ییتی کینت تاغ لاری	Еттикент тоғлари	Ettikent tog‘lari
جاجماوو	Жажмаву	Jajmavu
جاکین (پرکنه)	Жакийн (парғана)	Jakiyn (pargana)
جلیسر	Жалесар	Jalesar
جلسیر	*(К): Жалсер*	*(К): Jalser*
جکیسر	*(П): Жакесар*	*(Р): Jakesar*
جلیسر کینتی	Жалесар кенти	Jalesar kenti
جلال خان چکهت عمارتی	Жалолхон Жағҳат иморати	Jalolxon Jaghat imorati
جمرود	Жамруд	Jamrud
چنکلک	Жангалак (Чингалак)	Jangalak (Changalak)
جنجوهه	Жанжуҳа	Janjuha
جرغاتو	Жарғоту	Jarg‘otu
جسوال پرکنه سی	Жасвал парганаси	Jasval parganasi
جهانکیر میرزا مقابری	Жаҳонгир Мирзо мақобири	Jahongir Mirzo maqobiri
جهان نما	Жаҳоннамо	Jahonnamo
جهان نمای	Жаҳоннамой	Jahonnamoy
جهان آرا باغی	Жаҳоноро боғи	Jahonoro bog‘i
جیلم	Желам	Jelam
جیکدالیک	Жигдалик	Jigdalik
جکدالیک یولی	Жигдалик йўли	Jigdalik yo‘li
جیکدالیک کوتالی	Жигдалик кўтали	Jigdalik ko‘tali
جام	Жом (Афғонистон)	Jom (Afg‘oniston)
جام	Жом (Хуросон)	Jom (Xuroson)
جانالیکان	Жонолигон	Jonoligon
جاناکیکان	*(К): Жонокиган*	*(К): Jonokigan*
جواز کاغذ	Жувози коғаз	Juvozi kog‘az
جود	Жуд	Jud
جود تاغی	Жуд тоғи	Jud tog‘i
جومندنا	Жуманудуна	Jumanuduna
جون دریاسی	Жўн дарёси	Jo‘n daryosi
جون عمارتلاری	Жўн иморатлари	Jo‘n imoratlari
جون نواحی سی	Жўн навоҳиси	Jo‘n navohisi
جون سویی	Жўн суйи	Jo‘n suyi
جون	Жўн (Жумна)	Jo‘n (Jumna)
جوی انجیل	Жўйи Инжил	Jo‘yi Injil
جوی خوش (اریق)	Жўйи Хуш (арик)	Jo‘yi Xush (ariq)
جوی شاهی	Жўйи Шоҳий	Jo‘yi Shohiy
جونپور	Жўнпур	Jo‘npur
جونه جور	Жўначур	Jo‘nachur

جونه پور ولایتی	Жўнапур вилояти	Jo‘napur viloyati
جونه پور مملکتی	Жўнапур мамлакати	Jo‘napur mamlakati
جونپور سویی	Жўнпур суйи	Jo‘npur suyi
زمینداور	Заминдовар	Zamindovar
زمین داور	Замини Довар	Zamini Dovar
زمه یخشی	Заммаяхшо	Zammayaxsho
زرافشان باغی	Зарафшон боғи	Zarafshon bog‘i
زردک چولی	Зардак чўли	Zardak cho‘li
ضحاک قلعه سی	Заҳҳок қалъаси	Zahhok qal’asi
زیرقان	Зирқон (Зирмон)	Zirqon (Zirmon)
زابل	Зобул	Zobul
زابلستان	Зобулистон	Zobuliston
زامین	Зомин	Zomin
زرمت جلکه سی	Зурмат жулгаси	Zurmat julgasi
زرمت تومانی	Зурмат тумани	Zurmat tumani
ابراهیم اتا قبری	Иброҳим ота қабри	Ibrohim ota qabri
ایلانچوق	Ийлончуқ	Iylonchuq
ییلانچوق	*(ЕК): Йилончуқ*	*(YeK: Yilonchuq*
ایکی سواراس	Икки сув ораси	Ikki suv orasi
	-- қ. Работак ўрчини	– q. Rabotak o‘rchini
ایلاک	Илок	Ilok
ایلاک یایلاغی	Илок яйлоғи	Ilok yaylog‘i
ایلان اوتی	Илонўтти (дара)	Ilono‘tti (dara)
امام فخر	Имом Фахр (мақбара)	Imom Faxr (maqbara)
انجوکان	Инжукон	Injukon
انیچکه	Иничка	Inichka
ایرج	Ириж	Irij
عراق	Ироқ	Iroq
عراق ممالکی	Ироқ мамолики	Iroq mamoliki
عراقین	Ироқайн	Iroqayn
اسماعیل جلوانی	Исмойил жилвони	Ismoyil jilvoni
عیسی خیل کینتی	Исохайл кенти	Isoxayl kenti
استالیف	Исталиф	Istalif
استالیف باغی	Исталиф боғи	Istalif bog‘i
استالیف سویی	Исталиф суйи	Istalif suyi
استرغچ	Истарғач	Istarg‘ach
اسفره (بلوک)	Исфара бўлуки	Isfara bo‘luki
اسفره ولایتی	Исфара вилояти	Isfara viloyati
اسفره قورغاتی	Исфара қўрғони	Isfara qo‘rg‘oni
اسفره	Исфара;	Isfara;
اسپره	Испара (Аспара, Ашпара)	Ispara (Aspara, Ashpara)
اسحاق اتا قبری	Исҳоқ ота қабри	Ishoq ota qabri
اتاوه	Итава	Itava

ايتماك دابانى	Итмак добони	Itmak doboni
اخلاصيه	Ихлосия (хонақох)	Ixlosiya (xonaqoh)
اختيارالدين	Ихтиёриддин (қалъа)	Ixtiyoriddin (qal'a)
	– к.Қалъайи	– q.Qal'ayi
	Ихтиёриддин	Ixtiyoriddin
اشكميش	Ишкамиш	Ishkamish
اشكمش نواحى سى	Ишкамиш навоҳиси	Ishkamish navohisi
كاندار	Каандар	Kaandar
كوارى سويى	Каварий суйи	Kavariy suyi
كوار	Кавор	Kavor
كدى هزاره	Кадий Ҳазора	Kadiy Hazora
كجوه كولى	Кажва кўли	Kajva ko'li
ككورا	Какура	Kakura
كلانور	Каланур	Kalanur
كلده كهار	Калдакаҳар	Kaldakahar
كليره (كينت)	Калийра (кент)	Kaliyra (kent)
كلپهره	*(Қ): Калпуҳра*	*(Q): Kalpuhra*
كلنجرى	Калинжара	Kalinjara
كالپى	Калпий	Kalpiy
كالپى ولايتى	Калпий вилояти	Kalpiy viloyati
كالپى يولى	Калпий йўли	Kalpiy yo'li
كالپى نواحى سى	Калпий навоҳиси	Kalpiy navohisi
كالپى پركنه لارى	Калпий парганалари	Kalpiy parganalari
كمرى	Камарий	Kamariy
كمرى اولانكى	Камарий ўланги	Kamariy o'langi
كمرود	Камруд	Kamrud
كمرود دره سى	Камруд дараси	Kamrud darasi
كمرود رودى	Камруд руди	Kamrud rudi
كنباى نواحى سى	Канбой навоҳиси	Kanboy navohisi
كانواهه	Канваҳа	Kanvaha
كانوه	*(Ҳ): Конуҳ*	*(H): Konuh*
كانوهه	*(Л): Котваҳа*	*(L): Kotvaha*
كانو هين	Канваҳийн	Kanvahiyn
كند بادام (قصبجه)	Кандибодом (қасабача)	Kandibodom (qasabacha)
كندرليك دباتى	Кандирлик добони	Kandirlik doboni
كانجر	Канжара	Kanjara
كنجفه	Канжафа	Kanjafa
	(К): Катжафа	*(K): Katjafa*
كرك	Карк	Kark
كركى كذرى	Карки гузари	Karki guzari
كرك خانه	Каркхона	Karkxona
كرمال	Кармал (Кармол)	Karmal (Karmol)
كرل	*(Е): Карал*	*(Ye): Karal*
كرمينه ولايتى	Кармина вилояти	Karmina viloyati

كرمناس سويى	Кармунас суйи	Karmunas suyi
كرنان	Карнон	Karnon
كرنان داروغه سى	Карнон доруғаси	Karnon dorug‘asi
كرنان نواحى سى	Карнон навоҳиси	Karnon navohisi
كرنان سايى	Карнон сойи	Karnon soyi
كرنود	Карнуд	Karnud
كزيو=	– қ.: Газев	– q.: Gazev
كسمير	Касмир	Kasmir
	– қ. Кашмир	– q. Kashmir
كتواذ	Каттавоз	Kattavoz
كتواد	*(Ҳ): Каттавод*	*(H): Kattavod*
كتواو	*(Е): Каттавов*	*(Ye): Kattavov*
كتواذ وادى سى	Каттавоз водийси	Kattavoz vodiysi
كتواذ دشتى	Каттавоз дашти	Kattavoz dashti
كتواذ توزى	Каттавоз тузи	Kattavoz tuzi
كتور	Катур	Katur
كهدستان	Каҳдистон	Kahdiston
كهلور	Каҳлўр (Симла)	Kahlo‘r (Simla)
كهراج دره سى	Каҳрож дараси	Kahroj darasi
كهراج اولانكى	Каҳрож ўланги	Kahroj o‘langi
كچه كوت	Качакот	Kachakot
كيچه كوت سويى	Качакот суйи	Kachakot suyi
كجوه بندى	Качва банди	Kachva bandi
كجوه	Качва (Кажва)	Kachva (Kajva)
كشمير	Кашмир	Kashmir
كيشمير	*(КҲ): Кишмир*	*(KH): Kishmir*
كشمير تاغ لارى	Кашмир тоғлари	Kashmir tog‘lari
كشتود	Каштуд	Kashtud
	(К): Киштут	*(K): Kishtut*
كشتود قورغانى	Каштуд қўрғони	Kashtud qo‘rg‘oni
كعبه	Каъба	Ka’ba
كيب	Кеб (Китиб)	Keb (Kitib)
لكيب	*(Р): Лакиб*	*(R): Lakib*
كلف	Келиф	Kelif
كيلاكاى	Келогой	Kelogoy
	(Ҳ): Килогоҳий	*(H): Kilogohiy*
كش	Кеш	Kesh
كش ولايتى	Кеш вилояти	Kesh viloyati
كيش قورغانى	Кеш қўрғони	Kesh qo‘rg‘oni
كش مدرسه و مقبره سى	Кеш(нинг) мадраса ва мақбараси	Kesh(ning) madrasa va maqbarasi
كليف كذرى	Келиф гузари	Kelif guzari
كندكر	Киндгар	Kindgar
كندكر چشمه سى	Киндгар чашмаси	Kindgar chashmasi

كرمان	Кирмон	Kirmon
كرماش	Кирмош	Kirmosh
كرباش	*(Л) Кирбош*	*(L) Kirbosh*
كرماس	*(П): Кирмос*	*(P): Kirmos*
كرباس	*(Е): Кирбос*	*(Ye): Kirbos*
كرياس	Кирёс	Kiryos
كرماس تاغى	Кирмош тоғи	Kirmosh tog‘i
كرماس تاغلارى	Кирмош тоғлари	Kirmosh tog‘lari
كسرى طاقى	Кисро тоқи	Kisro toqi
كشم	Кишм	Kishm
كشم سويى	Кишм суйи	Kishm suyi
كابد	Кобуд	Kobud
كابل	Кобул	Kobul
كابل	Кобул (Ҳиндистон)	Kobul (Hindiston)
كابل اركى	Кобул арки	Kobul arki
كابل ولايتى	Кобул вилояти	Kobul viloyati
كابل قلعه سى	Кобул қалъаси	Kobul qal’asi
كابل قورغانى	Кобул қўрғони	Kobul qo‘rg‘oni
كابل سويى	Кобул суйи	Kobul suyi
كابل تاشى	Кобул тоши	Kobul toshi
كابل تومانلارى	Кобул туманлари	Kobul tumanlari
كابل چارباغى	Кобул чорбоғи	Kobul chorbog‘i
كامه	Кома	Koma
كامه بلوكى	Кома булуки	Koma buluki
كانوه كانوا كانواهه =	Конва – қ. Канваҳа	Konva – q. Kanvaha
كان ابكير	Кони обгир	Koni obgir
	– қ. Конигил	– q. Konigil
كان كل	Конигил	Konigil
كان كل اولانكى	Конигил ўланги	Konigil o‘langi
كاسان	Косон	Koson
كوتله	Котла	Kotla
كوتله كولى	Котла кўли	Kotla ko‘li
كاتلانك	Котланг	Kotlang
كاتلانك نواحى سى	Котланг навоҳиси	Kotlang navohisi
كافرستان	Кофиристон	Kofiriston
كهمرد	Коҳмард	Kohmard
كهمرد جلكاسى	Коҳмард жулгаси	Kohmard julgasi
كهمرد اولانكى	Коҳмард ўланги	Kohmard o‘langi
كاهان	Коҳон	Kohon
كاشغر	Кошғар	Koshg‘ar
كله كرام	Кула гиром	Kula girom
كنر	Кунар	Kunar

كنار كذرى	Кунар гузари	Kunar guzari
كنر يولى	Кунар йўли	Kunar yo‘li
كنر سويى	Кунар суйи	Kunar suyi
كنار تومانى	Кунар тумани	Kunar tumani
كوندبه	Кундаба	Kundaba
كوندنه	*(К): Кундана*	*(K): Kundana*
كوندبه	*(П): Кундия*	*(P): Kundiya*
كوندبه نواحى سى	Кундаба навоҳиси	Kundaba navohisi
كندله	Кундала (Кундла,	Kundala (Kundla, Kandla)
كندكه	Кандла)	
	(К): Кандка	*(K): Kandka*
كندار	Кундар	Kundar
كندار قورغانى	Кундар қўрғони	Kundar qo‘rg‘oni
كورره	Курара	Kurara
كوره	*(К): Кура*	*(K): Kura*
كورره	*(П): Курра*	*(P): Kurra*
كواره	*(Х): Каворох*	*(H): Kavoroh*
كره	Кура	Kura
كره قلعه سى	Кура қалъаси	Kura qal’asi
كره مانكپور	Кура Маникпур	Kura Manikpur
كره پركنه لارى	Кура парганалари	Kura parganalari
كريه	Курийа	Kuriya
كره تازيان	Куррайи Тозиён (дашт)	Kurrayi Toziyon (dasht)
كسار	Кусар	Kusar
كهرى پركنه سى	Куҳрий парганаси	Kuhriy parganasi
كوى پايان	Кўйи Поён	Ko‘yi Poyon
كول قصبه سى	Кўйил қасабаси	Ko‘yil qasabasi
كوكى	Кўкий	Ko‘kiy
كوك سراى	Кўксарой	Ko‘ksaroy
كوكچه سويى	Кўкча суйи	Ko‘kcha suyi
كول كل	Кўли Гил	Ko‘li Gil
كول مغاك اولانكى	Кўли Мағок ўланги	Ko‘li Mag‘ok o‘langi
كول ملك	Кўли Малик	Ko‘li Malik
كوره	Кўра	Ko‘ra
كوره كوتلى	Кўра кўтали	Ko‘ra ko‘tali
كوتل زرين	Кўтали Заррин (довон)	Ko‘tali Zarrin (dovon)
كوفين	Кўфин	Ko‘fin
كوه	Кўҳ	Ko‘h
كهك	Кўҳак	Ko‘hak
كهك دريامى	Кўҳак дарёси	Ko‘hak daryosi
كهك سويى	Кўҳак суйи	Ko‘hak suyi
كهت	Кўҳат	Ko‘hat
كوه بچه	Кўҳбачча	Ko‘hbachcha
كوه بچه دامنه سى	Кўҳбачча доманаси	Ko‘hbachcha domanasi

كوه جود	Кўҳи Жуд	Ko‘hi Jud
كوه مهتر سليمان	Кўҳи Мехтар Сулаймон	Ko‘hi Mehtar Sulaymon
كوه سفيد	Кўҳи Сафед	Ko‘hi Safed
كوه صاف	Кўҳи Соф	Ko‘hi Sof
كوه صاف ييلاغى	Кўҳи Соф яйлоғи	Ko‘hi Sof yaylog‘i
كهستان	Кўҳистон	Ko‘histon
كهنه نيلاب	Кўҳна Нилоб	Ko‘hna Nilob
كهنه ناتى	Кўҳнаноний	Ko‘hnanoniy
كه پايه كينتى	Кўҳпоя кенти	Ko‘hpoya kenti
كوهتن تاغى	Кўҳтан тоғи	Ko‘htan tog‘i
كوچه باغ	Кўчабоғ	Ko‘chabog‘
كوشك	Кўшк	Ko‘shk
كوشكك	Кўшкак	Ko‘shkak
	(К): Кўшлак	*(K): Ko‘shlak*
لوايين	Лавойин	Lavoyin
لكلكان	Лаклакон	Laklakon
لكنو	Лакнав	Laknav
لكنور	Лакнур	Laknur
لكنو	*(К): Лакнав*	*(K): Laknav*
لكنو	*(Е): Лакнув*	*(Ye): Laknuv*
للكنو	*(Л): Лалакнав*	*(L): Lalaknav*
لمته كندى	Ламата канди	Lamata kandi
لمغان	Ламғон	Lamg‘on
لمغان تومان لارى	Ламғон туманлари	Lamg‘on tumanlari
لمغانى كينتى	Ламғоний кенти	Lamg‘oniy kenti
لمغانات	Ламғонот	Lamg‘onot
لنكر ميرغياث	Лангари Мирғиёс	Langari Mirg‘iyos
لنكر مير غياث نواحى سى	Лангари Мирғиёс навоҳиси	Langari Mirg‘iyos navohisi
لنكر تيموربيك	Лангари Темурбек	Langari Temurbek
لندر	Ландар	Landar
لهوكر توماتى	Лаҳугар тумани	Lahugar tumani
لاهور	Лоҳўр	Loho‘r
لاهور خالصاتى	Лоҳур холисоти	Lohur xolisoti
لات كند	Лотканд	Lotkand
لات كند كينتى	Лотканд кенти	Lotkand kenti
مانس سويى	Манас суйи	Manas suyi
مولاناعبدالرحمن جامى	Мавлоно Абдураҳмон	Mavlono Abdurahmon
مزارات و مقابرى	Жомий мазороти ва мақбараси	Jomiy mazoroti va maqbarasi
مدينه	Мадина	Madina
مدهاكور	Мадҳакур	Madhakur
مدهاكور پركنه سى	Мадҳакур парганаси	Madhakur parganasi
مجم	Мажам	Majam

مزارشاه	Мазори Шоҳ	Mazori Shoh
میدان	Майдон	Maydon
میدان یولی	Майдон йўли	Maydon yo‘li
میدان رستم	Майдони Рустам	Maydoni Rustam
میدان رستم یولی	Майдони Рустам йўли	Maydoni Rustam yo‘li
مکه	Макка	Makka
مقام	Мақом	Maqom
مقام تاغی	Мақом тоғи	Maqom tog‘i
ملانه	Малана	Malana
مالوه	Малва	Malva
مالوه ولایتی	Малва вилояти	Malva viloyati
ملک محمد میرزا نینک اوی لاری	Малик Муҳаммад мирзонинг уйлари	Malik Muhammad mirzoning uylari
ملک قلی نینک اویی	Маликқулининг уйи	Malikqulining uyi
ملک لار نینک باغی	Маликларнинг боғи	Maliklarning bog‘i
ملک لارنینک مسجد جامعی	Маликларнинг Масжиди жомеъи	Maliklarning Masjidi jome’i
ملوخان نینک حوضی	Маллухон ҳавзи	Malluxon havzi
ملوت	Малўт	Malo‘t
